

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Ў.П. Умурзоқов, А.Ж. Тошбоев, Ж. Рашидов,  
А.А. Тошбоев**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИ  
ВА МЕНЕЖМЕНТ**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
Томонидан олий ўқув юртлари талабалари учун  
Ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган**

**Тошкент  
“ИҚТИСОД-МОЛИЯ”  
2008**

**Такризчилар:**

ТИМИ доценти, и.ф.н. **Абдуразакова Н.М.**

ТошДАУ доценти, и.ф.н. **Комилов Ю.Т.**

**Умурзоқов Ў.П.**

**Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент. Ўқув қўлланма /**

Ў.П.Умурзоқов, А.Ж.Тошбоев, Ж.Рашидов, А.А.Тошбоев

Масъул муҳаррир: академик Ғуломов С.С. Ўз.Р Олий ва ўрта таълим вазирлиги. –Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008й. -264 б.

Тошбоев А.Ж., Рашидов Ж., Тошбоев А.А.

Ушбу ўқув қўлланмада Республика аграр секторидаги қишлоқ хўжалик субъектлари ва унга таъминот, сервис хизмат кўрсатувчи корхоналарда иқтисодий самарадорлигини оширишни бозор муносабатларида ривожлантириш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бошқариш тизимини тубдан яхшилашнинг назарий ва амалий асослари ёритиб берилган бўлиб, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларига тўла мос келади.

Қўлланмада қишлоқ хўжалик корхоналарини бозор муносабатларида ривожлантиришнинг истиқболли йўллари Республика Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида ёзилган. Шунингдек, ўқув қўлланмада фаннинг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни, мақсади ва вазифалари, агросаноат мажмуаси ва уни ривожлантириш йўллари, ер фонди ва ундан самарали фойдаланиш, ер кадастри, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, асосий ва айланма фондлар, моддий техника ресурслари, инвестиция, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, МТП, лизинг, транспорт ва агрокимё сервис хизмат кўрсатиш, деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, қишлоқ хўжалигини бошқаришда менежмент, менежмент мақсади ва функциялари, қонун ва тамойиллари, усуллари, аграр соҳада бизнес ва менежмент, қишлоқ хўжалигида менежмент самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ёритиб берилган.

Ўқув қўлланмадан Олий ва ўрта махсус қишлоқ хўжалик ўқув юртларининг иқтисодий таълим йўналишлари бакалаврлари, магистрлари, аспирантлари ва ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

**ИСБН 978-9943-13-076-0**

© “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008

© Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Рашидов Ж., Тошбоев А.А. 2008

*Бу вазифаларни ҳал этиш учун эса кучли, қудратли давлат, юксак малакали, ахлоқан баркамол ходимлар керак. Биз оддий ҳақиқатни тушуниб этишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан келиб қуриб бермайди. Уни ҳаёти ўз ватанининг келажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз ўзимиз, бу мамлакат фарзандлари бунёд этамиз.*

*И.Каримов*

## **СЎЗ БОШИ**

Мамлакатимизда ижтимоий ишлаб чиқариш соҳаси бозор муносабатларида шаклланаётган бир пайтда, халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида ҳам иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва хизмат кўрсатишда ижобий ўзгаришлар бўлди. Мулкчиликка асосланган қишлоқ хўжалик субъектлари шаклланди. Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган 4 та қонуни «Ер кодекси», «Кооператив (ширкат) хўжалиги тўғрисида», «Дехқон хўжалиги тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида» мулкдорларнинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Натижада собиқ совет тузумидаги давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнида хусусий мулкчиликка асосланган нодавлат хўжалик субъектлари (ширкат, фермер, дехқон) вужудга келди. Натижада қишлоқ хўжалик бошқарув, хўжалик юритиш шакллари, дехқончилик тизими, ишлаб чиқариш, сервис хизмат кўрсатиш, рақобатчилик ва улар ўртасидаги муносабатлар ўзгариб, бозор иқтисодиёти муносабатларида шаклланмоқда.

Бу ўта долзарб вазифаларни бажариш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига фан-техника ютуқларини, илғор ва тежамкор технологияларни, кичик ва хусусий тадбиркорликни жорий этиш ва энг асосийси ишбилармон, ўқимишли иқтисодчи – ташкилотчи мутахассисларни тайёрлаш талаб этилади. Ўз навбатида қишлоқ ва сув хўжалигида ишловчи иқтисодчи: қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариши тараққиётининг барча иқтисодий ва биологик қонуниятларини, ўрта, хусусий бизнес ва тадбиркорлик асосларини; бозор иқтисодиёти қонунларини; фермер ва дехқон хўжаликларининг ташкилий – иқтисодий асосларини; хўжалик юритиш тизими механизмларини; корхоналарнинг мавжуд ресурс потенциалларидан самарали фойдаланиш; меғнатни ташкил этишнинг илғор усуллари; ўсимликчилик ва чорвачилик

маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш жараёнларини; илғор тежамкор технологияларни жорий этиш, меъёрлаш, маҳсулотлар таннари ва рентабеллигини ошириш шунингдек, бозор инфратузилмасини шакллантириш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишда сервис ва лизингни ўрни, тайёрлов ва таъминот ташкилотлари ўртасидаги муносабат, солиқ, суғурта ва бошқа ташкилий механизмлардан фойдалана билишга эга бўлишлари шарт.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда аввало иқтисодий ислохотларни тезкор бозор муносабатларида жорий этиш, мавжуд ер ва сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқга саноатни киритиш, қишлоқ хўжалигида техника ва технологиялардан изчил фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнида инфратузилмадан мукамал фойдаланиш, бозор инфратузилмасини қишлоқда шакллантириш, меҳнат бозорини ташкил этиш, янги иш ўринларини барпо этиш, маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш. сотиш механизминини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилиш, истиболли навларни ишлаб чиқиш, замонавий чет эл технологияларини амалиётда қўллаш, инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига, маҳсулот ҳажминини ва товарлилик даражасини ошириш, мавжуд имкониятлардан фойдаланилган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажминини ошириш олдимиздаги асосий муаммолардан бири бўлиб турибди.

# 1-БОБ. «ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА МЕНЕЖМЕНТ» ФАНИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТУТГАН ЎРНИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

## 1.1. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги ва унинг ривожланиш истиқболлари

Қишлоқ хўжалиги мамлакат халқ хўжалигининг энг муҳим ва йирик тармоғи бўлиб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни хом-ашёга бўлган талабини қондиради. Қишлоқ хўжалиги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини дастлабки ёки тўлиқ қайта ишлашнинг турли жарёнларини ўз ичига олади.

Республика қишлоқ хўжалигида мамлакатнинг иқлим, ер-сув ва моддий ресурсларидан ҳамда халқнинг асрлар давомида тўпланган деҳқончилик маданиятдан унумли фойдаланиш негизида пахтачилик ва дончиликни ривожлантиришга қаратилган. Деҳқончиликда ғаллачилик, шоликорлик, мевачилик, узумчилик, полизчилик, сабзавотчилик соҳалари, чорвачиликда эса қорамолчилик, кўйчилик, қорақўлчилик, эчкичилик, паррандачилик, йилкичилик, асаларичилик, пиллачилик тармоқлари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон жаҳонда ялпи пахта ҳосилини етиштириш бўйича 4-ўринда, пахта толаси экспорти бўйича 2-ўринда (АҚШ дан кейин) туради. Шунингдек республикада етиштириладиган мева, узум, сабзавот, полиз маҳсулотларининг асосий қисми кўшни давлатларга сотилади. Ўзбекистон ўзининг сифатли пилласи ва қорақўл териси билан ҳам дунёга машҳурдир.

Республиканинг 1993 йилдаги ғалла мустақиллигини эришиш дастури тўлиқ таъминланиб, 6 млн. тонна ишлаб чиқармоқда. Республика аҳолисининг 16,3 млн. киши қишлоқ жойларида яшайди. Ялпи ички маҳсулотнинг 26,8% қишлоқ хўжалигига тўғри келади. 3,1 млн. киши ёки республика халқ хўжалигида иш билан банд бўлганларнинг 30,9% қишлоқ хўжалик соҳасида меҳнат қилади.

Республика қишлоқ хўжалигида мулкчилик шаклларига кўра:

Кооператив (жамоа хўжаликлари, хўжаликлараро корхоналар, ширкатлар уюшмалари, давлат хўжаликлари негизида ташкил этилган хўжалиklar, жамоа мулкига айлантирилган фермалар ва бошқалар);

**давлат** (давлат хўжаликлари, наслчилик заводлари, ўқув-тажриба ҳамда тажриба хўжаликлари);

**хусусий** (деҳқон ва фермер хўжаликлари, хусусийлаштирилган корхоналар) киради.

**шахсий ёрдамчи** хўжаликлари (шахсий эҳтиёжлар учун айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш) секторлари мавжуд.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида пахта якка ҳоқимлиги (якка зироатчилиги)нинг қарор топиши оқибатида 1987 йилга келиб 2107,7 минг гектар ёки жами суғориладиган экин майдонининг 60% дан кўпроғига пахта экилди. Натижада илмий асосланган алмашлаб экиш тизими издан чиқди, минерал ўғитлар, гербецидлар, айниқса инсон саломатлигига зарарли бўлган пестицидлар меъёридан ортиқча ишлатилиши натижасида деҳқончилик қилинадиган жойларда экологик шароитлар бузилди, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин мамлакат қишлоқ хўжалигида чуқур ислохотларни амалга ошириш даври бошланди. Республика ҳукумати мамлакат иқтисодийнинг энг муҳим тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини шакллантириш, мулкчиликнинг нодавлат шаклига ўтиш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, деҳқон, фермер хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш каби масалаларни ҳал этишга эътибор берилди. Республика парламенти қишлоқ хўжалигида туб бурилишларнинг ҳуқуқий асосларини яратадиган қонунларни қабул қилди.

Республика Президентининг 1994 йил 21 январдаги «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 мартдаги «Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ва бошқа қарорлари иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бозор тамойилларининг эркин ишлаши учун шарт-шароитлар яратиш, хўжаликларни нодавлат шаклларига айлантириш, маҳсулдорлиги паст чорва фермаларини жамоага мулк қилиб бериш йўли билан қишлоқ хўжалигида ислохотларни янада чуқурлаштиришга, деҳқон ва фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий бизнес ишини йўлга қўйишга кенг имкониятлар очиб берилиб, қуйидаги натижаларга эришилди.

**1.1.1-жадвал.** Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Пахта	3002,4	3265	3122,4	2803,3	3536,8	3728,4	3600,3	3715,8
Буғдой	3929,4	4072	5650,8	6103,1	5868,8	6401,8	6655,1	6771,8
Картошка	731,1	744	777,2	834,4	895,7	924,2	1021,0	1188,1
Сабзавотлар	2644,7	2778	2935,6	3301,4	3336,1	3517,5	4294,1	4669,9

Мева	790,9	801	842,9	765,8	851,7	949,3	1182,2	1269,1
Узум	624,2	573	516,4	401,5	589,1	641,6	803,6	880,3
Полиз экинлари	451,4	466	479,1	587,3	572,5	615,3	744,1	840,0
Гўшт (тирик вазнда)	841,8	853,5	865	936,7	996,3	1 061,1	1 139,8	
Сут	3632,5	3665,2	3721,3	4031,1	4279,8	4 554,8	4 855,6	
Тухум	1254,4	1287,8	1368,9	1632,4	1859,9	19 666,7	21 281,1	

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2000-2007 йилларда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ошганлиги Республика қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ўз самарасини бераётганлигидан далолат беради.

Сабзавотлар, полиз экинлари, картошка, мева, шоли маҳсулотлари, чорвачиликда сут, гўшт, тухум, тери ва жун маҳсулотларига эркин (келишилган) нархларда сотиш жорий этилди. Бу эса хўжаликларнинг ўзлари етиштирган маҳсулотларини ўз ихтиёрида фойдаланишга имкон яратилди. Давлат буюртмаси фақат пахта, дон, шолига нисбатан сақланиб қолди.

Бу тадбирлар эса хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга, хўжаликларни иқтисодий жиҳатдан мустақамлашга, қишлоқ меҳнаткашлари турмуш даражасини яхшилашга ҳамда хўжаликларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ривожлантиришга йўл очди.

Ҳаммамизга маълумки, деҳқон ўзи ҳосил етиштириб, уни сотиш билан шуғулланмаса, иш унуми ва самараси бўлмайди. Уларга ўз вақтида банк сервис хизмати, таъминот, истеъмолчи ва қайта ишлаш корхоналари ёрдами берилиб, кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб истеъмол бозори бойитилмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалиги суғорма деҳқончиликка асосланган бўлиб, суғориладиган ерлар майдонини кенгайтириш, сув таъминотини яхшилаш, дарёлар оқимини мавсумий тозалаш, сув омборлари, тўғонлар қурилиши, улкан ўзи оқар ва магистрал каналларининг қурилиши, ирригация шаҳобчаларини яхшилаш, ерларни мелиорациялаш, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, электрлаштириш, кимёлаштиришни яхшилаш эвазига экинлар ҳосилдорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш имконияти минтақалар бўйича яратилади.

Ўзбекистон худуди қишлоқ хўжалиги жиҳатидан 3 минтақага бўлинади: **1. Тоғ ва тоғ олди минтақаси**-республика худудининг 20 фоиздан ортиқ майдонини ташкил этади.

Уларга, лалмикор деҳқончилик (буғдой, арпа, нўхат, зиғир), боғдорчилик ва узумчилик, мавсумий баҳорги кузги яйловлар бўлиб, чорвачилиги гўшт-жун етиштиришга ихтисослашган. **2.Суғорма деҳқончилик минтақаси** – республика ҳудудининг қарийиб 20 %ни ташкил этиб, бу минтақага Фарғона водийси, Мирзачўл, Далварзин чўли, Чирчиқ-Оҳангарон, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод водийлари, Қуйи Амударёни ўз ичига олади. Минтақада пахта, дон, шоли, маккажўхори, картошка, сабзавот-полиэ экинлари, ем-хашак экинлари, боғ ва тоқзорлар, тутзорлар, резавор экин майдонлари киради. **3.Чўл яйлов минтақаси**-республика ҳудудининг 60 фоизини ташкил этади. Ҳудудга чўл ва сувсиз текисликлардан иборат, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистонда ва Фарғона водийсининг марказий қисмида жойлашган ерлар киради.

Республика ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида 2011 йилга қадар стратегик режалар ишлаб чиқилди. Унда етиштирилган маҳсулотларни чет эл инвесторлари ёрдамида қайта ишлаш, сақлаш ва етказиб бериш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқилди. Маҳсулот ҳажмини оширишда асосий эътибор ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор берилган бўлиб, унинг истиқболли йўналишлари ишлаб чиқилиб амалиётда ташкил этилмоқда. Бозор инфратузилмасини ривожлантириш бўйича турли тадбирий чоралар кўрилмоқда. Қишлоқ хўжалик аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида охириги йилда ҳукуматнинг қатор фармонлари қабул қилиниб, аҳолини турмуш даражасини яхшилаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, касаначиликни ривожлантиришга асосий эътибор берилди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам қишлоқ аҳолисини иш ҳақи тўлаш тизимини яхшилаш, меҳнат шароитларини яратиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали қишлоқ хўжалигини индустриал тармоққа айлантириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

## **1.2. Фаннинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда тутган ўрни**

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари бозор тамойиллари асосида шаклланмоқда. Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг, ерга эгалик ва ундан фойдаланишнинг янги шакллари мужассамланиши, бошқариш тизимининг бозор муносабатларига мослашиб бориши, экинлар структурасининг бозор талабига қараб такомиллаштирилиши, мамлакат қишлоқ хўжалигидаги барқарорликни таъминловчи асослар бўлиб хизмат қилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг истиқболда ривожланиши тўғрисида Президент И.А.Каримовнинг “Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни



чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни истикболли йўлларини белгилаб берди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилмаларни; муқобил машина трактор парки (муқобил МТП)-қишлоқ хўжалиги корхоналарида шартнома асосида механизация ишларини амалга оширишни; Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) ташкил этиш; ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш шаҳобчаси, минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари сотиш шаҳобчаси, фермера, деҳқон ва тадбиркорларга яқин ҳудудларда мини банк ташкил этиш; хизмат кўрсатиш ҳамда молиявий операцияларни амалга оширишда қулайликлар яратиш; наслдор молларни сотиш ва зооветеринария хизмат кўрсатиш шаҳобчаси; ахборот таъминоти ва консалтингхизмати шаҳобчалари; қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлов тармоқлари шаҳобчаларини ташкил этиш кўзда тутилди.

“Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент” фанининг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги ўрни қишлоқ хўжалик тармоқларини ривожлантириш тўғрисида олиб борилаётган ислохотларни тезкор амалиётга жорий этиш, ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунларни амалиётга тадбиқ этиш йўлларини, қишлоқ хўжалигида ер, сув ва моддий ресурслардан, асосий, ёрдамчи ва қўшимча тармоқларни бир-бири билан қўшиб олиб бориш билан оддий такрор ишлаб чиқаришдан саноат усулида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришга ўтиш; қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни яхшилаш, хўжаликни бошқариш ва менежмент, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолиятини ўрганиш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, маҳсулотни бозор талаби бўйича етиштириш соҳасидаги иқтисодий муаммоларни талабаларга ўргатиш фаннинг асосий ўрни бўлиб хизмат қилади.

### **1.3. Фаннинг мақсади ва вазифалари**

Бозор иқтисодиёти шароитида шаклланган халқ хўжалигига - саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо ва бошқа бир қанча тармоқлар бир-бирлари билан узвий боғланган ҳолатда фаолият кўрсатади. Қишлоқ хўжалигида 3 та тармоқ бўлиб: асосий, ёрдамчи ва қўшимча тармоқлардир. Хўжаликнинг асосий фаолият олиб боровчи йўналиши пахтачилик ва ғаллачилик бўлиб, уни - асосий тармоқ, асосий тармоқни ривожлантириш учун чорвачилик тармоғини - ёрдамчи тармоқ, уларга таъминот ва сервис хизмат кўрсатувчилар қўшимча тармоқ деб юритилади.

Аграр тармоқни ривожлантириш учун иқтисодий қонунлар ва ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислоҳатлар қишлоқ хўжалигини риводлантиришда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

**Фаннинг вазифаси** – бозор иқтисодиёти талаблари бўйича ҳукумат томонидан аграр тармоқни ривожлантириш тўғрисида белгиланган вазифаларни қишлоқ хўжалигида тадбиқ этишга ўз ҳиссасини қўшишдан иборат.

**«Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент»** фани аграр тармоқни ривожлантиришда самарали хизмат қилади. Бу иқтисодий фан бўлиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқаришида қатнашувчи барча тармоқларнинг ишлаб чиқариш муносабатларини ишлаб чиқарувчи кучлар билан узвий боғланишни ўрганиш, бозор шароитида қишлоқ хўжалигида объектив иқтисодий қонунларнинг қабул қилиниши ва амалиётга тадбиқ қилиш, ишлаб чиқаришни бизнес режа асосида тузиш, қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларга раҳбарлик қилиш, менежмент, ишлаб чиқаришдаги фан янгиликлари, техника ва илғор тажрибаларни жорий этиш йўллари, баҳо, пул-кредит, бозор муносабатлари, асосида арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлларини кўрсатади.

«Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент» фани кенг маънода куйидаги иқтисодий фанлар билан: иқтисодиёт назарияси, иқтисодий география, бизнес режа, иқтисодий кибернетика, микроиқтисод, тадбиркорлик, статистика, фермер хўжалиги иқтисоди, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, сервис хизматлари иқтисоди, менежмент, маркетинг ва бошқа фанлар билан узвий алоқададир.

«Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент» фанини мақсади қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи субъектларда ва унга хизмат кўрсатувчи тармоқларда иқтисодий қонунларни ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиқ қилишдан иборат.

**Фаннинг предмети** – қишлоқ хўжалигини ташкил этишнинг ҳуқуқий-иқтисодий асосини, ишлаб чиқариш фаолияти ва унга хизмат қилувчи инфратузилма, иқтисодий қонунларни тадбиқ қилиш, моддий таъминот ва корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари ва иш юритишда меҳнат унумдорлигини оширишни ўрганишдан иборат. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент” фани қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий самарадорликни, қонунлар ўзгаришини ва жамият ривожланишини ўрганиб синтез қилиб туради. Қишлоқ хўжалиги тўғрисидаги иқтисодий қонунлар хўжаликни ижобий ривожлантириш учун хизмат қилади.

**Фаннинг объекти** – қишлоқ хўжалик корхоналари ва ишлаб чиқаришга бевосита ўз ҳиссасини қўшадиган барча тармоқлар фаолиятидир.

**“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент”** фанининг мақсади қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш ва унга хизмат қилувчи тармоқлар ўртасида

иктисодий алоқаларни мустаҳкамлаш; меҳнат жараёнларини бозор муносабатларида ривожлантириш; меҳнат унумдорлигини ошириш; ер-сув ҳамда асосий воситаларидан самарали фойдаланишда бошқарув тизимини шакиллантириш ва менежмент фаолиятини амалиётга тадбиқ этишдан иборатдир.

**Қишлоқ хўжалик тармоқларини ижтимоий ривожлантириш** – қишлоқ хўжалиги ва унинг тармоқларида ишлаб чиқариш жараёнларида инфратузилмалардан фойдаланиш, маҳсулотни кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, сифатли хизмат кўрсатиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, тармоқларнинг ижтимоий ривожланишида иқтисодий қонунларни жорий этиш йўлларини кўрсатади.

«Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент» фани вазифаси қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчи ва хизмат қилувчи тармоқлар билан иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш орқали, маҳсулот ҳажмини ва сифатини оширади. Товар ишлаб чиқарувчи субъектларда меҳнат жараёнларини илмий асосда ривожлантириш билан меҳнат унумдорлигини ошириш ер-сув ҳамда асосий воситаларидан самарали фойдаланишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш мулкчилик асосида амалга оширилмоқда.

#### ***Фанда қўлланиладиган усуллар.***

Товар ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини таҳлил қилиш учун ҳар хил усуллардан фойдаланилади. Ушбу усуллар орқали ишлаб чиқаришда рўй берадиган ҳодисаларни иқтисодий баҳолайди. Ишлаб чиқаришда қуйидаги усуллар:

**1. Статистик гуруҳлаш усули** - ер фондидан рационал фойдаланиш, маҳсулот таннархи, меҳнат унумдорлигининг ўсиши, меҳнат ресурслари, техникалардан рақиб фойдаланиш ва бошқа кўрсаткичларни ўрганади. Бу усул ёрдамида кўрсаткичларни таркибини, бир-бирига боғлиқлигини, кўп йиллик ўсиш тенденцияларини, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш истиқболларини аниқлаб беради.

**2. Монографик усул** - тажриба алмашиш мақсадида хўжаликларнинг умумий ва айрим тармоқларнинг фаолиятини, ишлаб чиқариш жараёнларини, ривожланиш истиқболларини аниқлаб беришдан иборат.

**3. Аналитик ҳисоб усули** - хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, хўжаликнинг барча тармоқларини ривожлантириш йўлларини белгилайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни иқтисодий фанлар орқали ижтимоий ҳаётни чуқур тадқиқот қилиб, кейинги йилларда катта ютуқларга эришиш учун иқтисодий фанга математик тадқиқот усуллари катта самара бермоқда.

**4. Иқтисодий математик усули** - математик рақамлардир. Қишлоқ хўжалигининг барча ишлаб чиқариш соҳалари бўйича кўрсаткичларни таҳлил қилишда математик рақамлар 3 манбадан олинади:

*1. бизнес режадан;*

*2. хўжалик йиллик ҳисоботидан;*

*3. меъёрий маълумотлар, технологик карта ва справочниклар.*

Иқтисодий математик усул бир қанча босқичларга бўлинади. Тайёрлаш, иқтисодий таҳлил, абстракт рақамлар, маълумотлар йиғиш ва уни ўрганиш.

**5. Лойиҳа консрукторлик ишлари усули**-лойиҳалаштирилган объектлар ва жамлаб бўлмайдиган ҳар хил кўрсаткичларни таҳлил қилишдан иборатдир.

Юқоридаги усуллар ёрдамида қишлоқ хўжалик корхоналари ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг ишлаб чиқариш фаолияти ва иқтисодий самарадорлиги таҳлил қилиниб, келгусида ривожлантириш истиқболлари белгилаб олинади.

### **Қисқача хулоса**

«Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент» курсининг предмети қишлоқ хўжалик тармоқларини ягона бир тизим сифатида ўрганишдан иборат.

Қишлоқ хўжалик маҳсулот етиштириш жараёнларида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, мулкчиликка асосланган шаклларни ривожлантиришда ер-сув ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиб, маҳсулот ҳажми оширилмоқда.

Фаннинг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги ва унга хизмат қиладиган тармоқларда бошқарув, менежмент, ишни ташкил этиш, тармоқларни ихтисослаштириш, иқтисодий қонун ва қарорларни амалиётга тадбиқ этиш, устивор фаолият юритувчи субъектларни ривожлантириш йўлларини кўрсатиш, хўжалик ва унинг тармоқларида иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш йўлларини ўргатишни ўз ичига олади.

### **Таянч иборалар**

Бозор, қишлоқ хўжалиги, фермер, кооператив, давлат, хусусий, иқтисодиёт, тармоқ, предмети, объекти, ижтимоий ривожланиш, усуллар, ислоҳот, чуқурлаштириш, муносабатлар.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

- 1. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириши йўллари нимадан иборат?*
- 2. Қишлоқ хўжалигини республика халқ хўжалигида қандай ўринни эгаллайди?*
- 3. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фаннинг асосий вазифалари нималардан иборат?*

4. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент» фанининг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлигини айтинг.
5. Қишлоқ хўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг қандай усуллари мавжуд?

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалигини ислох қилиш. Аграр муносабатларнинг янги турларини шакллантириш”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Каримов И.А. “Деҳқончилик тараққиёти – фаравонлик манбаи”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993.
4. Петренко И.Я., Чужиков П.И., “Экономика сельскохозяйственного производства”. Алма-Ата: Кайнар, 1992.
5. Коваленко Я.Н. “Экономика сельского хозяйства”. Москва: ЭКМОС, 1998.
6. Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, -Т.: ТДИУ, 2004.
7. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж. Тошбоев А.А.. “Фермер хўжалиги иқтисодиёти”. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2008.

## **2-БОБ. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ ШАРОИТИДА АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

### **2.1.Агросаноат мажмуаси тушунчаси, вазифаси ва таркиби**

Агросаноат мажмуаси (АСМ) – бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни тайёрлаш, қайта ишлаш, сақлаш, сотиш, инсон омилини активлаштириш ва тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб берувчи, ягона мақсадларга бўйсундирилган тармоқ ва хизматлар йиғиндисидир.

**АСМ асосий вазифаси** - қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришни таъминлаш, уларни харид қилиш, режаларини бажариш ва сақлашни таъминлаш, сифатли қайта ишлаш ва озиқ-овқат моллари ассортиментини кенгайтиришдан иборатдир.

**Республика агросаноат мажмуасининг асосий мақсади** - аҳолини сифатли озиқ-овқат ва халқ истеъмоли товарлари билан талаб даражасида таъминлашдир. Бу муаммо сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, унинг талаб даражасида ҳал этилиши

аҳоли турмуш даражасини яхшилашни таъминлайди. Бу масалага республика ҳукумати томонидан агросаноат мажмуасига кирувчи барча тармоқларни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик хом-ашёсидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш ўзича ривожлана олмайди. Унга кўпгина омиллар ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш, маҳсулотни сақлаш, моддий таъминот, сервис хизматлари, маҳсулотни сотиш билан фаолият кўрсатувчи тармоқлар қатнашмоқда.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, уларнинг сифатини яхшилаш, шунингдек АСМ тармоқларининг самарадорлигини ошириш бўйича иш юритилади.

Хўжаликни юритишда индустриал йуналиш асосида иш олиб борилади. Бу борада туман АСМ турли ишлаб чиқариш шакллари мавжуд бўлиб:

**1.Хўжаликлараро кооперациялаш** - қишлоқ хўжалик кооперация йўналишини ривожлантириб, қишлоқ хўжалигини саноат асосида интеграцион йўналтириб ёки АСМ интеграция усулининг яқинлаштириш демакдир.

**2.Хўжаликлараро корхоналарга** - бўрдоқчилик комплекслари, бузоқ боқиш, чўчкачилик комплекс.

**3.Хўжаликлараро бирлашмаларга** - бир гуруҳ ширкатлар ёки бошқа ташкилотлар бирлашиши киради. Бирлашмаларда ишлар интеграция асосида олиб борилиб унда иқтисодий, ишлаб чиқариш потенциалларидан унумли фойдаланишга қаратилади. Интеграция 2 га бўлиниб, улар: горизонтал ва вертикал интеграциядир.

**Горизонтал** - бир хил маҳсулот, дон, гўшт, сут етиштирадиган тармоққа айтилади.

**Вертикал интеграция** - ишлаб чиқаришнинг маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш, сотиш билан шуғулланади.

Эндиликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши кооперация ва интеграциясиз истиқболга эга эмаслиги аён бўлиб қолмоқда. АСМ тизимига кирувчи корхоналар ўртасидаги ташкилий-иқтисодий алоқаларни умумлаштириб, кооператив тизимини шакллантириш зарурлигини кўрсатмоқда.

**Кооперация тизими** - ўз фаолиятига кўра турлича, яъни минтақага қараб туман ичида, ёки туманлараро, шунингдек вертикал ва горитзантал бирикмалар ҳолатида бўлиш мумкин.

Ягона йуналишда, субъектларнинг бир хил маҳсулот ишлаб чиқариши, қайта ишлаши хизмат кўрсатиши бўйича бирлашади.

Турли йуналишда, субъектларнинг турли фаолият кўрсатувчи, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сақлаш ташиш, тайёрлаш ва маҳсулот сотиш бўйича бирлашади;

-вертикал бирлашмалар ҳолатида ўзаро маҳсулот ишлаб чиқариш, уни қайта ишлашдан бошлаб то истеъмолчига тайёр ҳолатда етказишдаги барча жараённи ўз ичига олади.

-горизантал бирлашмаларда бир ёки икки хил иш турлари бўйича фаолият кўрсатиш билан чегараланиб қоладиганлар. Кўп ҳолларда кооперация муносабатлари қайта ишлаш корхоналари негизида (сут, консерва, виночилик, пахта тозалаш заводлари, гўшт комбинати, улгуржи, савдо бозори, МТП, маҳсулот тайёрлаш, сотиш корхоналари) бўлиши мумкин.

Юқоридаги фаолиятни ўзаро ихтисослаштириб, корхоналар интеграциялашув жараёнларини қўшиб олиб боришдан иборатдир.

## **2.2. Агросаноат мажмуасининг ташкилий тузилмаси.**

Бозор иқтисодиёти шароитида Республика АСМ ривожлантиришга катта эътибор берилиб, унинг фаолияти тубдан ислоҳ қилинди. АСМ тизимидаги мавжуд тармоқларни қайтадан кўриб чиқилди. Ўз молиявий фаолиятини юритадиган тармоқлар қолдирилди. АСМ ўз фаолиятига қараб 4 соҳага бўлиниб, улар:

**1-соҳа.** Агросаноат мажмуаси тармоқлари (тизими) учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи соҳа. Бу соҳага агросаноат мажмуаси учун машина, трактор, комбайн, станоклар, ишчи машиналар ишлаб чиқарадиган машинасозлик, минирал ўғит ва химикатлар ишлаб чиқарувчи кимё саноати, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, сакловчи ва ташувчи тармоқларга керакли воситаларни ишлаб чиқарувчи тармоқлар кабилар киради.

**2-соҳа.** Қишлоқ хўжалигининг ўзи. Агросаноат мажмуасининг асосини, ядросини ташкил этувчи қишлоқ хўжалик корхоналаридир.

**3-соҳа.** Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрловчи, қайта ишловчи тайёр маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқлар йиғиндиси. Пахта заводлари, гўшт, сут заводлари, мева шарбатлари чиқарувчи заводлар, ёғ-мой заводлари, жунни, канопни қайта ишлаш заводлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ёки уларни қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотларни сотиш билан шуғулланувчи корхоналардир.

**4-соҳа.** Агросаноат мажмуаси инфратузилмаси. Инфратузилманинг ўзи 2 га бўлинади. Биринчи қисми ишлб чиқариш инфратузилмаси бўлса, иккинчи қисми ижтимоий инфратузилмадир.

**Ишлаб чиқариш инфратузилмасига** – қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва сотишда фаолият кўрсатувчи корхоналар киради.

**Ижтимоий инфратузилма** – қишлоқ хўжалик корхоналарининг иш фаолиятига қатнашмасдан меҳнатчининг иш шароитлари, социал хизмат кўрсатиш корхоналари киради.

**Бозор инфратузилмаси** ҳуқуқий ва жисмоний шахс мақомидаги барча сотувчи ва харидор ўртасида содир бўладиган кўп қиррали бозор муносабатларининг бевосита иштрок этиши, уларни вужудга келтирувчи, боғловчи, бошқарувчи, назорат қилувчи, мақсадга йўналтирувчи, истеъмол қилишгача бўлган жараёнларни бир текис тўхтовсиз кетиши учун хизмат қилувчи муассалардан иборатдир.

Маҳсулот етиштириш мулкчиликка асосланган бўлиб, кўп укладли бошқариш тизимида шаклланди. Ишлаб чиқариш йўналиши нодавлат (ширкат, фермер, деҳқон, кичик ва хусусий тадбиркор ва кооператив хўжаликлар) шаклидадир. Мажмуани такомиллаштиришда ижтимоий ишлаб чиқаришни чуқурлаштириш ва маҳсулотни қайта ишлаб, истеъмолчига етказиб беришдаги муаммолар кескин ўзгариб, қайта ишланган ва тайёр маҳсулот етказиб бермоқда. Натижада маҳсулотлар нобудгарчилигини камайтириш, уни сақлаш, экспорт қилиш имконияти ортиб, транспорт харажатлари кескин камайиб умумий даромад миқдори ортмоқда.

Истиқболда АСМни ривожлантириш учун илғор тажрибаларни чет эл технологияларини ва қўшма корхоналар, завод-фабрикаларни очиш, инвесторлар билан шерикчиликда ишлаб чиқаришни ташкил қилишдан иборатдир.

### **2.3. АСМда қишлоқ хўжалиги ва унинг иқтисодий механизмлари**

Агросаноат мажмуасининг бозор иқтисодиёти шароитида асосий салмоғини қишлоқ хўжалиги ташкил этади. АСМ таркибига барча тармоқлар қатори қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ барча корхоналар киради. Қишлоқ хўжалигига деҳқончилик қилиб маҳсулот етиштирувчи бир гуруҳ ишловчилар фаолияти тушунилади. АСМ қишлоқ хўжалик корхоналарига ширкат, фермерлар, деҳқон хўжалиги ва давалат тасарруфидаги қишлоқ хўжалик корхоналари киради.

Республика иқтисодиётининг энг йирик тармоғи қишлоқ хўжалиги бўлиб, икки тарихий вазифани бажариб келмоқда. Аввало, аҳолининг озиқ-овқатга, саноатни хом-ашёга бўлган талабини қондирмоқда. Бугунги кунда мамлакат енгил ва тўқимачилик саноатида ишлатилаётган толанинг 60 фоизи пахта толаси ва қолган қисми жун, каноп, пилла ва кимёвий толаларга тўғри келади. Мева, сабзавот, полиз ва ёғ-мой маҳсулотларини, сут ва гўштни қайта ишлаш саноатлари ҳам мамлакатда етиштирилган маҳсулотлар ҳисобига фаолият кўрсатмоқда.

Республика иқтисодиётининг барқарор ривожланиши, аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланиши, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиши қишлоқ хўжалиги тармоғи билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги соҳаси кўп молиявий ресурсларни талаб



қилмайдиган юқори самара берадиган тармоқлардир бу энди бозор муносабатларида ривожланиш учун асосий омилдир.

Агросаноат мажмуасининг барча тармоқларини ривожлантиришда иқтисодий механизмни яъни шартнома муносабатларини, иш ҳақи ва иш ҳақи тўлаш тизимин, режалаштириш ва бошқаришни, пул-кредит, моддий рағбатлантиришни ҳамда пировард натижага қараб баҳо ва баҳолаш тизимларини қайта кўриб чиқиш ва уни тўғри ўз меҳнатига яраша ташкил қилишдан иборатдир.

Республика ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқий шароит бўлиб хизмат қилмоқда. Қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш, мулкӣ муносабатларни шакллантириш тўғрисида ҳам катта ишлар қилинди. Айниқса, бозор иқтисодиёти эркин хусусий мулк асосида ривожланишга асосий эътибор кучайтирилиб, мулкдорлар синфи шаклланди. Қишлоқда хусусий мулкка асослангн тадбиркорлр синфи шаклланиб, қишлоқ хўжалигида бевосита эркин фаолият кўрсатмоқда. Республика фермер ва деҳқон хўжаликлари субъектлари шаклида маҳсулот етиштирилмоқда. Шу билан биргаликда қишлоқ жойларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бевосита ва билвосита хизмат қиладиган соҳаларда ҳам тадбиркорлик ривожланмоқда. Ҳунармандчилик, косиблик, маиший хизмат ва бошқалардир. Инфратузилманинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги, мамлакат халқ хўжалик иқтисодиётининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги келажакда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун асосий манба бўлиб қолмасдан балки, агросаноат мажмуасининг барча тармоқларини кўшиб олиб бориш ва уларни ривожлантириш асоси бўлиб хизмат қилади.

1. Қишлоқ хўжалиги учун саноат корхоналари ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш ва маҳсулотга бўлган талабини асослаш;

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркиби ва жойлашуви уларни тайёрловчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг ривожланишини белгилайди.

**Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида** қонун 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган бўлиб, 7 боб 33 моддадан иборатдир.

***Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)*** – товар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

**“Фермер хўжалиги тўғрисида”**ги қонун 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган бўлиб, у 7 боб 36 моддадан иборатдир. 2004 йилда фермер тўғрисидаги қонунга қўшимчалар киритилган.

Ширкат хўжаликлари Республика қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлардан биридир. Ислохотларнинг асосий йўналиши тармоқни бошқариш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда самарадорлигини оширишдир. Республика қишлоқ хўжалигини 1997 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бошқарди. Шу даврда қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича сув ресурслари ва улардан фойдаланишда муаммоларни вужудга келди. Натижада 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкил этилди. 2001 йилнинг 1 январига келиб унинг таркибида 2018 та қишлоқ хўжалиги корхонаси, 125 та қорақўлчилик, 51 та паррандачилик, 18 та сабзавотчилик хўжалиги бор.

1998 йилдан бошлаб эски колхоз ва давлат хўжаликлари ширкат хўжаликлари шаклида ташкил этила бошланди. Ширкатлар йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари бўлиб, 2001 йилда уларнинг ўртача экин майдони 1233 гектарни ташкил этди. Улар ўртача 94 гектардан боғ ва 64 гектардан узумзорларга эга. Улар мамлакатда ишлаб чиқарилган пахтанинг 60, тамакининг 66, қанд лавлагининг 88, бошокли доннинг 49, меванинг 26 ва узумнинг 43 фоизини берди. Ширкатлар акциядорлик жамиятларининг ўзига хос бир кўриниши сифатида вужудга келтирилди. Уларда хўжаликнинг мол-мулклари унга аъзо бўлганларга мулк пай улуши кўринишида тақсимланиб берилган. Бу улушнинг эгаси хўжалик фаолияти натижасида вужудга келган даромаддан (фойдадан) бир қисмини олади.

Ширкат хўжалиklarининг фаолияти «Қишлоқ хўжалиги кооператив (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан ҳамда ширкат Низоми асосида юритилади. Ширкат хўжалиklarида меҳнатни ташкил этиш оила пудрати шаклида амалга оширилади. Унинг асосида ширкат билан оила ўртасида тузиладиган оила пудрат шартномаси ётади. Ширкатлар устав жамғармаларига эга бўладилар. Уларнинг устав жамғармаси, пай жамғармаси ва бўлинмас жамғармадан иборат бўлади. Ширкатга аъзолик ихтиёрийдир. 16 ёшга кирган фуқаро ихтиёрий равишда унга аъзоликка кириши мумкин. Ширкат хўжалигининг юқори бошқарув органи умумий мажлис ҳисобланади. Умумий мажлис хўжалик раисини, бошқарувини ва тафтиш комиссиясини сайлайди ва ширкатни жорий бошқариш бўйича ўз ваколатини уларга беради.

**Фермер хўжалиги** – ўзига узоқ муддатга ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланилган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги корхоналари орасида салмоқли ўринни эгаллайди. Мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ фермер хўжаликларига истикболли йўналиш сифатида эътибор берилди. Раҳбарлар, мутахассислар ва олимлар бу хўжаликларнинг ривожланишига табиий шароит яратиб бердилар. Натижада фермер хўжаликлари тарихан қисқа даврда қишлоқ хўжалигида ўз фаолияти олиб боришга ҳақли ишлаб чиқариш шаклларида бири эканлигини исбот қилди. 2007 йил 220 мингта фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларга 3,7 млн гектар ер бириктирилганди.

### 2.3.1-жадвал. Фермер хўжаликлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

	Ўлчов бирлиги	2000 й.	2001 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми	млн.сўм	76492,9	154184,7	1453521,2	2361457,3	3115674,0
<i>шу жумладан:</i>						
- <i>деҳқончиликда</i>	<i>млн.сўм</i>	<i>67348,8</i>	<i>138927,0</i>	<i>1382320,1</i>	<i>2273837,6</i>	<i>2986510</i>
- <i>чорвачиликда</i>	<i>млн.сўм</i>	<i>9144,1</i>	<i>15257,7</i>	<i>71201,1</i>	<i>87619,6</i>	<i>129164</i>
Фермер хўжаликлари сони	дона	43759	55445	125668	189235	217095
Бириктирилган ер майдони	минг га	632,2	696,3	2140,7	2710,6	3001,6
Жами ишловчилар сони	минг киши	294,9	386,3	954,2	1381,1	1621,4
<i>шундан: ёлланма ишловчилар</i>	<i>минг киши</i>	<i>0,0</i>	<i>40,0</i>	<i>280,8</i>	<i>382,5</i>	<i>456,1</i>
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларида фермер хўжаликларининг улуши	%	5,5	7,3	24,3	32,3	34,7
<i>шу жумладан:</i>						
- <i>деҳқончилик</i>	<i>%</i>	<i>4,9</i>	<i>6,6</i>	<i>20,6</i>	<i>31,1</i>	<i>60,3</i>
- <i>чорвачилик</i>	<i>%</i>	<i>0,6</i>	<i>0,7</i>	<i>3,7</i>	<i>1,2</i>	<i>3,2</i>
Битта фермерга тўғри келадиган экин майдони	га	20,3	19,0	30,0	26,2	26,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

“Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонун 1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган бўлиб, 7 боб 31 моддадан иборатдир.

*Дехқон хўжалиги*—оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган бўлиб, ер участкасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиради ва реализация қилади.

Дехқон хўжаликлари қишлоқ хўжалиги корхоналарининг яна бир шакли дехқон хўжаликларидир. Дехқон хўжаликларининг аҳолининг мустақилликга қадар мавжуд бўлган шахсий томорқа хўжаликларининг ривожланиши оқибатида уларнинг ўрнига вужудга келди. Улар 1990 йилдан 2007 йиллар давомида 2,3 млн.дан 3,3 млн.га етди. Янги вужудга келган дехқон хўжаликлари ҳажми 0,35 гектар суғориладиган ергача етди. Олдин аҳолининг шахсий томорқа участкалари аксарият ҳолда 0,08 гектардан ошмас эди.

Дехқон хўжаликлари қонунда белгиланган тартибда юридик шахс мақомини олиши мумкин. Юридик шахс мақомини олган дехқон хўжалигида ишлаётганлар ихтиёрий равишда Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармасига бадаллар тўлаб боришлари мумкин. Шундай ҳолларда пенсия жамғармасининг туман бўлимларида уларга меҳнат дафтрчаси белгиланган тартибда юритилади.

Агарда ширкатлар ва фермер хўжаликлари асосан товар ишлаб чиқарувчи йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳисобланса дехқон хўжаликлари оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланиб майда товар ишлаб чиқарувчи субъект ҳисобланади. Дехқон хўжалигида етиштирилган маҳсулот энг аввало оиланинг ўз эҳтиёжлари учун ишлатилади. Ортиқча маҳсулот сотилиши мумкин. Йирик хўжаликлар фойдалана олмайдиган имкониятлардан, ресурслардан дехқон хўжалиги самарали фойдаланади.

#### **2.4. Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари**

Республика халқ хўжалиги иқтисодиётида агросаноат мажмуасининг аҳамияти ва ўрни жуда катта бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотнинг 70 фоизига яқини, иқтисодиётдаги қаттиқ валютанинг 70 фоизидан кўпроғи шу мажмуа маҳсулотларини сотишдан тушади. Ўзбекистон Республикаси меҳант ресурсларининг 75 фоизидан кўпроғи, иқтисодиётдаги асосий фондларнинг асосий қисми агросаноат мажмуасида фаолият кўрсатади. Иқтисодиётнинг жуда катта ресурслари агросаноат мажмуаси тармоқларида жойлашганлиги унинг аҳамиятини янада оширади. Бу ресурсларни такрор ишлаб чиқариш мамлакат агросаноат мажмуасининг ривожланишига, мамлакат аҳолиси турмуш даражасини ошириш тўғридан-тўғри шу мажмуанинг фаолияти билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуасининг фаолияти самарали бўлса, халқнинг турмуш даражаси юқори

бўлади ёки аксинча. Шу сабабли агросаноат мажмуасини ривожлантириш иқтисодиётнинг устивор йўналиши сифатида белгиланган.

Республика кучли ижтимоий ҳимояга асосланган бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидан бормоқда. 1991-2008 йилларда мамлакат агросаноат мажмуасини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ривожлантиришни таъминлайдиган ҳуқуқий база яратилди ва такомиллаштирилиб борилмоқда. Агросаноат мажмуасида давлатнинг улуши минималлаштирилди ва нодавлат сектор ҳал қилувчи асосий кучга айланди. Ҳозирда малакат қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ялпи маҳсулотнинг 87 фоизидан кўпроғи нодавлат секторида ишлаб чиқарилмоқда.

АСМ тармоқлари олдида қуйидаги асосий мақсадли вазифалар турибди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш ва турли ассортиментини яхшилаш; мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тиббиёт меъёрига мос равишда таъминланиш; чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш зарур. Мамлакатда дон ишлаб чиқаришни истиқболда 10-12 млн. тоннага етказиш, гўшт, сут етиштиришни энг камида 2, тухум ишлаб чиқаришни 3 марта кўпайтириш талаб қилинади. Мамлакат аҳолисининг асосий қисми нон ва нон маҳсулотлари, картошка, меваларни истеъмол қилади. Инсон организми учун баланслашган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш талаб қилинади. Баланслашган озиқ-овқат истеъмол қилишда, ҳали жиддий камчиликлар мавжуд. Айниқса, чорвачилик, асаларичилик, балиқ маҳсулоларига бўлган талаб жуда қониқарсиз таъминланганлиги учун мамлакатда ер, сув, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, илм-фан, илғор техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга қўллаш орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ассортиментини яхшилаш агросаноат мажмуасининг асосий вазифаларидан биридир. Агарда ер юзи аҳолисининг 2 млрд.га яқини очилик ва ичимлик суви танқислиги шароитида яшаётганлигини ҳисобга олсак, бу муаммо янада ёмонлашади. Ер юзи аҳолиси, жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг кўпайиб бориши ҳисоб-китобларга қараганда, 2030 йилга бориб 46 млн. кишини ташкил этар экан.

Республика агросаноат мажмуаси тармоқларида меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши жуда катта ижобий натижаларга олиб келади. Меҳнат унумдорлигининг ошиши маҳсулот таннархи пасайишини ва ресурслар тежалишини кўрсатади. Охириги йилларда аграр тармоқда меҳнат ресурслари бўшатилади. Бўшаган меҳнат ресурсларига кўп малака ва билим талаб қиладиган турли саноат соҳаларида ишлаши учун имкониятлар яратилди. АҚШ, Германия, Голландия давлатларида қишлоқ хўжалигида банд бўлган бир ходим мамлакат аҳолисининг 90-110, бизда эса 8-9 тага маҳсулот ишлаб чиқаради. Ривожланган давлатлар агросаноат мажмуаси таркибида асосий меҳнат ресурслари агросаноат мажмуасининг

қишлоқ хўжалигига хизмат қиладиган ёки унинг маҳсулотини қайта ишлайдиган соҳаларда ишлашади.

Агросаноат мажмуаси тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг ривожланиш даражаси талабдагидан пастлиги трактор, дон комбайнлар, юк автомобиллари, ишчи машиналарнинг катта қисми импорт эвазига қопланади. Мамлакатда ана шу тармоқларни ривожлантириш энг устивор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

АСМ қишлоқ хўжалик тармоғини ривожлантириш учун таъминот ва сервис хизмат кўрсатиш соҳаси фаолиятини ҳар томонлама кенгайтириш, илғор инновацион технологияларни киритиш, замонавий техникаларни, завод фабрикаларни АСМда жойлаштириш, ихтисослаштиришни йўлга қўйишни ташкил этиш зарур.

Қишлоқ хўжалигида инсон омилини активлаштиришда газ, сув, электр таъминоти, яшаш турмуш шароитлари, маиший хизмат соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш йўли билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини ошириш зарур. Тайёр маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва истеъмолчиларга етказиш маданияти етарли ривожланмаган. Шу соҳаларни ривожлантириш орқали АСМ фаолияти яхшиланади.

АСМ хўжалик механизмига бошқариш, режалаштириш, иш ҳақи, баҳо ва баҳолаш, пул ва кредитлаш, солиқ, суғурталар киради. Мажмуанинг иқтисодий фаолиятини янада яхшилашда хўжалик механизми ҳар томонлама такомиллаштирилиб борилиши зарур.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотларнинг нобуд бўлмаслиги кўп жиҳатдан уларни тайёрловчи, қайта ишловчи, сақловчи ва истеъмолчиларга етказиб берувчи тармоқ ва хизматларнинг мавжудлигига, уларнинг жиҳозланишига ва бир меъёрда етарли қувват билан ишлашига боғлиқ. Ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигида етиштирилган айрим маҳсулотларнинг 25-30 фоизи ана шу тармоқлардаги камчиликлар сабабли нобуд бўлмоқда. Бу эса маҳсулотлар тақчиллиги шароитида йўл қўйиб бўлмайдиган йўқотиш ва иқтисодиётга келтирадиган катта зарардир.

Қишлоқда бозор муносабатларини янада чуқурлаштириш, маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш ва экспортини кўпайтириш, хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш, кадрлар малакасини ошириш, деҳқоннинг турмуш шароитларини яхшилаш масалалари ҳам мажмуанинг муҳим вазифалари ҳисобланади.

### **Қисқача хулосалар**

Агросаноат мажмуаси кўп тармоқли йирик мажмуа бўлиб, ўз таркибига қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, унга хизмат кўрсатувчи, қайта ишловчи, сақлаш ва сотувчи корхоналарни ўз ичига олади. АСМ фақат қишлоқ хўжалик

маҳсулотлари етиштириб қолмай, балки тайёр истеъмол моллари, хом- ашё, ярим хом-ашё яратиб беради. Бу аграр соҳанинг индустриал саноат соҳасига айланишининг асосий омили ҳам бўлиб хизмат қилади. АСМ мураккаб иқтисодий тизим бўлиб, у 4 соҳага бўлинади. Ушбу соҳаларнинг ҳамжихатдаги фаолиятдан халқ хўжалиги учун зарур озиқ-овқат ва эҳтиёж моллари ишлаб чиқарилади.

Республика қишлоқ хўжалигида турли фаолият юритувчи субъектлар, соддалаштирилиб ишлаб чиқишнинг йирик 3 та субъекти: ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари ташкил этилиб, уларнинг фаолияти учун ҳуқуқий ва иқтисодий, ижтимоий асослар яратилганлиги сабабли маҳсулот ҳажми ортмоқда. Маҳсулот товарлигини оширишда инвестицияларни жалб этиш йўли билан АСМни ривожлантириш мумкин.

### **Таянч иборалар**

Агросаноат мажмуаси, АСМ вазифаси, концепциялаш, интеграциялаш, хўжаликлараро корхоналар, бирлашмалар, горизонтал ва вертикал интеграция, инфратузилма, соҳалар, хусусийлаштириш, минтақа, нодавлат сектори, мулкчилик шакллари.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *АСМ деганда нима тушунилади?*
2. *АСМ соҳаларига нималар киради?*
3. *АСМни ривожлантиришининг асосий йўналишлари нималардан иборат?*
4. *АСМда қишлоқ хўжалик соҳаси қандай ўрин эгаллайди?*
5. *АСМда кооперация тизимини шакллантириш зарурияти нимада?*
6. *Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўллари ўз ичига нималарни олади?*

### **Асосий адабиётлар**

1. *Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.*
2. *Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995.*
3. *Ўзбекистоннинг янги қонунлари. №19. –Т.: “Адолат”, 1998.*
4. *Емельянов А.И. “Экономика сельского хозяйства”. –М.: “Экономика”, 1982.*
5. *Жўраев Ф. “Қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш”. –Т.: “Истиқлол”, 2004, -343 б.*

6. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. –Т.: “ТДИУ”, 2004.
7. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж., Тошбоев А.А. “Фермер хўжалиги иқтисодиёти”. –Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2008, -274 б.
8. Ўзбекистон иқтисодиёти журнали. №8, 2005.

## **3-БОБ. ЕР ФОНДИ ВА УНДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ, ЕР КАДАСТРИ**

### **3.1. Ўзбекистоннинг ер фонди ва ундан фойдаланиш**

Қишлоқ хўжалигида ер асосий ишлаб чиқариш воситаси меҳнат предмети (меҳнат йўналтирадиган объект сифатида) ва меҳнат қуроли (ерда зарур биологик шароитларни туғдириш натижасида ўсимликлар ривожланади) сифатида хизмат қилади. Ер ҳар бир халқнинг асосий бойлигидир.

#### **3.1.1-жадвал. Республика Ер фонди таркибининг асосий ер турлари бўйича тақсимланиши**

Т/р	Ер турлари	2000й. 01.01. ҳолатидаги майdonи	2003й. 01.01. ҳолатидаги майdonи	2004й. 01.01. ҳолатидаги майdonи	2005й. 01.01. ҳолатидаги майdonи	2006й. 01.01. ҳолатидаги майdonи	2007й. 01.01. ҳолатидаги майdonи	2006й. 01.01. 2007й. 01.01. фарқи+,-
1	Экин ерлари	4056,6	4052,7	4042,7	4049,0	4057,2	4064,2	+7,0
	шу жумладан, суғориладигани	3313,6	3307,4	3297,7	3296,3	3303,6	3308,5	+4,9
2	Кўп йиллик дарахтзорлар,	352,9	336,4	337,0	338,8	335,8	339,0	+3,2
	шу жумладан, суғориладигани	339,7	323,1	323,5	325,3	322,7	325,5	+2,8
3	Бўз ерлар	80,7	85,0	84,5	83,9	83,6	82,6	-1,0
	шу жумладан, суғориладигани	46,5	48,4	48,3	48,1	48,4	48,3	-0,1
4	Пичанзор ва яйловлар	22263,4	21367,0	21217,1	21215,7	21207,3	20858,0	-349,3
	шу жумладан, суғориладигани	44,1	43,9	43,9	43,9	43,4	43,3	-0,1
5	Қишлоқ хўжалик	26753,6	25841,1	25681,3	25687,4	25683,9	25343,8	-340,1



	ер турлари							
	шу жумладан, суғориладигани	3743,9	3722,8	3713,4	3713,6	3718,1	3725,6	+7,5
6	Томорка ерлар	642,9	667,3	677,3	679,7	691,3	691,6	+0,3
	шу жумладан, суғориладигани	481,9	500,9	507,6	511,1	522,0	521,1	-0,9
7	Ўрмонзор ва бугазорлар	1511,9	2375,4	2817,7	2808,1	2811,4	3219,6	+408,2
	шу жумладан, суғориладигани	44,6	47,2	47,7	47,8	48,8	49,7	+0,9
8	Боғдорчилик- узумчилик уюшмалари	8,5	8,1	7,8	7,7	7,5	7,7	+0,2
	шу жумладан, суғориладигани	7,2	7,1	6,6	6,5	6,4	6,6	+0,2
9	Мелиоратив курулиш ҳолатидаги ерлар	79,3	79,5	79,5	78,7	78,6	77,1	-1,5
10	Бошқа ерлар	15414,1	15438,9	15149,7	15148,7	15137,6	15070,5	-67,1
	<b>Жами ерлар:</b>	<b>44410,3</b>	<b>44410,3</b>	<b>44410,3</b>	<b>44410,3</b>	<b>44410,3</b>	<b>44410,3</b>	-
	шу жумладан, суғориладигани	4277,6	4278,0	4275,3	4279,0	4295,3	4303,0	+7,7

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий чегарисидаги ер майдони 44896,9 минг гектарни ташкил қилади. 2000 йил ҳолатига республика бўйича корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқаролар фойдаланишидаги жами ерлар 44410,3 минг гектарни ташкил этади. Республика бўйича суғориладиган ерлар 4303,0 минг гектарни ёки умумий майдоннинг 9,7 фоизини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасида ерлардан фойдаланишнинг белгиланган асосий мақсадига кўра 8 та тоифага бўлинади.

### 3.1.2-жадвал. Ер фондининг тоифалари бўйича тақсимланиши

Т/р	Ер фондининг тоифалари	Жами майдон		Шундан суғориладигани	
		минг,га	Жами ерга нисбатан фоизи	минг,га	Жами ерга нисбатан фоизи
1	Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар	22338.3	50.29	4206.8	9.47
2	Аҳоли пунктларининг ерлари	236.3	0.53	48.8	0.11
3	Саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар	1955.5	4.40	11.7	0.03
4	Табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар	72.5	0.16	0.6	0.002
5	Тарихий-маданий аҳамиятга молик ерлар	0.3	0.001	0	0
6	Ўрмон фонди ерлари	8562.3	19.28	26.3	0.06
7	Сув фонди ерлари	827.2	1.86	4.3	0.01
8	Захира ерлар	10417.9	23.46	4.5	0.01

	Жами ерлар:	44410.3	100	4303.0	9.7
--	-------------	---------	-----	--------	-----

Ўзбекистон Республикасининг жами ер майдони 447,4 млн. гектар бўлиб, шундан қишлоқ хўжалигига яроқли ер майдонларининг 81 фоизи ёки 26,6 млн. гектари яйлов ва пичанзорлар, ерларнинг 16 фоизи ёки 3,0-3,2 млн. гектари ҳайдаладиган ерларни ташкил этади. Қолган қисмида намликнинг жуда кам бўлганлиги сабабли фойдаланилмайди.

Республика ер фондининг асосий қисми шаҳар ва аҳоли пунктлари ерлари, транспорт ва коммуникациялари, дарё ва сув ҳавзалари билан банд бўлган ерлар, ўрмон хўжалиги ерлари, ҳарбий мақсадлар учун ажратилган ерлар ва давлат захирасидан иборат.

Қишлоқ хўжалигида ер фонди асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида қуйидаги хусусиятларга эга:

1). Ер табиатда чегараланган. Уни инсоният хоҳлагунча кўпайтириш имкониятига эга эмас. Шунинг учун асосий мақсад мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишдир. Инсониятнинг ердан тўғри фойдаланмаслиги сабабли ерларни қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетиши, тупроқ эрозияси, шўр босиш, касалликларга чалиниши кузатилмоқда. Буларни бартараф этиш ҳар бир давлатнинг ва ердан фойдаланувчиларнинг асосий вазифасидир.

2). Ер – табиат маҳсули.

3). Ер абадий ишлаб чиқариш воситасидир.

4). Давлатнинг ҳар бир ҳудудида ер майдонлари турли сифатга ва унумдорликка эга. Ернинг табиий ва сунъий унумдорлиги бир-биридан фарқ қилади. Табиий унумдорлик - бу инсон меҳнати аралашувисиз табиат инъом этган ернинг ҳосил бера олиш қобилиятидир. Инсон меҳнати натижасида яралган унумдорлик сунъий унумдорлик дейилади. Бу унумдорликни ошириш имкониятлари катта.

5). Ерни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб бўлмайди.

6). Ер абадий ишлаб чиқариш воситасидир. Ердан самарали фойдаланиш учун унинг иқтисодий унумдорлигини ошириш керак. Унда алмашлаб экиш, экинларни тўғри жойлаштириш, тармоқларни бир-бири билан ихтисослаштирилганда ернинг физик ҳолати бузилмай, тупроқ унумдорлиги ошади. Тупроқ унумдорлиги ўз хусусиятига қараб 3 га бўлинади:

**1. Тупроқ табиий унумдорлиги** – тупроқнинг нам сифими, сув ўтказувчанлиги, механик, физик, кимёвий, биологик таркиби, озуқа моддаларининг умумий захираси билан ўлчанади.

**2.Тупроқнинг таркибий унумдорлиги** - ерга вақтинча дам бериш, дарахт барглари, ёввойи ўтлар таналари, илдиз чириши, дуккакли экинлар экиш билан тупроқ озукаси бойитилади.

**3.Тупроқ сунъий унумдорлиги** - кишилар ўз меҳнати, қўшимча капитал маблағ сарфлаш йўли билан тупроқ озукасини кўпайтириш тушунилади.

Ернинг унумдорлигини оширишда компост, органик, минерал ўғитлар, алмашлаб экиш, прогрессив агротехнологияларни қўллаш, агротехника, меҳнат ва ишлаб чиқариш воситаларини, бизнес режани тўғри тузиш, ернинг шўрланишига йўл қўймаслик каби омилларга боғлиқ бўлади.

### 3.1.3-жадвал. Ўзбекистон Республикаси тупроқларининг сифат кўрсаткичи баҳоси

Вилоятлар	Ёмон ерлар		Ўртачадан паст ер		Ўртача ерлар		Яхши ерлар		Энг яхши ерлар		Ж
	I класс	II класс	III класс	IV класс	V класс	VI класс	VII класс	VIII класс	IX класс	X класс	
	Б о н и т е т б а л л и.										
	0-10	11-20	21-30	31-40	41-50	51-60	61-70	71-80	81-90	91-100	
1. Қорақалпоқистон Республикаси		1919	29810	237202	69846	46458	24497	6801			41
2. Андижон		311	9593	34322	39801	45187	50547	38267	6015	35	22
3. Бухоро		1038	16521	57391	42070	55294	40843	19456	83		23
4. Жиззах		105	3607	40717	143261	48533	30379	7413	2809		27
5. Қашқадарё			3455	71977	198976	87416	50375	25003	8177		44
6. Наманган		235	13499	45776	47117	36667	32553	33383	18181	1301	22
7. Навоий		3358	9618	15253	17668	18200	20423	12853	2099		99
8. Самарқанд		41	2044	29478	72263	89756	57187	38321	16770	547	30
9. Сурхондарё		704	11047	43203	59838	79317	50049	20985	6915		27
10. Сирдарё			1738,9	36343,9	93771,8	60918,1	51580,1	7694,3	8		252
11. Тошкент			2631	37586	86361	67968	74385	45380	14600	29	32
12. Фарғона		1426	8043	59139	56142	58386	67580	33001	5570	452	28
13. Хоразм		625	8839	46296	34932	82052	49291	11848	102		23
Республика бўйича		9762	120446	754684	962047	776152	599689	300405	81329	2364	366

Республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган ерлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

### 3.1.1-жадвал. 2000-2006 йилларда қишлоқ хўжалик экин майдонлари таркибининг ўзгариши (минг га)

	2000 й.	2001 й.	2002 й.	2003 й.	2004 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Жами экин майдони	3778,3	3444,6	3540,8	3790,1	3694,2	3646,3	3637,4	3561,0

Шундан:								
Жами донли экинлар	1614	1393,7	1533,4	1790,9	1667,1	1616,1	1618,0	1538,9
Шу жумладан:								
-буғдой	1355,8	1219,8	1282,6	1507,6	1470,4	1439,7	1448,5	1382,8
-гуруч	131,8	39,5	64,4	121	66,1	52,5	60,6	47,9
-макка дон учун	49,2	38,7	35,1	34,7	34,8	33,6	32,8	34,2
Техника экинлари	1512,5	1500,3	1462,2	1445	1518,5	1518,4	1478,2	1477,0
Шу жумладан:								
- пахта	1444,6	1452,1	1421	1393	1456,3	1472,3	1448,2	1451,6
Картошка ва полиз экинлари	222,8	219,3	216,1	237,7	224,4	221,4	244,4	253,9
Шундан:								
- картошка	52,2	50,8	48,9	49,2	52,1	49,8	52,6	56,0
- сабзавотлар	130	131,2	127,5	145,6	137,6	137,7	154,4	159,8
Полиз экинлари	37	35,6	37,3	41,3	34,7	33,9	37,4	38,1
Ем хашак	429	331,3	329,1	316,5	284,2	290,4	296,4	290,3

Республика қишлоқ хўжалигида экин экилаётган майдонлар 2000-2006 йилларда жойлашуви ўзгарган. Пахта майдонлари қисқариб, дон майдонлари ошган. Чунки дон мустақиллигига эришиш учун дон экин майдонлари кенгайтирилди. Сабзавот ва полиз экинлари ҳам ошган, чунки аҳолининг ўсиши ҳисобга олиниб режалаштирилган.

Ўзбекистондаги мавжуд ер фондидан фойдаланиш бозор муносабатларида олиб борилмоқда. Ерлардан самарали фойдаланиш учун истиқболсиз ширкат хўжаликлари ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилиб, юқори сифатли маҳсулот етиштирилмоқда. Тупроқнинг иқтисодий унумдорлиги яхшиланиб маҳсулот сифати ва унинг ҳажми ортмоқда.

### 3.2. Ер мониторинги ва ер кадастри.

Ер халқимиз миллий бойлиги бўлиб, ундан бугуннинг ва келажак авлодларнинг манфаатини кўзлаб самарали фойдаланиш, уни муҳофаза этиш умуммиллий долзарб масала ҳисобланади. Бу вазифани ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йилнинг 23 декабрида «Ер мониторинги тўғрисидаги Низом»ни тасдиқлади.

**Ер мониторинги** ер таркибидаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, ерларга баҳо бериш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш учун ер фондининг ҳолатини кузатиб туриш тизимидан иборат. Давлат ер кадастри юритишни, ердан

фойдаланишни, ер тузишни, ер фондидан белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш устидан давлат назоратини амалга оширишни, ерларни муҳофаза қилишни ахборот билан таъминлаш ер мониторинги асосида амалга оширилади. Республиканинг барча ерлари мониторинг объекти ҳисобланади.

Ер мониторинги Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Геодезия, картография ва давлат кадастри” бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва тегишли вазирлик ҳамда ташкилотларнинг бевосита иштирокида амалга оширилади.

Ўзбекистон Ер ресурслари давлат қўмитаси ер мониторинги маълумотларини умумлаштиради. Мониторинг тадқиқотларини олиб боришда асосий майдонларни танлаш, вақт ўтиши билан тупроқларнинг асосий хусусиятлари ўзгаришини таҳлил этиш; тадқиқот олиб бориладиган экологик майдонларда тупроқларнинг ҳолатини исботловчи кўрсаткичларни асослаш, тупроқнинг ҳолатини кузатиш ва маълумотларни тўплаш ҳамда уларга ўзгартиришлар киритиш ишларини олиб борди. Бунинг учун қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларини сув ва шамол эрозияси таъсири оқибатида ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқлари шўрланганлик даражасининг ўзгариш жараёни мониторинги; ерларнинг захарланганлик даражасининг ўзгариши мониторинги; қишлоқ хўжалик ерлари тупроқларининг техноген ўзгариши мониторинги; ўсимликларнинг захарли химикатлар билан захарланиш даражаси мониторинги; органик ва минерал ўғитлардан фойдаланиш натижасида тупроқ таркибидаги ўзгаришлар мониторинги амалга оширилади.

**Давлат ер кадастри** – ерларнинг табиий, хўжалик ва ҳуқуқий режими, уларнинг тоифалари, сифат кўрсаткичлари ва баҳоси, ер участкаларининг жойлашган манзили ва ўлчамлари, уларни ер эгаларига, ердан фойдаланувчиларга, ижарачиларга ҳамда мулкдорларга тақсимлаш тўғрисидаги зарур, ишончли маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат. Давлат ер кадастри ер муносабатларини тартибга солиш, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер тузишни ташкил этиш, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорини асослаш, хўжалик фаолиятига баҳо беришга маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган.

Давлат ер кадастрининг маълумотлари ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда ер участкалари бериш ва уларни олиб қўйишда, ер учун тўланадиган ҳақ миқдорларини белгилашда, ер тузиш ишларини ўтказишда, хўжалик фаолиятига баҳо беришда ҳамда ерлардан фойдаланиш уларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга оширишда мажбурий тартибда тадбиқ этилади. Давлат ер кадастри республикада ягона тизим асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан давлат ер кадастри ва ер тузиш хизмати органлари томонидан юритилади.

### 3.3. Ердан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичлари

#### *Ерни иқтисодий баҳолаш ва ердан фойдаланиш кўрсаткичлари*

Қишлоқ хўжалик ерларини иқтисодий баҳолашда ҳар бир гектар ердан олинган ҳосилни кейинги йилларга солиштириш орқали ерни иқтисодий баҳолашда ернинг табиий иқтисодий жойланишини, сифати, унумдорлиги ва иқтисодий шароитларини ҳисобга олинади. Ерни иқтисодий баҳолаш икки мақсадда баҳоланади:

1. Умумий ерга иқтисодий баҳо бериш,

2. Қишлоқ хўжалик экинларининг самарадорлиги ва соф баҳоси. Ерни соф баҳолашда алоҳида экин тури бўйича ўтказиладиган тадбирлар, унинг тупроқлари ва бонтировкасидан фойдаланиланиб баҳолашдир. Унда:

1. Экинларнинг ҳосилдорлиги, ц/га;

2. Ернинг унумдорлиги, ялпи маҳсулот, кадастр баҳоси, 1 гектарга сўм;

3. Маҳсулот етиштириш харажатлари, сўм;

4. Дифференциал соф даромад – ернинг сифати ҳисобига қўшимча олинган даромад.

Қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

#### **1. Ерни иқтисодий баҳолаш:**

$$Mm = \frac{Ям}{T};$$

Бунда: Мт-харажатларини қоплаш;

Т-маҳсулот таннарихи;

Ям-ялпи маҳсулот баҳоси.

#### **2. Соф фойда:**

$$Cф = Ям - T;$$

#### **3. Қишлоқ хўжалик товар қайтими:**

$$Tк = \frac{Ям; Tм}{Эм};$$

бунда:

Ям-ялпи маҳсулот;

Тм-товар маҳсулот;

Эм-экин майдони;

#### **4. Қишлоқ хўжалик фонд билан таъминланганлик:**

$$\Phi_m = \frac{A\phi}{E_m};$$

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг натурал кўрсаткичлари: ҳосилдорлик ва ялпи маҳсулотдир.

Қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичларига:

1. Ер фондидан фойдаланиш даражаси. Бу кўрсаткич қишлоқ хўжалик ерининг умумий ер майдонига нисбати билан аниқланади;

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражаси. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экин майдонига нисбати билан аниқланади.

Ердан интенсив фойдаланиш орқали маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги ортади. Бу ҳолатни қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш коэффициентини билан аниқланади.

### ***1. Ер ресурсларидан фойдаланиш коэффициенти:***

$$K_{ep} = \frac{E_{xk}}{E_p};$$

бунда:

$E_{xk}$  - қишлоқ хўжалик ерлар;

$E_p$  - хўжаликнинг ер майдони;

### ***2. Қишлоқ хўжалик ерларида фойдаланиш коэффициенти:***

$$K_{kx} = \frac{E_x}{E_{kx}};$$

бунда,

$E_x$  - хайдаладиган ер майдони;

$E_{kx}$  - қишлоқ хўжалик ерлари.

### ***3. Экинзорлардан фойдаланиш коэффициенти***

$$K_{эс} = \frac{E_{эм}}{E \cdot K_{эм}};$$

бунда,

$E_{эм}$  - экин майдони;

$E$  - қишлоқ хўжалик ер майдони.

### ***Қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари:***

Ер қайтими ва сиғими қуйидагича аниқланади:

1. Ер қайтими:

$$E_{к.х.к} = \frac{Соф\ фойда}{E_{к.х.}};$$

2. Ер сиғими:

$$E_{k.x.t} = \frac{C_{\text{ишлоқ хўжаликерлари}}}{C_{\text{оф фойда}}};$$

Қишлоқ хўжалигида фойдаланидиган ерлардан интенсив самарали фойдаланиш кўрсаткичлари: экин майдони бирлигига етиштирилган ялпи ва товар маҳсулотининг натура ва пулдаги ифодасидир.

Ердан самарали фойдаланиш ҳар бир гектар ердан олинган ҳосил, бир гектар ерга тўғри келадиган соф даромат, рентабиллиги ва ҳоказо.

Ер фондидан самарали фойланиш учун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ер ресурслари билан жойлаштириш; мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш; мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, бозор талаби бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Ер ресурсларининг ҳолатини ҳисобга олмасдан ишлаб чиқаришни ташкил этиш салбий оқибатларга олиб келади.

Масалан, кучли шўр босган ерларда кузги дон экинларини жойлаштириш самарадорликни пасайтиради. Айрим ҳолларда ерлар ишлаб чиқаришга яроқсиз ҳолга келишига сабаб бўлади. Бундай ерларда кузги ва қишки шўр ювиш ишларини олиб бориш мумкин эмас. Республикада жами суғориладиган ерларнинг 47,8 фоизи шўрланмаган, 30,8 фоизи кам шўрланган, 17,2 фоизи ўртача шўрланган ва 4,2 фоизи кучли шўрланган ерлардир. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати 38 фоизи яхши, 53,4 фоизи қониқарли ва 8,6 фоизи қониқарсиз бўлиб, тупроқнинг ёмонлашиб кетишини олдини олиш керак.

Тупроқ унумдорлигининг камайиши натижасида йўқотилган ҳосил қуйидагича аниқланади:

$$Йх = \frac{Ух \cdot Туқб}{Тубб};$$

Бунда:  $Йх$  – тупроқ унумдорлиги пасайиши натижасида йўқотилган ҳосил;

$Ух$  – жорий йилда ушбу ердан олинган ўртача ҳосилдорлик;

$Тубб$  – тупроқнинг умумий балл бонитети;

$Туқб$  – тупроқ унумдорлигининг камайиш бали;

**Ер трансформацияси** - ерларнинг бир сифат ҳолатидан иккинчи ҳолатга ўтишидир. Ер трансформацияси ижобий (ёмон ерларнинг яхши ерлар сафига ўтиши) ва салбий (яхши ерларнинг ёмон ерлар сафига ўтиши) бўлади. Салбий ер трансформациясига йўл қўймаслик учун ер бўйича ислохотларни тўғри ўтказиш, ерларни ишлаш тажрибасига эга, билимдон тадбиркорларга берилиши керак.



Ердан самарали фойдаланишда тадбиркорнинг моддий манфаатдорлигини оширишни йўлга қўйиш керак.

Улар маҳсулот ишлаб чиқаришда турли технологияларни қўллаб, мелиорация ва ирригация тизими тадбирларини ўз вақтида самарали ўтказиш, ердан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Масалан, сувдан фойдаланишда томчилатиб ёки ёмғир усуслида суғориш оддий бостириб суғоришга нисбатан самарали бўлиб, сув ресурсларини тежайди. Республикада сув ресурслари чекланган бўлиб, фойдаланаётган сувнинг 12-13 фоизи мамлакат худудидан, қолган қисми Қирғизистон, Тожикистон давлатларидан олинади. Ўзбекистонда Амударё ва Сирдарё сувларидан ва 50 дан ортиқ дарёлар, канал ва ариқлар орқали фойдаланилади. Ирригация тизимини яхшилаш фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, ишлаб чиқаришга пахта ва буғдойнинг тез пишар, сувга чидамли навларини жорий этиш, экологик муҳитни ҳисобга олиб, кимёлаштиришни ривожлантириш ер ресурсларининг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни сув ва шамол эрозиясидан асраш ҳам жуда муҳим тадбирлардан биридир. Масалан, экин майдонларининг 2,0 млн.дан ортиқ гектар шамол, 0,7 млн. гектар сув эрозиясига, 22,1 млн.гектар яйловнинг 6 млн. гектари шамол, 3 млн. гектари сув эрозиясига учраган. Бу ҳолатнинг кўпайиб боришини олдини олиш асосий вазифалардан биридир.

Қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш, тупроқнинг сифат жиҳатдан баҳоланишига боғлиқ. Чунки тупроқ унумдорлиги юқори бўлса маҳсулот етиштириш шунча кўп бўлади. Ерни сифат жиҳатдан баҳолаш даланинг ҳар бир картаси бўйича сифат кўрсаткичлари ўтган 3-5 йилнинг якунларига солиштирилади. Бу усул **ерни паспортлаш** дейилади. Ер кадастри далалар карталарининг бир-бирига ҳар томонлама солиштириш асосида уларни иқтисодий баҳолашга айтилади.

Ер кадастрини тузишда дала участкаларининг сув шароитлари, тупроқ ҳолати, лаборатория таҳлили ёрдамида ҳар томонлама ўрганилиб ер кадастри тузилади.

Тупроқ унумдорлигини аниқлашда – ҳосилдорлик, сотиш, маҳсулотни сотиш баҳоси, таннарх орқали аниқланади. Тупроқ унумдорлигини аниқлашда бонитет баллига қараб ҳам аниқланади.

**Бонитет** - тупроқнинг табиий унумдорлиги бўлиб 100 баллик шкалада баҳоланади.

Ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолаш қуйидаги формула билан

$$B = \frac{X \cdot 100}{Ямк};$$

Б - баҳоланадиган ернинг бали;

Х - 1 га дан олинган ҳосил;  
Ямқ - ялпи маҳсулот қиймати.

### **Қисқача хулосалар**

Ўзбекистон Республикасида ер халқнинг миллий бойлиги бўлиб, давлат томонидан бошқарилади. Ер ишлаб чиқариш воситаси, меҳнат қуроли ва меҳнат предмети вазифасини бажаради. Республикада ерлардан турли мақсадларда фойдаланилади. Шундан қишлоқ хўжалигида ердан инсоният учун зарур озиқ-овқат ва халқ истеъмол моллари етиштиришда фойдаланилади. Ҳар бир гектар ердан самарали фойдаланиш учун тупроқ унумдорлигини ошириб бориш зарур. Тупроқ унумдорлигини оширишда бозор ислохотларини тўғри жорий этиш, мелиорациялаш, кимёлаштириш, суғориш, алмашлаб экиш, илғор агротехнологияларни қўллаш орқали эришилади.

Тупроқнинг унумдорлиги ошиши ерни иқтисодий баҳоси шунча ошади. Ерни баҳолаш бонитет балл асос қилиниб, олдинги йилга бир гектардан олинган ҳосил ва иқтисодий самарадорлик солиштирилиб аниқланади. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишда ер мониторинги олиб борилади. Унда тупроқнинг ҳолати, ўзгариши, уни яхшилаш учун олиб борилган тадбирлар натижалари таҳлил қилинади.

Ер трансформацияси яъни ернинг сифатини аниқлаб, уни яхшилаш тадбирлари ишлаб чиқилади. Тупроқ сифатини яхшилашда шўр ювиш, экологик кимёлаштириш, алмашлаб экиш ишлари олиб борилади. Бу тадбирларни ҳисобга олиб ерлар паспорти ва ер кадастри тузилади.

### **Таянч иборалар**

Ер ресурслари, ер унумдорлиги, табиий ва сунъий унумдорлик, тупроқ унумдорлиги, иқтисодий баҳолаш, бонитировка, коэффициент, ер мониторинги, трансформация, бостириб суғориш, ирригация тизими, кимёлаштириш, ерни паспортлаш, ер кадастри, бонитет балл, агротехнологиялар, алмашлаб экиш, ярқли ерлар.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

- 1. Республика ер фондидан фойдаланиш йўллари айтинг.*
- 2. Тупроқ унумдорлиги ўз хусусиятига қараб, неча гуруҳга бўлинади?*
- 3. Ерни иқтисодий баҳолаш кўрсаткичларини айтинг.*
- 4. Ер мониторинги деганда нимани тушунасиз?*

5. *Ердан фойдаланиши самарадорлигини ошириши чора-тадбирларини айтинг.*

### **Асосий адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва бошқа қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари (ер кодекси, ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, ер кадастри тўғрисидаги қонунлар). –Т.: Адолат 1999. 446 б.*
2. *Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т., Ўзбекистон, 1998 й.*
3. *Толипов Т. ва бошқалар. “Ўзбекистон Республикаси Ер кадастри”. –Т.: “МСХРУз”, 1994, -242.*
4. *Салимов Б.Т. ва бошқалар. “Фермер ва деҳқон хўжалиги иқтисодиёти” –Т.: ТДИУ, 2003, 142 б.*
5. *Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.: 2004 й.*
6. *Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж. ва бошқалар. “Фермер хўжалигини ташкил этишининг ҳуқуқий-иқтисодий, шилаб чиқариш асослари”. –Т.: ТИҚХМИИ, 2004 й. 141 б.*
7. *«Государственное регулирование развития АПК и земельные отношения в России», - М.: «ТЕИС», 2005, -221 ст.*

## **4-БОБ. СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ТАШКИЛИЙ, ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ**

### **4.1. Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланиш ҳолати ва унинг ташкилий тузилмаси.**

Ўзбекистон Республикаси қурғоқчилик зонасида жойлашган бўлиб ёз ойлари ҳавоси ҳаддан ташқари исиб тупроқдаги сув намлари парланиб ҳавога чиқиб кетади. Экилган экинлар сувсизликдан нобуд бўлишига сабаб бўлади. Бу эса суғориб деҳқончилик қилиш усулидан фойдаланишни тақазо этади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида икки дарё Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади. Бу дарёларнинг йиллик сув ўтказиш қуввати 121690 млн.м<sup>3</sup> бўлиб, Ўзбекистон (63020 млн.м<sup>3</sup>), Қирғизистон (5140 млн.м<sup>3</sup>), Тожикистон (13230 млн.м<sup>3</sup>), Қозоғистон (25010 млн.м<sup>3</sup>) сув истеъмол қиладилар. Бу сув ресурсларидан қишлоқ хўжалиги учун (85,6 %) саноат ва маиший хизматларга 14,4% фойдаланади. Ўзбекистон Республикаси йилига 72,4 км<sup>3</sup> сувдан фойдаланилиб, шундан 61 км<sup>3</sup> оқова сувлар, 11,3 км<sup>3</sup> ер ости сувларини ташкил этади. Республиканинг йиллик об-ҳаво хароратига қараб сув захиралари ҳам ўзгариб туради. Энг сув кам бўлган йилларда сувга бўлган талабни 67 %ни қоплай олади

холос. Қишлоқ хўжалик экинлари етарли сув билан таъминланмаса ҳосилдорлик пасайиб, турли касалликлар ортиб, маҳсулот сифати ёмонлашади. Ўзбекистонда сувга бўлган талабни қондириш муаммоларини ечишда барча корхоналар ўз ҳиссаларини қўшиши зарур.

Республикада сув муаммоларини ечиш ва сувдан фойдаланувчилар учун ҳуқуқий асос сифатида Ўзбекистон Республикаси «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун 1993 йилда қабул қилинди. Қонунда 29 боб 119 моддадан иборат бўлиб сувга доир муносабатларни тартибга солиш, сувдан оқилона фойдаланиш, сувни буғланиш, ифлосланиб ва камайиб кетишини сақлаш, сувнинг зарарли таъсирини олдини олиш, сув объектларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек сув таъминоти корхоналари билан сув истеъмолчилари ўртасидаги муносабатларини яхшилаш сувдан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларидан иборат.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини сув билан таъминлашда сув объектларидан сувни меъёрлар бўйича олишни ташкил этиш ва фойдаланишни тартибга солишдан иборатдир.

Суғориш ва сув билан таъминлаш магистрал каналлар, сув омборлари ва бошқа сув хўжалиги объектлари бажаради. Сувлардан фойдаланиш ишлари ички хўжалик ва сув тизими режаларига асосан амалга оширилади.

Сувдан махсус фойдаланиш рухсатномаси бўлганларга сув лимит бўйича белгиланиб, сувдан фойдаланиш тартиби сув хўжалиги органлари томонидан ишлаб чиқилган.

Сув учун ҳақ тўлаш, сувдан лимит бўйича фойдаланиш, назорат қилишни Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Сув объектлари доимий муддати аввалдан белгиланмаган ҳолда фойдаланиш, вақтинча фойдаланиш, буларга муддати: уч йилдан йигирма йилгача бўлиши мумкин.

Суғориладиган деҳқончиликда сув объектларидан фойдаланиш, сувлардан лимит бўйича фойдаланиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Сув олиш ва уни ҳисоб-китобини қилиш сув хўжалиги органи билан тузилган шартномага биноан амалга оширилади. Сув хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари ер солиғидан озод қилинадилар.

Сувдан фойдаланувчилар: суғоришни ички сув йўллари, дренаж, сув чиқариш қудуклари ёрдамида суғорилади.

Қишлоқ хўжалигидаги фойдаланиладиган сувни мониторинг қилиш орқали салбий жараёнларнинг сабаблари ва оқибатларини ўрганиб, сувлардан фойдаланиш самарадорлигини оширилади.

Сувдан фойдаланувчилар қонунларда белгиланган тартибда ирригация-мелиорация ишларини бажаришга жалб этиладилар.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда сувнинг аниқ ҳисоб-китобини жойига қўйиш, сув ўлчаш қурилмаси яъни гидропостлар қуришни ташкил этиш, хўжалик ички ариқларини тозалаш, сув сарфи исрофгарчилигини бартараф этишдан иборат.

Хўжаликларда миробларнинг роли пасайиб хўжаликлар бошлиқлари ирригация ишларини тўғридан-тўғри ўзлари билганича бажариши оқибатида сув таъминотининг бузилишига йўл қўйилмоқда. Хўжалик ичидаги сув бўлинадиган иншоотларнинг дарвозаларига эътибор берилмаётганлиги сабабли баъзилари умуман яроқсиз ҳолга келиб қолган. Айрим сув бўлинадиган жойлар эса батамом йўқ бўлиб, сувни йўқотиш бўлмоқда. Сув тақсимоти эса эски усулда тахминий кўз билан чамалаб тақсимланмоқда. Натижада бош мироб қишлоқ хўжалигига сувни тўғри тақсимот қилолмайди. Шунинг учун мироблар сонини кўпайтириш ва уларга шарт-шароит яратиб бериш зарур.

Сув таъминоти учун асбоб-ускуналар, электр насослар, двигателлар, сув ўлчачи асбоблари, хона ва техникалар билан таъминланиши учун маблағни шакллантириш керак.

Қишлоқ хўжаликларида сувни ўз вақтида етказиб беришни ташкил этиш учун бошқарув тизимини бозор муносабатларида шакллантириб, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришдан иборат. Сув таъминоти корхоналарининг асосий вазифаси истеъмолчиларига сувни ўз вақтида шартнома асосида етказиб бериш ва сув учун сарф-харажатларни камайтиришдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига сувни етказиб бериш ва ундан фойдаланишда ернинг мелиоратив ҳолатига ва ирригация тизимига эътибор бериш керак.

Ирригация-сув ресурслари билан таъминлаш ва сув иншоотлари фаолияти киради. Мелиорация ернинг табиий унумдорлигини яхшилаш чора тадбирлари йиғиндиси тушунилади.

#### **4.2. Сув хўжалиги бош башқарманинг асосий вазифалари.**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Сув хўжалиги бош башқармаси (кейинги ўринларда матнда «Бош башқара» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Бош башқармага ер усти сувларидан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда республика иқтисодиёти ва аҳолисини сув билан таъминлашга доир зарур тадбирларни амалга оширади.

Сувдан фойдаланишда бозор ислохотларини жорий этиш, ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ташкил этиш;

Сув хўжалигида ягона техника сиёсатини ўтказиш, сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этиш;

Истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ўз вақтида таъминлаш;

Яқуний ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаш;

Сув хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш ва улар амалга оширилишининг мониторингини олиб бориш ишларини олиб боради;

Бош бошқарма сув тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш, қонун бузилишида йўл қўйган шахсларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлайди.

Сув ресурсларидан фойдаланиш ва дренаж-оқова сувларини оқизиб юбориш, янги корхоналар қуриш, ишлаётган корхоналарни реконструкция қилиш лойиҳалари бўйича хулосалар берилишини таъминлайди;

Сувдан фойдаланиш учун махсус рухсатномалар беришни ва сув чиқариш иншоотларини рўйхатга олиш, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва уларни бошқа бирлашмаларини ташкил этиш ва ривожлантиришда, ички хўжалик сув ҳисобини ташкил этишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

Сув ресурсларини тартибга солиш ва улардан фойдаланиш, сув хўжалигини ва ерларни мелиорациялаш бўйича давлатлараро масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда республика номидан иштирок этади.

#### **4.3. Ирригация тизимида ҳавза бошқармасининг вазифаси ва функциялари.**

Республикадаги мавжуд сув хўжалик ташкилотлари ва хизмат кўрсатувчи тузилмалар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлинмалари негизида Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тузилди. Ҳавза бошқармаси халқ хўжалик тармоқлари ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштириш учун сув билан таъминлаш ва сув хўжаликларига сервис хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги соҳасидаги ҳудудий органи ҳисобланиб, сув ресурсларини тартибга солиш ва фойдаланишни амалга оширади.

**Ҳавза бошқармасининг асосий вазифалари** сувдан фойдаланишнинг бозор механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ташкил этиш; сувни тежаш илғор технологияларни жорий этиш асосида сув хўжалигида ягона техника сиёсатини юритиш; истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш; сув иншоотларининг техник ишончилигини таъминлаш; сув ресурсларини оқилона бошқариш ва тезкорлигини ошириш; сув истеъмолчилари ўртасида йиллик ҳисоботини таъминлаш киради.

**Ҳавза бошқармасининг асосий функциялари** сувдан фойдаланиш башоратини умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига сув олиш

лимитлари бўйича таклифлар киритиб, тасдиқланган лимитлар асосида вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари, ирригация тизимлари бошқармалари, магистрал каналлар (тизимлар), сув хўжалиги объектлари, ирригация тизимлари, вилоят ва туманлар бўйича сув олиш лимитларини белгилайди. Насос станциялари иш режимини белгилайди;

Ҳавза ва ирригация тизимлари бўйича ер усти сув ресурсларини бошқаради, улардан мақсадли ва оқилона фойдаланишини ташкил этади;

Сувдан фойдаланишнинг ишончлилигини таъминлаш ва уни ривожлантириш, тежамли технологияларни ва бозор механизмларини жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига таклифлар киритади ва уларнинг бажарилишини ташкил этади; сув ресурсларидан мақсадли фойдаланилишини назорат қилади. Сув хўжалиги ва сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги ҳисоб-китобни юритади. Сув ресурслари балансини тузади, сув кадастрини юритади; сув хўжалиги тизимларида сув ўлчаш воситалари таъминоти алоқа, автоматика ва телемеханиканинг замонавий тизимларини жорий этиш ва метрологик таъминотини ташкил этади; тизимларини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва уларни амалга оширади; ҳавза сув хўжалигини истиқболли ривожлантириш стратегик режаларини тузиш, инвестиция киритиш, ирригация тизимлари ва иншоотларини жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, бўйича таклифлар тайёрлайди ва уларни амалга оширилишини ташкил этади; вилоят, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларига қарашли сув хўжалиги корхоналарининг асосий фондлари, лимитлари, моддий техника ресурслари, механизмлари, автотранспорти, ходимлар штати, бюджет маблағларини белгилаб беради.

#### **4.4. Магистрал каналларнинг вазифаси ва функциялари.**

**Магистрал каналлар** (тизимлар) бошқармалари ва ирригация тизимлари ва ҳавза бошқармасининг таркибий бўлинмалари ҳисобланиб, янги матнда Бошқарма деб юритилади. Сув ресурсларини тартибга солиш бўйича фаолият юритади.

##### **Бошқарманинг асосий вазифалари:**

магистрал каналлар, иншоотлар ва сув ресурсларини оқилона бошқариш, унинг тезкорлигини ошириш;

иншоотларининг техник ишончлилигини таъминлаш, ишончли фойдаланиш учун иш ҳолатида сақлаш;

сув бўйича ҳисоб-китоб юритиш;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш; ажратилган маблағлар, моддий-техника ресурслари, асбоб-ускуналардан самарали фойдаланишдир.

##### **Бошқарманинг асосий функциялари:**

сув ресурсларини бошқаришни ва Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан белгиланган лимитларга мувофиқ ирригация тизимлари бошқармаларига сув етказиб бериш; ирригация тизимлари ҳамда насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари билан сув бериш бўйича шартномалар тузади, тизимнинг ички насос станциялари ва агрегатларидан фойдаланиш ҳамда сув бериш жадвалини тузади; сувдан фойдаланишда бозор механизмлари жорий этилишини сув таъминотини яхшилаш учун таклифларни тайёрлаш ва амалга ошириш; сувни олиш ва сувни бериш бўйича сув ресурслари балансини тузади; сув ресурслари оқилона бошқарилишини назорат қилади; сув ўлчаш қурилмалари, алоқа, автоматика ва телемеханиканинг замонавий тизимларини жорий этади; капитал ва жорий таъмирлаш бўйича комплекс тадбирлар тузади ва маблағлар сарфини назорат қилади; таъмирлаш ишларида ресурсларни тежайдиган технологияларини ва усулларини ишлаб чиқади ва жорий қилади; каналлар тизимларида ишларни ташкил этади, тажрибани ва фан ютуқларини жорий этади; инвестиция дастурларини тузади, иншоотларни реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш бўйича таклифлар тайёрлайди, магистрал канал бўйича инвестиция дастурларини бажарилишини ташкил қилади; ирригация тизимидаги сув хўжалигини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлайди.

Гидроучасткалар ва гидроузеллар (юримдик шахс мақомисиз) Бошқарманинг таркибий бўлинмалари бўлиб, ўз фаолиятини Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасдиқлайдиган Низомга мувофиқ юритади.

### **Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари**

Халқ хўжалигида сувдан фойдаланиш асосан 4 та турга бўлинади. 1. Сувдан асосий мақсадга мувофиқ фойдаланиш, 2. Сувдан умумий ва махсус фойдаланиш, 3. Сувдан биргаликда ва танҳо фойдаланиш. 4. Сувдан бирламчи ва иккиламчи фойдаланиш. Сувдан умумий ва махсус фойдаланишнинг икки хили: Сувдан умумий фойдаланиш-сувнинг ҳолатига таъсир қиладиган иншоотлар ёки техникавий қурилмаларни қўлламай туриб фойдаланиш; иккинчидан сувдан махсус фойдаланиш-иншоотларни ёки қурилмаларни қўлланиш йўли билан фойдаланиш. Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда бевосита қишлоқ хўжалик корхонасида сув ишлатилган сув кўрсаткичлари аниқланади. СФУ ёки ирригация тизими ҳавза бошқармаларида иншоот ва қурилмаларни қўллашдаги кўрсаткичлар асосида сув самарадорлиги аниқланади.

Қишлоқ хўжалигида Лимит бўйича сув хажми, м<sup>3</sup>; сувдан фойдаланиш даражаси, %; сув билан таъминланганлик, %; сув билан таъминлаш харажатлари, сўм; сувғориш учун



ажратилган пул маблағи, сўм; сувғориш сувидан фойдаланиш унумдорлиги соф фойда, сўм; рентабеллик, %

### **Қисқача хулоса**

Республика халқ хўжалигини сув ресурслари билан узлуксиз таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг Бош бошқармасининг асосий вазифасидир. Сувдан самарали фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган. Қонунга асосланиб сув хўжаликлари бошқарилади ва сув бўйича лимитлар тузилиб, уни истеъмолчиларга шартнома асосида етказиб берилади. Сув ресурслари таъминоти тизими ўзгариб, ирригация тизимида ҳавза бошқармаси, магистрал каналлар, сув хўжаликлари, гидроучасткалар ва гидропостлар орқали амалга оширилмоқда. Бу тизимнинг тўлиқ ҳуқуқий асоси, вазифаси ва функциялари белгилаб берилган ва уларнинг бажарилиши устидан назорат ишлари ўрнатилган.

### **Таняч иборалар**

Сув хўжалиги, бошқарма, ирригация тизими, ҳавза, лимит, технология, мелиорация, дренаж, оқова сув, канал, гидропост, гидроузел, функциялар, сув объекти, субъекти, сув омборлари, махсус рухсатнома, назорат, мироб, насос станциялари.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Сув ресурсларидан фойдаланиш йўллари айтинг.*
2. *Сув хўжаликлари тузилишидаги таркибий ўзаришлар нимадан иборат?*
3. *Ирригация тизимидаги бошқармаларнинг вазифалари ўз ичига нималарни олади?*
4. *Ҳавза бошқармасининг функцияларига нималар киради?*
5. *Магистрал каналларнинг фаолиятини қандай тушунасиз.*
6. *СФУларни тузишдан кўзланган мақсадни айтинг.*

### **Асосий адабиётлар**

1. *Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” ва бошқа қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари (ер кодекси, ширкат хўжалиги, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, ер кадастри тўғрисидаги қонунлар). –Т.: “Адолат”, 1999, –446.*
2. *Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”. –Т.: Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни, 1998, 1-том, –416.*

3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”. –Т.:
4. Каримов И.А. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”. –Т., “Ўзбекистон”, 1998.
5. Султонов А., Хўжаев С., Минин Р. “Сузориладиган ерлар сув хўжалиги экономикаси”. –Т.: “Меҳнат”, 1989, 223 б.
6. Попов Н.А. Экономка отраслей АПК. Курс лекции, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.htm>
7. Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.: “ТДИУ”, 2004.
8. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж. ва бошқалар. “Фермер хўжалигини ташкил этишининг ҳуқуқий-иқтисодий, ишлаб чиқариш асослари”. –Т.: “ТИҚХМИИ”, 2004, –141.
9. Соколова Ж.Е., Каменецкая О.В., «Эффективность использования водных ресурсов в мировом сельском хозяйстве (глобальные экономические и политические аспекты)» - М.: ЦИиТЭИ АПК ВНИИЭСХ, 2006, -111 ст.

## **5-БОБ. МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ БОЗОРИ ВА МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИ**

### **5.1. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари ва ундан фойдаланиш.**

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси сони 2006 йилнинг бошларида 26 миллион киши бўлиб, ундан 60,2 %и қишлоқда яшайди. Меҳнат ресурслари 9,9 млн. киши, аҳоли йилига 300-370 минг кишига кўпайиб бормоқда.

**Ишчи кучи** деб кишиларнинг меҳнат қилиш қобилияти, уларда бўлган жисмоний ва маънавий қобилиятлар йиғиндисига айтилади.

Иш кучи одамнинг меҳнат қобилияти бўлиб, ҳар қандай жамиятда ва ишлаб чиқаришда турлича фаолият кўрсатади.

**Меҳнат ресурслари** деб - қишлоқ хўжалигида меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқароларга айтилади. Меҳнат қилишнинг ҳуқуқий асослари Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Меҳнат кодекси»да (04.1996 й.), «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (05.1998 й.) қонунларида батафсил кўсатилган. Меҳнат ресурслари 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 16-55 ёшгача бўлган аёллар ҳисобланади. Шу билан биргаликда меҳнат қилиш имкониятига эга бўлган ўсмирлар ва нафақахўрлар ҳам меҳнат ресурсларига киради.

Ўзбекистон аграр республика бўлиб, аҳолининг 62 фоизи қишлоқ жойларда яшаб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирмоқда.

Қишлоқ хўжалигига фан-техника янгиликлари, ва чет эл технологияларининг кириб келиши натижасида оддий меҳнат, мураккаб меҳнатга, қишлоқ хўжалик меҳнати эса интеллектуал меҳнат турига айланмоқда. Бу эса бозор талаби бўйича қишлоқда меҳнат ресурсларининг малакасини оширишни талаб этади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари коллеж ва ихтисослашган мутахассислик курслари фаолият кўрсатиб, малакали бозор иқтисодиётига асосланган кадрлар тайёрлаб бормоқда. Кадр тайёрлаш тадбирларининг асосий мақсади қишлоқ хўжалигини янада саноат усулида ривожлантириб, механизациялаш даражасини оширишдир. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг қуйидаги кўрсаткичлари мавжуд бўлиб:

**Меҳнат ресурслари баланси** - меҳнат ресурслари сонига бажарган ишининг тўғри келишидир.

**Хўжаликларнинг меҳнат ресурслари билан таъминланиш** хўжаликдаги мавжуд экин майдонларини меҳнатга яроқли ходимлар сонига бўлиш йўли билан аниқланади.

**Меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси** мавжуд меҳнат ресурсларининг йиллик иш вақти фондини, ишлаб чиқаришнинг иш кучига бўлган талабига бўлиш йўли билан аниқланади.

**Хўжаликнинг иш кучига бўлган талаби**, технологик карта бўйича бажариладиган иш ҳажмига қараб аниқланади. Қўл кучи билан бажариладиган ишлар киши-кун, киши-соати ҳисобида белгиланади. Ўзбекистон шароитидаги кўп йиллик метрологик кузатишларда, йилнинг 282 кунда деҳқончилик ишларини бажариш мумкин. Ишловчининг йиллик иш вақти фондини аниқлаш учун йилнинг ишга яроқли кундан дам олиш (52 кун), байрам (19 кун) таътил кунлари чиқариб ташлаш керак 282-52-19 кунни ташкил этади.

**Мавжуд меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси** – меҳнатга яроқли эркак ёки аёлнинг йил мобайнида ижтимоий ишлаб чиқаришга қатнашган иш кунини уларнинг йиллик иш вақти бюджетига бўлиш билан аниқланади.

## **5.2. Меҳнат ресурслари бозори ва уни шакллантириш.**

Республика аҳолисининг 10 миллиондан ортиғи меҳнатга яроқли бўлиб, унинг асосий қисми қишлоқ хўжалик корхоналарида фаолият кўрсатмоқда. Шунинг учун ишчи кучи қишлоқ хўжалигида жуда арзон бўлиб, маҳсулот таннархи таркибида иш ҳақи харажатлари 35-40 фоизни ташкил этади. Етиштирилган маҳсулот ҳажми камайиб боришига харидорлар камайиши сабаб бўлмоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигидаги ишловчиларнинг ишга бўлган муносабати ва моддий манфаатдорлиги кескин камайиб бормоқда. Чунки

етиштирган маҳсулоти биринчидан юқори баҳода сотилиши таъминланмай келган бўлса, иккинчидан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш пастлиги, меҳнатга яроқли меҳнатчиларнинг кескин ортиб бориши туфайли меҳнатчининг моддий қизиқувчанлиги камайиб ишсизлар сони ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Жамоа хўжаликлари ўрнига кооператив ширкат, фермер хўжаликлари ташкил қилиниши сабабли қишлоқ хўжалигидан кўплаб меҳнат ресурслари бўшатилиб, ишчи ўринлари қисқарди. Шу йўл билан қишлоқ аҳолисини саноат корхоналарига ишлашга ва саноатни қишлоқга киритишга манба яратилмоқда. Ўзбекистон аграр индустриал давлатга айланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигидан бўш қолган меҳнат ресурсларини иш билан мунтазам равишда таъминлаш учун туманларда меҳнат биржалари фаолият кўрсатмоқда.

**Меҳнат бозори** қишлоқ хўжалигида фуқароларнинг меҳнат қилиш қобилияти таклифи ҳамда уларни ишга олиш (сотиб олиш), яъни иш билан таъминловчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини амалга оширадиган манзил (худуд). Меҳнат бозорида ўзларининг меҳнат қилиш қобилиятини таклиф этувчи фуқаролар бир томондан уларни истеъмол этувчи яъни ишга олувчи корхоналар иккинчи томондан учрашиб меҳнат алмашув (меҳнатни олди-сотди) жараёнини амалга оширадилар. Республика қишлоқ хўжалигида меҳнат бозорлари туманда ташкил этилган “Меҳнат биржалари” шаклида фаолият кўрсатмоқда.

**Меҳнат биржаси** ишчи-хизматчи ва корхона ўртасида иш кучини сотиш, сотиб олиш бўйича келишувни амалга оширадиган воситачи вазифасини ўтайдиган муассаса. Меҳнат бозорида ҳар қандай бозордагидек, кишини меҳнат қобилиятини олди-сотди жараёни эркин рақобат асосида амалга оширилиши (меҳнат қилиш қобилиятини сотишни хоҳлаганлар учун сотиш (бериш)га, уни сотиб олувчи корхоналарга эса олишга шароит яратилиши) керак.

**Меҳнат бозорининг асосий мақсади** аҳолини иш билан таъминлаш бўлиб, аҳолининг малакаси, мутахассислиги, маълумот ва ишбилармонлигига қараб, уни у ёки бу ҳудудларда ишга жойлаштиришдан иборат. Меҳнат бозорларига ҳар бир ишсиз фуқаро ўз аризаси билан мурожат қилиб, бўш ўринларга қабул қилинади. Меҳнат бозорини шакиллантириш, аввало, қишлоқ хўжалиги тармоқларини бир текис ривожлантиришдан иборатдир.

Қишлоқ хўжаликлари меҳнат биржаларидан зарур бўлган меҳнат ресурсларини олишлари ва ундан шартнома асосида фойдаланишлари мумкин. Акс ҳолда хўжаликда ортиқча ишловчилар бўлса, меҳнат бозорларига иш билан таъминлаш учун тавсия беришлари мумкин.

### 5.3. Меҳнат унумдорлигини ошириш омиллари ва кўрсаткичлари.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат олдида турган иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилишнинг асосий омилларидан бири меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама юксалтиришга эришишдан иборатдир.

Ижтимоий меҳнат унумдорлигини оширишда ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ва ишлаб чиқариш муносабатларининг характериغا боғлиқ бўлиб, қуйидаги омиллар таъсир этади:

1) моддий-техника ресурслари билан қуролланиш омиллари (техника прогресси, ишлаб чиқариш жарёнларини комплекс механизациялаш, электрлаштириш, автоматлаштириш ва бошқалар);

2) шахсий омил (ходимларнинг ихтисоси, малакаси, қобилияти);

3) ижтимоий меҳнатнинг қандай ташкил қилинганлигини кўрсатувчи омиллар (ихтисослаштириш, кооперациялаш, ишлаб чиқаришни комбинациялаш, корхоналарда меҳнат бозорини шакллантириш);

4) табиий омиллар (об-ҳаво шароити, сув, экология, иссиқлик ҳарорати ва бошқалар) гуруҳига бўлиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишда ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиёти ва илғор тажриба ютуқларини ҳисобга олган ҳолда интенсив ривожлантиришга эришиш асосий рол ўйнайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фонд ва энергия билан қуролланиш даражасининг пасайиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақти тежалиб, меҳнат сарфи камаймоқда, шунинг учун экин майдонидан олинадиган ҳосил миқдори ва меҳнат унумдорлиги ортмоқда.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ошириш учун тупроқ унумдорлигини яхшилаш, ерни минерал ва органик ўғит билан ўғитлаш, суғорма деҳқончилик майдонларини кенгайтириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, серхосил экин навлари ҳамда ҳайвон зотларини яратиш, алмашлаб экиш, фан-техника ва агротехника талабларига риоя қилиниши сабабли тупроқ унумдорлиги ортиб, ҳосил кўпайиб, маҳсулот сифати яхшиланиб меҳнат унумдорлиги ортишига олиб келади.

Чорвачиликда меҳнат унумдорлигини оширишда чорва учун озуқа базаси яратиш ва ҳайвонларни илмий асосланган озуқа рационаси асосида боқишни ташкил этиш ҳисобига ортади.

Меҳнат унумдорлигини оширишга таъсир этувчи омиллардан меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўлиб, меҳнат интизоми бузилган ерда ишлаб чиқаришни юксалтириш кунлик иш меъёрларини ўз вақтида бажариш мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат интенсивлигини ошириш натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида жонли ва буюмлашган меҳнат тежалмасдан, сарфланган вақт қисқариб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди, ишлаб чиқариш воситаларидан унумли фойдаланилади. Меҳнат унумдорлигини оширишда кунлик иш куни давомида меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишга эришиш муҳимдир. Кунлик иш кунидан унумли фойдаланишга эришишда меъёр меҳнатни илмий асосда меъёрлаштириш ва меъёрларни такомиллаштириш орқали меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланилишига ҳамда асосий ва айланма фондалардан самарали фойдаланишга имкон яратади.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат жараёнларини механизациялаштириш, автоматлаштириш, электрлаштириш натижасида меҳнатнинг унумдорлиги ошади ҳамда хўжаликдаги машина, тракторларнинг ишга яроқлилигини ошириш; молиявий ресурслар билан таъминлаш; кадрлар малакасини ошириш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, иқтисодий сиёсатни оммага тўғри тушунтириш ҳам унумдорликни оширади.

**Меҳнат унумдорлиги** – вақт бирлиги ичида етиштирилган маҳсулот, бажарилган хизматлардир.

Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги бевосита ва билвосита кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади.

Меҳнат унумдорлиги ялпи маҳсулотнинг уни ишлаб чиқариш учун сарфланган иш вақтига (киши-соат) нисбати билан аниқланади. Бу меҳнат унумдорлигининг бевосита кўрсаткичи бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$M_y = \frac{Y_m}{X};$$

бунда:

$M_y$  – меҳнат унумдорлиги;

$Y_m$  – ялпи маҳсулот (ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори);

$X$  – ялпи маҳсулотни етиштириш учун сарфланган иш вақти (киши-соат).

Ялпи маҳсулот миқдори қанча кўп бўлса ва уни етиштириш учун сарфланган иш вақти кам бўлса, меҳнат унумдорлиги шунча юқори бўлади. Қишлоқ хўжалигида кўпгина маҳсулотлар йилда бир марта ишлаб чиқарилади. Шунинг учун меҳнат унумдорлиги бевосита кўрсаткичлар: вақт ҳисобига бажарилган қишлоқ хўжалик ишлари ҳажми, бир

гектар майдонда ишлаш учун сарфланган меҳнат, бир бош ҳайвон боқиш учун сарфланган меҳнат каби кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Меҳнат унумдорлигининг ўзгариши ва унинг даражасини аниқлашда натурал ва қиймат кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади.

Ўсимликчилик ёки чорвачилик бўйича натурал кўрсаткич ўрнига қиймат кўрсаткичидан фойдаланилади. Шунинг учун етиштирилган маҳсулотлар қиймат кўринишида бўлади.

### **Қисқача хулоса**

Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли унинг меҳнат ресурсларини ташкил этади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни шакллантирувчи куч меҳнат ресурслари бўлиб, уларнинг унумдорлигини ошириш орқали аграр соҳани индустриал соҳага айлантирамиз. Ҳамда давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлаймиз. Меҳнат унумдорлигини оширишда аввало меҳнатни ихтисослаштириш, жойлаштириш, илмий асосда ташкил этиш, моддий ва маънавий манфаатдорликни ошириш, чет эл технологиялари ва тажрибаларини амалиётда қўллаш, кадрлар қўнимсизлигини таъминлаш, меҳнат биржалари фаолиятини кенгайтириш, меҳнатчини ижтимоий ва иқтисодий муҳофазалаш, иш ставкаларини, ишсизлик даражасини камайтириб бандликни ошириш, агросоҳани индустриал саноат соҳасига айлантириш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва ҳақ тўлашни такомиллаштириш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш мумкин.

### **Таянч иборалар**

Меҳнат ресурслари, муеҳнат унумдорлиги, меҳнат бозори, ишчи кучи, меҳнат биржаси, унумдорлик, омиллар, тупроқ унумдорлиги, ижтимоий меҳнат, киши куни, натурал ва қиймат кўрсаткичлар, меҳнат интенсивлиги, ишсизлик, бандлик, малака ошириш.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

- 1. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурслари ва меҳнат унумдорлиги нима?*
- 2. Меҳнат биржалари фаолияти нималарни ўз ичига олади?*
- 3. Меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашдаги чора-тадбирларни айтинг.*
- 4. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омиллар нималардан иборат?*
- 5. Меҳнат унумдорлиги қайси йўллар билан оширилади?*

## Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадмиз”. – Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириши йўлида”. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Коваленко Я.Н. “Экономика сельского хозяйства”. Москва: ЭКМОС, 1998.
4. Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, -Т.: “ТДИУ”, 2004.
5. Ўзбекистон иқтисодиёти. Журнал №4 2006.

## 6-БОБ. АСОСИЙ ВА АЙЛАНМА ФОНДЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ.

### 6.1. Асосий ва айланма фондлар тушунчаси ҳамда унинг таркиби.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ҳисобланган ер, машина-трактор, комбайнлар, кимёвий воситалар, ёқилғи, ем-хашаклар, уруғликлар ва бошқа воситаларнинг қиймат ҳолидаги кўриниши тармоқ фондларини ташкил этади.

Асосий воситалар иқтисодий моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш жараёнида бир неча йиллар давомида қатнашиб, қийматини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларига, бажарилаётган хизматларга йилма-йил қисман ўтказиб борадиган воситалардир. Бундай воситалар ҳозирги даврда республикада 15 (Россия федерациясида 50) ўртача ойликдан юқори қийматга эга бўлган ва 1 йилдан кўпроқ хизмат қиладиган ишлаб чиқариш воситаларидир. Уларга қишлоқ хўжалик ерлари, машиналар, тракторлар, бинолар, иншоатлар, транспорт воситалари, қурилмалар, станоклар, ишчи, маҳсулдор ҳайвонлар, кўп йиллик мевали дарахтлар ва бошқалар киради. Уларни иқтисодий моҳияти, шаклланиши ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига кўра ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш фондларига бўлинади. Улар айрим ҳолларда ишлаб чиқариш жарёнида бевосита ва билвосита қатнашадиган фондларга ҳам бўлинади. Маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши иқтисодий моҳиятига ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда иш бажариш жараёнида қатнашишига кўра асосий ва айланма воситаларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятига кўра меҳнат предметлари ҳамда меҳнат воситаларига бўлинади. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида яратилиб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда инсон меҳнати ёрдамида ишлаб чиқиш жараёнида бир марта қатнашиб ўз шаклини тўлиқ ўзгартирадиган предметлар тармоқнинг меҳнат предметларини ташкил этади.



Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни – меҳнат предмети, иш кучи билан ишлаб чиқариш воситаларининг биргаликда ҳаракатидан пайдо бўлади. Ишчи кучи меҳнатга яроқли ишчилар тушинилса, ишлаб чиқариш воситалари кенг маънода бўлиб, пул ва натура шаклида ифодаланади. Хўжаликда барча ишлаб чиқариш воситалари натура ва унинг хўжалик баланси ҳисобидаги пул кўринишида бўлади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари хизмат қилиш муддатига қараб асосий ва айланма фондларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари - қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотга ўз қийматини аста-секинлик билан ўтказиб борувчи меҳнат воситаларига айтилади. Масалан: транспорт воситалари, иморатлар, маҳсулдор моллар, кўп йиллик дарахтлар ва бошқалар.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари турлича бўлиб, улар доимо ҳаракатда бўлади, яъни меҳнат воситалари кўринишидан, маҳсулот кўринишига, ундан сўнг пул шаклига ўтиб, пул ўз навбатида яна меҳнат воситаларини тиклаш ва кўпайтириш учун хизмат қилади. Бундай ҳаракатни фондларнинг айланиши дейилади.

Хўжаликнинг асосий ишлаб чиқариш воситалари, яъни меҳнат воситалари асосий ишлаб чиқариш фондини, меҳнат буюмлари айланма фондни ташкил этади.

Асосий фондлар бошланғич, қолдиқ ва тиклаш баҳоларига эга бўлиб бошланғич қиймат асосий фондларни ташкил этишдаги ҳақиқий сарфланган харажатлар; қолдиқ қиймат - асосий фондлар қийматидан ейилган қиймат чиқими; тиклаш қиймати – бу мулкларни сотиб олиб тўлдириш қийматидир.

Амалдаги классификацияга асосан асосий ишлаб чиқариш воситалари иккига бўлинади:

1. Қишлоқ хўжаликига боғлиқ бўлган асосий ишлаб чиқариш воситалари бунга юқоридагилар киради.
2. Қишлоқ хўжаликига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш воситалари - саноат иншоотлари, қурилиш, овқатланиш, мактаб, боғча, турар жой ва бошқалар киради. Бу воситалар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда катнашмаса ҳам, ижтимоий томондан меҳнат унумдорлигини мунтазам ошириб боради.

Асосий ишлаб чиқариш воситалари бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликнинг имкониятларига қараб ўсиб боради. Буни биз капитал маблағлар деб атаيمиз.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ўзининг моддий, натурал характериға ва ишлаб чиқариш жараёнида бажарадиган хизматиға қараб қуйидаги гуруҳларға бўлинади.

Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар, ўзатувчи қурилмалар, чорвачилик бинолари, қишлоқ хўжалик машиналарини сақлайдиган сарой ва бостирмалар,

омборлар ва ҳоказолар киради. Бу гуруҳга кирадиган фондлар умумий ишлаб чиқариш фондларининг 60-65 %ини ташкил этади.

Асбоб ускуналар ва куч машиналарига трактор стационар ва кучма-куч жиҳозлари, электр двигателлар киради. Иш машиналари ва асбоб-ускуналарига транспот воситалари унга автомобил ва тиркама аравалар, от арава транспорти киради. Иш ҳайвонларига катта ёшдаги отлар хўкизлар, туялар киради.

Маҳсулдор моллар - маҳсулот етиштириш учун боқувдаги катта ёшдаги ҳайвонлар киради.

Хўжаликда асосий фондларни натура ва пул шаклида ҳисобга олинади ва фойдаланиш режалаштирилади. Натура шаклида кўрсаткич ишлаб чиқариш фондларининг сон ва сифат ҳолатини кўрсатади. Пул шаклида кўрсаткич эса асосий фондларнинг ўсиб бориши учун сарфланиб борилган пул суммасини ва уларнинг эскириш қийматини кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида асосий фондларнинг шаклланиши асосий муаммо бўлиб турмоқда. Чунки йилига воситаларнинг қиймати стихияли ўсиши сабабли мавжуд фондлардан самарали фойдаланишга тўғри келмоқда. Асосий фондларга пул манбаси, қишлоқ хўжалик маҳсулотини сотишдан, хўжаликка берилган кредит ҳисобидан, амортизация маблағидан, қимматбаҳо қоғозлар, кўп йиллик дарахтлар ва боқувдаги қорамолларни сотишдан шаклланади. Бу маблағ инвестицияни киритишга сарфланади.

## **6.2. Асосий ишлаб чиқариш фондлари ва ундан самарали фойдаланиш**

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида эскириб, дастлабки сифатини йўқотиб, маълум муддат ўтгандан сўнг яроқсиз бўлиб қолади. Уларни янгиси билан алмаштирилади. Асосий ишлаб чиқариш фондлари жисмоний ва маънавий эскиради.

Асосий фондларнинг маънавий эскириши 1.унумли ва тежамли машиналар ихтиро этилиши ва уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш натижасида эскириши, жисмоний эскириши муддати тугамасданок, маънавий эскириб қолади; 2.техника таракқиёти ва меҳнат унумдорлигининг ўсиши ҳам ўз навбатида ишлаб турган машиналар эскиришига тушунилади.

Жисмоний эскириш – ишлаб чиқариш воситаларини ишлатиш давомидаги эскиришдир.

Бозор шароитида қишлоқ хўжалигида машиналарнинг маънавий эскириш категорияси жуда муҳим аҳамиятга эга. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг маҳсулотга пул формасида ўтган қийматини амортизация фонди дейилади.

Асосий воситаларнинг эскириши уларнинг амалдаги эскириш меъёрлари ёрдамида аниқлаш мумкин. Уларнинг эскириш қиймати амортизация суммалари деб аталади. Асосий воситаларнинг эскириш меъёрини белгилаб берувчи амортизация меъёри асосида уларнинг эскириш қиймати (суммаси) қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

$$Ac = \frac{ABk}{An} \cdot 100 \text{ ёки } \frac{ABk}{An};$$

Бунда:

Ac-асосий воситаларнинг амортизация суммаси (сўм);

ABk-асосий воситаларнинг баланс қиймати (сўм);

An-асосий воситаларнинг эскириш меъёри (коэффициентда, йилда).

Асосий воситаларнинг эскириш меъёри (нормативи) берилмаганда асосий воситаларнинг баланс қийматини воситанинг хизмат кўрсатиш муддатига тақсимлаш йўли билан эскириш меъёри аниқланади. Хўжаликда узоқ йиллар ишлатилганлиги учун капитал таъмирланган бўлса улар баланс қийматига қўшилади.

Амортизация ажратмаларнинг меъёрига асосий фондларни тиклаш ва капитал таъмирлаш учун зарур бўлган суммалар киради.

1996 йилга қадар асосий фондлардан амортизация ажратмалари фақат жисмоний эскириш ҳисобидан олиниб, маънавий эскиришга эса эътибор берилмас эди. Оқибатда асосий фондларнинг хизмат қилиш муддати сунъий равишда ошарди.

Асосий фондлардан қай даражада фойдаланилаётганидан қатъий назар амортизация ажратмалари ажратилади. Бу асосий фондлардан унумли фойдаланишни талаб қилади. Амортизация ажратмалари бўйича белгиланган меъёрлари олдинги меъёрларига нисбатан юқори белгиланган.

Амортизация ажратмаларининг янги меъёрлари трактор ва комбайнларни модернизация қилиш харажатлари ва маънавий эскириши ҳисобга олинган.

### **6.3. Айланма фондлар ва ундан фойдаланиш**

Қишлоқ хўжалигида айланма фондлар - бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб ўз формасини тўла йўқотиб, қийматини бутунлай бошқа янги маҳсулотга ўтказадиган меҳнат буюмлари киради. Уларга уруғлик, ўғит, ёқилғи, ем-хашак ва бошқалар киради.

Айланма фондлар иш жараёнида икки хил бўлиб, **биринчидан**, ишлаб чиқариш жараёнига вақтинча қатнашмасдан, ишлаб чиқаришни узлуксиз таъминлаш учун захира меҳнат буюмларидан; **иккинчидан**, ишлаб чиқаришда қатнашиб ўз қийматини янги маҳсулотга ўтказувчи воситалар бўлиб, уларга ёш ҳайвонлар, боқувдаги моллар киради.

Айланма фондлар айланиши қанча секин бўлса ёки меъёрдан юқори олинса ишлаб чиқариш самарадорлиги шунча паст бўлади. Корхоналар узлуксиз ишлаши учун айланма фондлари билан бир қаторда муомала фондларига эга бўлишлари керак. Муомала фондларига – реализация қилишдан тушган пуллар. Айланма фонд билан муомала фонди биргалашиб хўжаликнинг айланма маблағини ташкил этади. Айланма маблағнинг 75-80% айланма фондини ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида фондларнинг баланс қиймати ҳар хил баҳода баҳоланганлиги сабабли баланс баҳога тўғри келмай қолди. Шунинг учун фондларни қайта баҳолаш фондларнинг тиклаш қийматиға қараб белгиланади.

Айланма фондлар (воситалар)дан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

**Айланма фондларнинг айланиш коэффиценти.** Уни аниқлаш учун сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, кўрсатилган хизматларнинг, бажарилган ишларнинг умумий қийматиға асосий подаға ўтказилган ёш ҳайвонларнинг қийматини қўшиб, ундан асосий подадаги ҳайвонларни сотишдан тушган маблағни айиргандан сўнг қолган қиймати. Айланма фондларнинг йиллик ўртача қолдиқ суммасига тақсимлаш лозим. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K = \frac{C_k + E_{x_k} - X_c}{XAF_{kk}};$$

Бунда:

$K$ -айланма фондларнинг айланиш коэффиценти;

$C_k$ -сотилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, (бажарилган ишлар, хизматлар) қиймати (сўм);

$E_{x_k}$ -асосий подаға ўтказилган ёш ҳайвонларнинг қиймати (сўм);

$X_c$ -асосий подадаги ҳайвонларни сотишдан тушган тушум (сўм);

$XAF_{kk}$ -айланма фондларнинг йиллик ўртача қолдиқ қиймати (сўм).

Бу кўрсаткич хўжаликдаги айланма фондларнинг бир йил давомида айланиш тезлигини кўрсатади. Унинг миқдори бирдан юқори бўлгани маъқул. Бу кўрсаткичға асосланиб, айланма фондларнинг айланиш муддати ҳам аниқланади.

**Йил давомида айланма фондлар (воситалар) айланишининг ўртача даврини** юқоридаги кўрсаткичдан фойдаланиб бир йилдаги календарь кунлари умумий сонини (365 ёки 366) айланиш коэффицентиға тақсимлаб, қуйидаги тенгликдан фойдаланилади:

$$Ad = \frac{365}{K};$$

Бунда:

Ад-айланма фондларнинг айланиш муддати, кун.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарида айланма воситалардан фойдаланганлик даражасини аниқлаш мумкин. Масалан, минерал ўғит, ем-хашак ва озуқа моддалар, ёкилғиларни натура ёки қиймат ҳолида аниқлаш мумкин.

*Минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш даражасини* қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$M\check{y}c = \frac{YXm(YXl)}{MUm(k)};$$

Бунда:

$M\check{y}c$  – сарфланган минерал ўғитларнинг соф ҳолдаги миқдори самарадорлиги;

$Yxm$  – ялпи маҳсулот (экин бўйича) тонна;

$Yxk$  – ялпи маҳсулот қиймати, сўм;

$MUm(k)$  – сарфланган минерал ўғитлар, қиймати, кг/сўм.

Бу формула ёрдамида, сарфланган соф ҳолдаги бир кг (цент.) ўғит ҳисобига қанча ҳосил ёки маҳсулот олинганлигини аниқлаш мумкин. Унинг миқдори қанчалик юқори бўлса, минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ортганлигини кўрсатади.

Чорвачиликда эса *сарфланган озуқа бирлигининг самарадорлик даражасини* қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$COc = \frac{ЧМм(ЧМк)}{СОм};$$

Бунда:

$COc$ - маҳсулот етиштириш учун сарфланган озуқа миқдорининг самарадорлик даражаси;

$ЧМм$  – етиштирилган маҳсулотнинг (гўшт, сут) миқдори, цент (кг).

$ЧМк$  – етиштирилган маҳсулотнинг (гўшт, сут) қиймати, сўм.

$СОм$  – сарфланган озуқа бирлиги.

#### **6.4. Асосий фондлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.**

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини кўп жиҳатдан асосий фондлар билан таъминланганлигига боғлиқдир. Хўжаликда асосий воситалар етарли бўлмаса, маҳсулот ҳажми, меҳнат унумдорлиги пасайиб, сарф харажатлар кескин ошиб кетиши мумкин. Агар талаб даражасидан ортиқча бўлса ҳам маҳсулот таннархининг ортишига сабаб бўлади. Хўжаликдаги мавжуд асосий ишлаб чиқариш

фондларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари: фонд билан таъминланиш, фонд билан қуролланиш, фонд сиғими, фонд қайтими, фонд рентабеллиги билан изоҳланади.

**1. Фонд билан таъминланиш** – фондларни кишлок хўжалик ер майдонига нисбати билан белгиланади.

$$\Phi_m = \frac{A\phi}{E_m};$$

бунда,  $A\phi$ -асосий фонд

$E_m$ -ер майдони

Суғориладиган ерларда олиб борилаётган дехқончилик шароитида хўжаликнинг фондлар билан таъминланиш даражасини 100 га суғориладиган ерларига нисбати билан ҳисоблаш мумкин.

**2. Меҳнатни фонд билан қуроллантириш** – ишлаб чиқариш фондлари қийматини меҳнатга қобилиятли ишловчиларнинг ўртача сонига нисбати билан белгиланади. Меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси юқори бўлса, меҳнатнинг фондлар билан қуролланиш даражаси шунча паст бўлади ва аксинча. Фонд билан қуролланиш кўрсаткичи:

$$\Phi_k = \frac{A\phi}{I_c};$$

бунда,  $A\phi$  -асосий фонд;

$I_c$  - йиллик ишловчилар сони.

**3. Фонд қайтими** – ялпи маҳсулот қийматини асосий фондларнинг йиллик ўртача қийматига нисбати билан аниқланади:

$$\Phi_k = \frac{Y_m}{A\phi};$$

бунда,  $Y_m$ -ялпи маҳсулот қиймати;

$A\phi$ -асосий фонд.

**4. Фонд сиғими** – ишлаб чиқариш фондларининг ялпи маҳсулот қийматига нисбатидир:

$$\Phi_c = \frac{A\phi}{Y_m};$$

**5. Фондлар бўйича рентабеллик** – соф фойдани асосий фондларнинг йиллик ўртача қийматига бўлиб, 100 га кўпайтмасидир.

$$\Phi_p = \frac{C\phi}{\Phi} \cdot 100;$$

Бунда:

Фр-фонд бўйича рентабеллик даражаси, %;

Сф-соф фойда.

**6. Асосий фондларнинг қопланиш муддати** – асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматини фойдасига нисбати билан аниқланади:

$$T = \frac{A\Phi}{\Phi};$$

Бунда:

T – фонднинг қоплаш муддати, йил

### **Қисқача хулоса**

Асосий фондларга ўртача ойлик иш ҳақининг 15 бароваридан ортиқчасига тўғри келадиган ишлаб чиқариш воситалари киради. Асосий фондлар ўз моҳиятига кўра асосий ишлаб чиқариш фондларига ва айланма фондларга бўлинади. Қишлоқ хўжалигида асосан ишлаб чиқариш фондлари ўз қийматини узоқ йиллар мобайнида ишлаб чиқаришга ўтказиб борса, айланма фондлар эса бир ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиб, ўз қийматини ўтказишади. Кейинги пайтларда асосий фондларнинг баланс қиймати ошиб кетиши сабабли, янги замонавий техникалар олишга молиявий шароити етмай, эски техникалардан самарали фойдаланмоқда. Айланма воситалар ҳам талабга нисбатан 70-80 фоизга таъминланмоқда. Аввало унинг қиймати юқори, уни сотиб олишга маблағ йўқ бўлса, ресурсларнинг ўзи йўқ. Шунинг учун маънавий эскирган техникага ва маҳаллий ресурслардан фойдаланиш самарали бўлади.

Фондлардан самарали фойдаланиш кўрсаткичлари фонд билан қуролланганлик, фонд билан таъминланганлик, фонд сифими, фонд қайтими ва фонд рентабелликлари билан аниқланади. Асосий воситаларни тўлдириш учун капитал маблағларни шакллантириб, жисмоний ва маънавий эскирган воситалар ўрнига янгиларини ўрнатиш зарур.

### **Таянч иборалар**

Асосий фонд, асосий ишлаб чиқариш фондлари, айланма фонд, восита, фонд айланиши, қолдиқ қиймат, тиклаш қиймати, бошланғич қиймат, капитал маблағлар, жисмоний эскириш, маънавий эскириш, амортизация суммаси, муомала фонди, айланма маблағ, фонднинг айланиш коэффициентлари, ялпи маҳсулот, фонд самарадорлик кўрсаткичлари, қоплаш муддати.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Асосий фондларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти нимадан иборат?*
2. *Асосий фондлар таркиби ва уларга нималар киради?*
3. *Асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш йўллари қандай изоҳлаш мумкин?*
4. *Айланма фондлар таркиби ва унинг кўрсаткичлари ўз ичига нимларни олади?*
5. *Асосий ишлаб чиқариш фондлари самарадорлик кўрсаткичларини қандай тавсифлаш мумкин?*

### **Асосий адабиётлар**

1. *Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадмиз”. – Т.: “Ўқитувчи”, 2000.*
2. *Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995.*
3. *Добринин В.А. “Экономика сельского хозяйства”. –М.: 1990, -47.*
4. *Петренко И.Я., Чужиков П.И., “Экономика сельскохозяйственного производства”. - Алма-Ата: Кайнар, 1992.*
5. *Тошбоев А.Ж. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент” фанидан амалий машғулот олиб бориш учун услубий қўлланма. –Т.: “ТИҚХМИИ”, 1999, -38.*
6. *Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, -Т.: “ТДИУ”, 2004.*

## **7-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИКА РЕСУРСЛАРИ**

### **7.1. Қишлоқ хўжалиги моддий-техника ресурслари тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.**

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари деганда, хўжаликдаги мавжуд барча асосий фондлар, хўжалик инвентарлари йиғиндиси тушунилади. Агросаноат мажмуаси тармоқларининг айниқса қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга. Чунки ишлаб чиқаришнинг механизациялашганлик даражаси бевосита тармоқда, хўжаликларда мавжуд техниканинг миқдори ва сифатига боғлиқ. Агар техникалар етарли миқдорда бўлмаса қишлоқ хўжалиги ишларини агротехник муддатларида бажариш мумкин эмас. Бу, ўз навбатида барча натижавий кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келади.



Ҳар қандай тармоқнинг моддий-техника базаси ва асосий фондлар, хом-ашёлар, меҳнат ресурслари, тадбиркорлик қобилиятлари биргаликда фаолият кўрсатади.

Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат натижасида қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси кейинги йилларда янада мустаҳкамланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига юқори унумли, фермер ва деҳқон хўжаликлрига кичик мини техникалар олиб келиниши, қўл меҳнатини енгиллаштирмоқда.

Қишлоқ хўжалик коорхоналарининг моддий-техника базасига қуйидаги ресурслар киради: **табiiй ресурслар** - ер, сув, ўрмон, чорва ҳайвонлари, иссиқликлик ҳамда ёғингарчилик миқдоридан ташкил топади. Уларнинг асосий қисми давлат тасарруфида бўлиб, корхоналарга, фуқароларга фойдаланиш учун берилади.

**Иқтисодий ресурслар** эса иқтисодий потенциалнинг таркибий қисми бўлиб моддий, молиявий ҳамда меҳнат ресурсларидан ташкил топади. Қишлоқ хўжалигини:

**Моддий-техника ресурсларига** – ишлаб чиқаришнинг моддий воситалари: бинолар, иншоатлар, машиналар, тракторлар, комбайнлар, кимёвий воситалар, ўғитлар, уруғликлар, ем-хашаклар, ёқилғи, қурилиш материаллари киради.

**Молиявий ресурсларига** – давлат томонидан ажратилаётган кредит маблағлар, валюта счётларидаги пуллар, ғазнадаги пуллари, амортизация фонди, акциялардан олаётган фойдалари, банк кредитлари, ички ва ташқи инвестицияларни амалга ошириш натижасида олаётган маблағлар, таъсисчилар ва бошқа манбалардан келиб тушаётган маблағлар киради.

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника ресурслари ўз моҳиятига кўра фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган ресурсларга бўлинади. Тармоқда фойдаланилаётган ресурсларга тармоқда мавжуд бўлиб айрим сабабларга кўра, вақтинча фойдаланилмаётган захира ресурслари, фойдаланилмаётган ресурсларига захирадаги мелиоратив ерлар, айрим сув хавзаларидаги сувлар, ўрмонзорлар киради.

Тармоқ корхоналарида фойдаланилаётган моддий-техника ресурслари ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

Ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ишлатиладиган, ишлаб чиқаришда билвосита қатнашадиган ресурслар.

**Ишлаб чиқаришда бевосита ишлатиладиган ресурслар** ёрдамида турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, ишлар ва хизматлар бажарилади. Уларга экинларни суғориш учун сарфланаётган сувлар, машина, ер ҳайдаётган экинларга ишлов бераётган тракторлар, комбайн, кимёвий воситалар, ўғитлар, ем-хашаклар, мевали дарахтлар ва бошқалар киради. Билвосита қатнашадиганларга хўжаликнинг корхоналарнинг омбори, идора ва бинолари, иншоатлар, алоқа воситалари, компьютерлари, ижтимоий объектлар ва бошқалар киради.

Моддий техника ресурслари асосан қуйидаги манбалардан корхонанинг маблағлари ва четдан жалб этиладиган маблағлардан барпо этилади.

Корхоналарнинг маҳсулот сотиш, иш ва хизматлар бажариш натижасида олаётган пул даромадлари, тақсимланмаган фойдадан ажратиладиган маблағ, амортизация фондидан ажратиладиган маблағ, амортизация фонди ҳисобланган маблағ, фойдаланилмаётган айрим ишлаб чиқариш воситаларини сотишдан, ижарага берилмаётган воситалардан фойдаланиш натижасида ва бошқа манбалардан олинган маблағлар киради. Бунда хўжаликларнинг акциялар чиқариб сотишдан олаётган пул даромадлари ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Четдан жалб этиладиган маблағларга инвестиция маблағлари, ҳомий ташкилотлар ва давлат маблағлари киради.

Ирригация–мелиорация, экология ва ижтимоий соҳаларга давлат бюджетини маблағлари ёки бошқа манбалардан жалб қилинади. Қишлоқ хўжалик корхоналари учун моддий-техника воситаларини биржалардан, кўргазмалардан, аукционлардан, бошқа турли корхоналардан шартнома асосида сотиб олишлари ва ижарага олади.

## 7.2. Қишлоқ хўжалигини моддий техника ресурслари билан таъминлаш ва улардан самарали фойдаланиш.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий-техник ресурслари билан талаб даражасида таъминланса, меҳнат ва маблағ харажатлари камайиши, меҳнат унумдорлиги ошиши фойдани кўпайтириш имконияти бўлади. Қишлоқ хўжалик корхоналарини моддий-техника воситалари билан таъминланиш ва улардан фойдаланиш жараёнини бир қанча кўрсаткичлар орқали билиш мумкин. Асосий кўрсаткич **ресурслар билан таъминланганлик даражаси** бўлиб, у қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$МТР_{ТД} = \frac{(Ек + (АФк - Ас) + АФк + БГк)}{Эм}$$

Бунда: МТР<sub>ТД</sub>-моддий-техника ресурслари билан таъминланганлик даражаси, сўм.

Ек-қишлоқ хўжалик ерларининг қиймати (сўмда);

Афк-асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (сўмда);

Ас-асосий воситаларнинг ўртача йиллик эскириш суммаси (сўмда);

Афк-айланма воситаларнинг ўртача йиллик суммаси (сўмда);

БГк-боғлар, тоқзорларнинг ўртача йиллик суммаси (сўмда);

Эм-экин майдони, га.

Бу кўрсаткич ёрдамида хўжаликдаги мавжуд экин майдонига тўғри келадиган моддий-техника ресурслари аниқланади.

Қишлоқ хўжалигини **энергетик ресурслар билан таъминланганлик даражаси**:

$$\text{Эрт} = \frac{\text{ЭРк}}{\text{Эм}};$$

Бунда: ЭРк-жами энергетик ресурслар қуввати (от кучида);

Эм-жами экин майдони .

**Мехнатни энергетик ресурслар билан қуролланганлик даражаси**. У энергетик ресурсларни (от кучида) ишловчиларнинг ўртача йиллик миқдори (кишилар) нисбати билан аниқланади.

$$\text{Эрк} = \frac{\text{ЭРк}}{\text{Мр}};$$

Бунда:

Мр – меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони (киши).

Бу кўрсаткичлар корхонада бажариладиган барча ишларнинг қай даражада механизациялашаётганлигини ёки автоматлашаётганлик ҳолатини ўрганишга ёрдам беради.

**Ишлаб чиқариш жараёнларининг механизациялашганлик даражасини** - трактор механизмлар, машиналар ёрдамида бажарилган жами иш (эталон гектарда) миқдорини корхона бўйича бажарилган жами ишлар ҳажмига (эталон га) нисбатидир.

$$\text{Мд} = \frac{\text{Ми}}{\text{Жи}} \cdot 100\%;$$

Бунда: Мд-ишлаб чиқаришни механизациялашганлик даражаси, фоизда;

Ми-машина, тракторлар механизмлар ёрдамида бажарилган иш (эталон га);

Жи-хўжалик бўйича жами бажарилган иш миқдори (эталон га);

**Янги техникалардан, технологиялардан фойдаланиш даражаси**да янги техника, технология жорий этилмасдан аввалги харажатлардан, жорий этилганидан кейинги харажатлар айирлиб, уни дастлабки харажатларга бўлинади ва 100 га кўпайтирилади.

$$\text{Хт} = \frac{\text{Х1} - \text{Х2}}{\text{Х1}} \cdot 100\%;$$

Бунда: Х1-янги техника, технология жорий этилмасдан олдинги харажатлар (сўм);

Х2-янги техника технология жорий этилгандан кейинги харажатлар (сўм);

Юқоридаги кўрсаткичлар ёрдамида хўжаликлардаги мавжуд моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги ҳам аниқланади. Машина-трактор паркдан фойдаланиш коэффициенти хўжаликда фойдаланилган машина-тракторлар сонини, хўжаликда мавжуд бўлган машина-тракторлар сонига нисбати билан аниқланади:

$$\text{МТПФк} = \frac{\text{Фс}}{\text{Мс}};$$

Бунда:

МТПФк – машина-трактор паркидан фойдаланиш коэффиценти.

Фс – фойдаланилган машина-тракторларнинг сони (дона);

Мс-мавжуд бўлган машина-тракторларнинг сони (дона);

**Машина-трактор ҳамда комбайнларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашганлик даражаси** – жами ишлаган машина кунлари сонини ишлаган машиналар сонига тақсимлаш натижасида аниқланади.

$$\bar{M}_k = \frac{\sum M_k}{M_c}; \quad \bar{T}_k = \frac{\sum T_k}{T_c}; \quad \bar{K}_k = \frac{\sum K_k}{K_c};$$

Бунда:

$M_k$ -битта машинанинг (ойда, мавсумда, йилда) ишлаган (қатнашган) ўртача куни;

$\sum M_k$  -жами ишлаган машина кунлари;

$\sum T_k$ -жами ишлаган трактор кунлари;

$\sum K_k$  -комбайнларнинг ишлаган жами кунлари;

$M_c$ -ишлаган машиналар сони;

$T_c$ -тракторлар сони;

$K_c$ -комбайнлар сони.

Бу кўрсаткич ёрдамида хўжаликда битта трактор, комбайн ёки машинанинг йил давомида неча машина-кун ишлаганлиги аниқланади.

**Техникалардан фойдаланиш даражаси** - техникалар (машиналар (т/км), тракторлар (эт.га), комбайнлар (гектар, тонна)) ёрдамида бажарилган иш ҳажмини техникаларнинг ўртача сонига бўлиш йўли билан аниқланади:

$$TMKu = \frac{T_u}{T_c} \cdot \frac{M_u}{M_c} \cdot \frac{K_u}{K_c};$$

Бунда:

$TMKu$ -трактор, машина, комбайнларнинг ўртача бажарган иши (1 сменада, 1 кунда, мавсумда, 1 йилда эталон гектарда, тонна/км, тоннада, гектарда).

$\sum T_u, M_u, K_u$  – тракторлар, машиналар, комбайнлар ёрдамида бажарилган жами иш ҳажми (эталон гектарда, тонна/км, тоннада);

$\sum T_c, M_c, K_c$  -шу ишларни бажаришда қатнашган тракторлар, машиналар, комбайнларнинг ўртача сони (дона).

Бу кўрсаткичлар ёрдамида, битта тракторнинг маълум муддатда бажарган иш миқдори аниқланади.

**Моддий-техника ресурсларидан фойдаланишни самарадорлиги** – хўжаликда бажарилган ишларнинг (1 эт.гектарнинг, 1 тонна км, 1 кВт соатнинг) таннархини жами бажарилган иш ҳажмига нисбатидир.

$$\text{ЭГ}_T = \frac{\sum M_x}{\sum \text{ЭТга}};$$

Бунда:

$\text{ЭГ}_T$ —1 эталон га, таннархи (сўмда);

$\sum M_x$ —механизация ёрдамида бажарилган ишларга қилинган жами харажат (минг сўм);

$\sum \text{ЭТга}$ —жами бажарилган иш ҳажми (эталон га).

**Янги техника-технологияларга қилинган инвестицияларнинг самарадорлигини** аниқлашда инвестицияларни жорий этиш туфайли тежалган харажатлар, ҳисобига натижасида қўшимча олинган соф фойдани киритилган инвестициялар суммасига тақсимлаш йўли билан аниқланади.

Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар орқали моддий-техника ресурслари ҳолати, даражаси, самарадорлиги аниқланиб, таҳлил қилинади. Натижада уларга таъсир этадиган омиллар аниқланиб, келажакда ривожлантириш чора-тадбирлари белгиланади.

### **7.3. Фан техника тараққиёти ва самарали технологиялар**

Қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурсларининг шакллантирилиши, ривожлантирилиши, улардан самарали фойдаланиш масалалари фан-техника тараққиётига бевосита боғлиқ.

**Фан-техника тараққиёти деганда** Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент фани билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли малакали кадрлар тайёрлаш натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудлари эса такомиллаштирилишини назарда тутиш лозим.

Фан техника тараққиёти ҳаракати – интеллектуал онг ривожланишининг маҳсулудир. Бунинг учун интеллектуалларни тайёрлайдиган таълим, ихтирочилик тизимини янги босқичга кўтаришни тақазо этади. Улар қишлоқ хўжалиги учун зарур қулай бўлган самарали машина, трактор, механизм, ускуналар яратиш, мавжудларини такомиллаштириш, серҳосил тезпишар экин навларини яратиш, сермахсул чорва зотлари, илғор чет эл технологияларни амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

**Фан техника тараққийетининг асосий мақсади** - янги, самарали қишлоқ хўжалик техникаларини, экологик талабларга жавоб берадиган кимёвий воситаларни, янги навларни, зотларни яратиш, мавжуд воситаларни такомиллаштириш, меҳнатчининг характерини ўзгартириб, унинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, уларни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш орқали аҳоли, корхоналар ва ниҳоят давлатнинг иқтисодийетини юксалтиришдир.

Фан техника тараққийети қишлоқ хўжалигида қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

янги ерларни комплекс ўзлаштириш, зах ва шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, суғориш воситаларини яратиш;

тезпишар, кам сув талаб этадиган, сифатли ва серҳосил уруғ навларини, сермаҳсул чорва молларини яратиш;

қишлоқ хўжалик ишларини автоматлаштириш, электрлаштириш, кимёлаштириш ҳамда механизациялаштиришни таъминлайдиган воситаларни яратиш, мавжудларини такомиллаштириш;

қишлоқ хўжалигига сервис хизматларини кўрсатиш, маҳсулотларни қайта ишлаш, сифатли сақлаш, истеъмолчиларга ўз вақтида етказиб бериш қобилиятига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини шакллантириш;

қишлоқ хўжалиги иқтисодийетини эркинлаштирилишини таъминловчи иқтисодий механизмларни яратиш ва уларни ҳаётга изчиллик билан жорий этиш;

фан техника тараққийети натижаларини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларига ўз вақтида жорий этиш қобилиятига эга бўлган мутахассис кадрларни тайёрлаш, фаолият кўрсатаётганларини рағбатлантиришни такомиллаштириш имкониятига эга бўлган механизмларни яратиш.

Фан техника тараққийетини шу йўналишлар бўйича амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларини яратиш, мавжудларини эса такомиллаштириш таъминлаш бўйича фаолият юритади.

Фан техника тараққийети натижасида моддий-техника ресурслари, самарали технологиялар, иш жараёнлари белгиланган муддатда сифатли бажарилишига, меҳнат унумдорлиги ошишига ва харажатлар камайишига олиб келди.

Голландияда етиштирилган картошка уруғи экилиб, уларнинг техникалари билан ишлов берилиб, юқори ҳосил йиғиштириб олинди. Бу жараёнда маҳаллий тажрибалардан ҳам кенг фойдаланиб натижада республикада картошкачилик ривожланди.

#### **7.4. Янги техника ва технологиялардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.**

Фан-техника тараққиёти ишлаб чиқаришни интенсивлаш ва унинг самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи йўналишларидан биридир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги техника тараққиётининг муҳим йўналиши бўлиб, техникани мунтазам равишда такомиллаштириш, эскирган техникани янги, тежамкор техника билан алмаштиришдан, машиналар, агрегатлар ва механизмлар қувватини орттириш, уларни ишлаш тезлигини ошириш, моддий машиналардан ярим автомат ва автомат машиналар ва линияларга, комплекс механизациялашган ва автоматлашган цехлар ва корхоналарга ўтиш йўлидан бормоқда.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш интенсив технология асосида ишлаб чиқаришга ўтказилмоқда, бу ишлаб чиқариш самарадорлигини ошишига ёрдам беради. Янги технологияни ишлаб чиқаришига жорий қилгани натижасида иқтисодий самарадорликка эришса бундай техника ва технологияларни тезда амалиётга жорий қилиш керак. Янги техника ва технологиялардан фойдаланишнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаш мумкин:

$$Ис=(Б \times Т)-(Б \times Т) \times Мх$$

Бунда:

Ис-иқтисодий самарадорлик, (фойда) сўм;

Б,Т – ялпи маҳсулотнинг янги техникани қўллашдаги “т” давридаги баҳоси ва таннархи;

Б,Т – янги техникани қўллашдан олдинги ялпи маҳсулотнинг баҳоси ва таннархи;

Мх – “т” давридаги маҳсулот ҳажми.

Формуладан  $(Б \times Т) > (Б \times С)$  бўлганида янги технологияни қўллаш қишлоқ хўжалиги корхонасига иқтисодий самара бериш тушунилади.

#### **Қисқача хулоса**

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда моддий ресурслар орқали таъминот ва хизматлар бажарилади. Моддий техника ресурсларига техника, технология, моддий техника билан хўжаликларни ўз вақтида таъминлаш тушунилади. Хўжаликларга энг замонавий технкалар ва технологиялар олиб кирилиб жорий этилмоқда. Уларни табиий ва иқтисодий ресурсларга ажратиб жалб этилади. МТР билан таъминлаш хўжаликнинг молиявий ҳолатидан келиб чиқиб, мулкчилик шаклидан қатъий назар шартнома асосида корхоналардан олиш мумкин.

Фермер хўжаликларида МТР давлат буюртмаси асосидаги маҳсулотларга лимит орқали сув, ўғит, ёқилғи ва уруғликлар берилади. Буларни кўпайтириш учун молиявий

ресурсларни кўпайтириш зарур. Молиявий ресурсларни ишлатишда МТРнинг иқтисодий кўрсаткичлари асосида чуқур таҳлил қилиб, кейин фойдаланиш зарур.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фан-техника тараққиётининг ўрни катта бўлиб, маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва ишлов бериш бўйича янги техника ва технологиялар яратиш ва уни амалиётга жорий қилишдан аввал хўжаликнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил этиб ўрганишдан кейин амалга ошириш зарур.

### **Таянч иборалар**

Моддий техника ресурслари, моддий техника базаси, агротехника, мини техникалар, табиий ресурслар, иқтисодий ресурслар, технологиялар, энергетик ресурслар, механизациялаш, автоматлаштириш, таъминот, фан-техника тараққиёти, кичик бизнес, самарадорлик.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Қишлоқ хўжалигига моддий-техника ресурсларининг зарурияти нимадан иборат?*
2. *Моддий-техника ресурсларига қандай ресурслар киради?*
3. *Ресурслар билан таъминланганлик ва фойдаланганлик даражаси қандай аниқланади?*
4. *Фан-техника тараққиётини изоҳлаб беринг.*
5. *Фан-техника тараққиётида қандай технологияларни биласиз?*

### **Асосий адабиётлар**

1. *Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоотларни чуқурлаштириши йўлида”. –Т.: Ўзбекистон, 1995.*
2. *Каримов И.А. “Деқончилик тараққиёти – фаравонлик манбаи”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1993.*
3. *Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоотларни чуқурлаштириши асослари. –Т.: “Ижод дунёси”, 2004, -318.*
4. *Коваленко Я.Н. “Экономика сельского хозяйства”. Москва: ЭКМОС, 1998.*
5. *АбдуҒаниев А., АбдуҒание А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.: 2004.*
6. *Умурзоқов Ў.П. Тошбоев А.Ж., Алдаберганов М., Рахимов Х. “Фермер хўжалигини ташкил этишнинг іуқуқий, иқтисодий ишлаб чиқариши асослари. –Т.: “ТИҚХМШИ”, 2004.*



7. *Фермер: сельское хозяйство, сельскохозяйственное оборудования, техника продаж...*  
[www.selhoz.net.ru](http://www.selhoz.net.ru)
8. *ЛБР - сельскохозяйственная техника, комбайны, косилки, сеялки, запчасти к сельхозтехнике* [www.lbr.ru](http://www.lbr.ru)

## **8-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР**

### **8.1. Инвестиция ҳақида тушунча, моҳияти ва аҳамияти**

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда инвестиция фаолияти қуйидаги йўналишларда жисмоний шахслар, фуқаролар, давлатга қарашли бўлмаган корхоналар, хўжалик асоциациялари, жамоа ва ўртоқлик хўжаликлари, жамоа мулкчилиги асосида ташкил этилган ташкилотлар ҳамда бошқа юридик шахслар томонидан; ҳукуматнинг маъмурий бошқарув ва бошқа маъмурий бўлинма ташкилотлари, давлат корхоналари ва муассасалари томонидан, чет эллик жисмоний шахслар, шахсий фирмалар, асоциациялари, компаниялари ва бошқа юридик шахслари ҳамда бошқа давлатлар томонидан; қўшма равишда маҳаллий ва чет эл гражданилари, юридик шахслар ҳамда давлат билан ҳамкорликда олиб борилади.

Бозор иқтисоди шароитида инвестициянинг мақсади янги, самарали технология ҳамда интеллектуал мулкни барпо этишга хизмат қилади. Инвестиция маблағлари доимий ва ўзгарувчан капитални ҳамда интеллектни барпо этиш ва уларни ривожлантириш учун сарфланади. Қишлоқ хўжалигининг асосий воситларини сотиб олиш, қуриш ҳамда уларни капитал таъмирлашга сарфланса, бу сарфлар узок муддатга мўлжаллангандир. Уларни асосий капиталга сарфланган инвестициялар деб аталади. Бундан ташқари қишлоқ хўжалигида инвестициялар айланма воситаларига ҳам сарфланади. Инвестициялар қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари барпо этиш ва ишга яроқлилигини таъминлайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш воситаларига сарфланадиган барча маблағлар **инвестициялар** деб аталади. Улар қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базасини яратиб, ишлаб чиқаришни механизациялаш, кимёлаштириш, электрлаштириш, ирригация-мелиорациялаш натижасида сарф харажатларни камайтириб маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш орқали даромадни оширишдан иборатдир.

Инвестиция маблағларидан самарали фойдаланишнинг ташкилий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги «Чет эл инвестициялари

тўғрисида»ги (1998 й.) қонунлари қабул қилинди. Унда инвестициялар мақсад ва вазифаларига кўра 3 га бўлинади:

**1. Капитал инвестициялар** деб, асосий фондларни барпо этишга, такрор ишлаб чиқаришга ва моддий ишлаб чиқаришнинг барча шакллари ривожлантиришга сарфланган инвестициялардир. **2. Инновация инвестициялари** деб, техника, технологиялар, янги авлодини яратиш ва ўзлаштиришга сарфланган инвестицияларга айтилади. **3. Ижтимоий инвестициялар** деб, инсон салоҳиятини малакасини ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга шунингдек, моддий истеъмолларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга сарфланадиган маблағлардир.

Инвестициялар ўз фаолиятига қараб 2 га бўлинади. Улар реал ҳамда молиявий инвестицияларга ҳам бўлинади. **1. Реал инвестициялар** моддийлашган асосий ва айланма воситаларга маблағлар. **2. Молиявий инвестициялар** қимматли қоғозларни (акция, облигация, вексел, сертификат) шакллантиришга сарфланган маблағлар. Реал инвестицияларни капитал қўйилмалар, деб ҳам аталади. Капитал қўйилмалар ялпи ва соф капитал қўйилмаларига бўлинади. Реал инвестицияларнинг умумий суммаси ялпи капитал қўйилмаларини ташкил этади. Реал инвестицияларни сарфлаш натижасида ишга туширилган қисми соф капитал қўйилмалардир. Соф капитал қўйилма ялпи капитал қўйилма суммасига тенг ёки кам бўлиши мумкин. Фермер хўжалигида ялпи капитал қўйилмани соф капитал қўйилмага айлантиришга алоҳида эътибор берилиши лозим. Сарфланаётган реал инвестициялар моддийлаштирилишини, яъни ишга туширилишини таъминлаш зарур.

Миллий ҳисоблар тизимида капиталга ҳамда моддий ишлаб чиқаришни воситаларига сарфланган маблағлар реал инвестициялар деб ҳам юритилади.

Капитал қўйилмаларнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти юқори бўлиб, биринчидан, капитал қўйилмалар – жами харажатларнинг асосий қисми ҳисобланади. Капитал қўйилмалардаги ўзгаришлар жами талабга етарлича таъсир кўрсатади, шунингдек аҳолининг бандлиги ва ялпи миллий даромад (ЯМД) ҳажмини ҳам ўзгаришини таъминлайди.

Иккинчидан, капитал қўйилмалар деҳқонларнинг асосий фондлари жамғарилишига, яъни кўпайишига олиб келади.

Учинчидан, капитал қўйилмаларнинг нораціонал сарф қилиниши ишлаб чиқариш ресурслари, харажатлар ўсишига олиб келади, натижада ЯМД қисқаради.

Инвестициялар (капитал қўйилмалар) фермер хўжалигининг ҳар томонлама ривожлантириб, моддий техника базасини мустаҳкамланади. Улардан самарали фойдаланиш натижасида жонли меҳнат харажатлари қисқариб маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ортиб

соф фойда суммаси кўпаяди. Натижада қишлоқ хўжалигини кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосида ривожлантириш имконияти кенгаяди.

Қишлоқ хўжаликларининг барча инвестициялари (капитал қўйилмалар) иккита манбадан: корхонанинг ўз маблағларидан ва четдан жалб қилинган маблағлардан шаклланади.

Хўжалигининг ўз маблағларига қуйидагилар киради:

- хўжаликнинг соф фойдасидан ажратилаётган маблағлар;
- амортизация фондидаги маблағлар;
- асосий воситаларни тугатишдан, сотишдан келиб тушган маблағлар;
- чорва молларини сотишдан тушган маблағлар;
- хўжаликнинг қимматли қоғозлар сотиш ва сотиб олишидан келган маблағ.

Четдан жалб қилинган маблағларга:

- қишлоқ хўжалигига давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- ҳамкорлардан олинадиган маблағлар;
- турли хил қарзлар ва банк кредитлари;
- хўжалик аъзоларининг бўш маблағларини жалб этиш;
- хорижий ва шахсий корхоналар ва фуқароларнинг маблағлари;
- хайрия хомийлар ажратаётган маблағлари ва бошқалар.

Капитал капитал қурилишга ва янги техникани жорий қилишда ишлатилади. Капитал қўйилмаларнинг асосий вазифаси – тармоқ маҳсулотини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлашдир.

Капитал – қишлоқ хўжалиги молиявий натижаларининг бир қисми бўлиб, айланма фондларга қўйилиб, даромад келтиради. Капиталнинг айланма фондларга қўйилиши тўғри портфелли инвестициялар орқали амалга оширилади.

Инвестиция қилишда қишлоқ хўжалиги ўз маблағларидан фойдаланиши иккита устунликка: қишлоқ хўжалигининг ташқи тўловлар мавжуд бўлмади (олинган кредитлар бўйича фоиз, акциялар бўйича дивидентлар, ижара ҳақи ва ҳоказо), шунингдек қишлоқ хўжалигини бошқаришда мустаҳкам позицияни шакллантиради.

Четдан жалб этилаётган инвестициялар – чет давлатларнинг, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг инвестицияларидан ташкил топади.

Хорижлик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар киради. Интеллектуал мулкка – чет эл инвестицияларидан

олинган ҳар қанлай даромад республика ҳудудида чет эл инвестициялари деб ҳисобланади. Улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

Фермер хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришга ва ишлаб чиқаршини ривожлантиришга Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осие тараққиёт банкларининг республикадаги бўлимлари ҳамда АҚШ, Германия, Исроил, Голландия, Франция ва бошқа давлатларнинг ваколатхоналари инвестицияларни жойлаштириш, сарфлаш билан шуғулланмоқда.

Қишлоқ хўжалигида инвестициялар қуйидаги фаолиятда бўлади. Ивестициялар – иқтисодий ва бошқа фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлардир.

Инвестиция фаолияти – субъектларининг инвестицияларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатларидир.

Инвестор – ўз маблағларини, қарзга олинган ва жалб этилган маблағларини, мулкый бойликларни ва уларга доир ҳуқуқларни, шунингдек, интеллектуал мулкка доир ҳуқуқларни инвестиция фаолияти субъекти ҳисобланади.

Инвестиция фаолияти иштирокчиси – инвесторнинг буюрмаларини бажарувчи сифатида инвестиция фаолиятининг таъминловчи инвестиция фаолияти субъектидир.

Реинвестициялар – инвестор томонидан киритилган инвестицияларни бошқа давлатга ёки ҳудудга бериб юборишдир.

## **8.2. Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва ундан фойдаланиш йўллари**

Республика иқтисодиётини ривожлантиришда янги қишлоқ хўжалик корхоналарини ташкил этиш, мавжудларини кенгайтириш, қайта замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, техник ускуналар олиш, қурилиш материаллари сотиб олиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш, янги замонавий техника технология, завод, фабрикаларни сотиб олиш бундан ташқари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш учун узлуксиз молиявий маблағлар зарур бўлади. Бу маблағлар сармоя маблағлар деб юритилади. Молиявий маблағларни шакллантириш, халқ хўжалик тармоқларига тақсимлаш ва улардан самарали фойдаланишни ўрганиш инвестиция сиёсатининг моҳиятини ташкил этади.

Халқ хўжалигини ривожлантириш учун сармоя маблағларини тармоқларда, бирлашмаларда, корхона ва ташкилотларга қайтариб бериш шарти билан берилади. Асосий капиталга бериладиган инвестициялар учун пул маблағлари ҳозирги кунла қуйидаги корхоналар томонидан молиялаштирилмоқда.

**8.2.1-жадвал.** Асосий капиталга инвестицияларни молиялаштирган манбалар.

(жамига нисбатан % ҳисобида)

	2000 й.	2001 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Инвестиция маблағлари, млрд. сўм	744,5	1320,9	1526,6	1978,1	2629,2
Жами	100	100	100	100	100
<i>Давлат бюджети</i>	29,2	21,5	12,2	10,4	9,0
<i>Корхоналарнинг ўз маблағлари</i>	27,1	31,0	46,0	48,4	47,6
<i>Аҳоли маблағлари</i>	12,0	10,3	11,4	11,8	11,4
<i>Ҳукумат кафолатидаги хорижий инвестициялар ва кредитлар</i>	23,2	28,0	21,7	18,5	22,8
<i>Банкларнинг марказлаштирилган кредитлари</i>	6,9	8,1	3,5	3,7	5,0
<i>Бошқа қарз маблағлар</i>	0,4	0,6	0,3	0,4	-
<i>Нобюджет жамғармалар маблағлари</i>	1,2	0,5	4,8	6,8	6,1

**Манба:** Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумоти

Таҳлиллардан кўриниб турибдики, асосий капиталга инвестицияларни киритишни молиялаштириш манбаларидан давлат бюджетидан молиялаштириш 2000 йилда жами инвестициянинг 29,2 фоизини ташкил этган бўлса, 2005 йилга 12,2 фоизга камайиб, корхоналарнинг ўз маблағлари 27,1-46,2 фоизга ошди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 3,4-14,9 фоизга ошиши тадбиркорларга чет эл инвестициялари билан иқтисодий ҳамкорлик қилишга ҳукумат томонидан тўлиқ иқтисодий, ҳуқуқий кафолатлар берилганлиги сабаб бўлмоқда.

Сармояга муҳтож бўлган корхоналар сони аста-секин камайиб, корхоналарнинг ўз маблағлари ортиб бормоқда. Давлат бюджетидан молиялаштирилиши кескин камайди. Бу эса хўжаликларнинг иқтисодий салоҳияти яхшиланганлигидан далолат беради. Бу салоҳият халқ хўжалигининг барча тармоқларида бир текис ривожлантирилаётганлигини ва киритилаётган инвестиция маблағлари қайси тармоқга йўналтирилаётганлигини қуйидаги жадвалдан кўрамиз.

**8.2.2-жадвал.** Халқ хўжалик тармоқларига киритилган асосий капиталга инвестициялар (жамига нисбатан % ҳисобида)

	2000 й.	2001 й.	2005 й.	2006 й.	2007 й.
Жами	100	100	100	100	100
<i>Саноат</i>	29,7	38,9	32,6	34,3	36,8
<i>Қишлоқ хўжалиги</i>	5,7	5,4	4,4	4,1	3,3
<i>Қурилиш</i>	0,5	0,6	0,9	1,2	1,2
<i>Транспорт ва алоқа</i>	16,7	14,0	24,1	21,9	22,8

**Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари**

Асосий капиталга инвестицияларнинг молиялаштирилиши натижасида тармоқларга асосий сармоялар киритилди. Унинг тармоқлар бўйича ҳолатини кўриб чиқсак, ишлаб чиқаришга 2000 йилда жами инвестициянинг 57,5 фоизи берилган бўлса, 2005 йилда 67,4 фоизи берилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга эса 5,7-4,7 фоизга камайди. Транспорт ва алоқа ҳамда саноатдаги улуши ошган. Ҳукуматнинг асосий эътибори аввало ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унда саноатни, транспорт ва алоқаларни ривожлантиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигини ривожлантириши учун кўпгина хорижий давлатлар ҳамда ҳамдўстлик давлатлари, нуфузли банклар ўз сармояларини киритмоқда.

Ҳалқаро молия корпорацияси, Европа тикланиш ва тараққиёт банклари, Осиё «Кроссрууд2 кредит компанияси, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Ўзбекистон хусусийлаштириш ва инвестициялар бўйича халқаро «Ўзприватбанки» АБН АМРО банк, «Асака» банки, Акциядорлик-тижорат «Пахта-Банк», Акциядорлик-тижорат «Ўзтадбиркорбанк» каби қатор молия институтлари фермер хўжаликлари лойиҳаларни молиялаш учун қатъий валютадан кредитлар беришади.

Ҳалқаро молия корпорацияси кредитларни фақат миллий компанияларга беради, ва ҳозирги пайтда кўшма корхоналарни ташкил этишга кўпроқ эътиборни қаратади.

Шунингдек, халқаро молия корпорацияси маслаҳат беришда ва бошқа молиялаш манбаларини жалб этишда иштирок этади. Унинг Ўзбекистондаги стратегиясининг муҳим қисми хусусий сектор, таркибий янгиланишлар ва хусусийлаштириш йўналишидаги Аниқ лойиҳаларни молиялаштиришдан иборат.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан очилган кредит йўналишлари асосан Миллий банк ва «Асака» банки орқали амалга оширилади. Яқин кунларда ишлаб чиқаришда Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг кредит йўналишлари акциядорлик тижорат «Пахта-банк» орқали очилиши кутилмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес мезонларига мувофиқ келадиган хусусий, кичик, кўшма, дехкон фермер хўжаликлари ва акциядорлик жамиятлари Европа тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Осиё тараққиёт банки кредитларининг олувчиларига айландилар.

Кредит йўналишларининг ресурсларидан хорижий ускуналар ва технологияларини харид қилишни молиялаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва маҳаллий хом-ашё ресурсларини қайта ишлаш, ишлаб чиқилган намунавий ёки алоҳида лойиҳалар асосида экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ва халқ истеъмол моллари ихлаб чиқаришни кўзда

тутадиган инвестиция лойиҳаларини таъминлаш билан боғлиқ дастлабки ишчи капитални шакллантириш учун фойдаланилади.

Замонавий инвестиция сиёсатининг муҳим тамойилларидан бири ҳар турли капитални бир марталик имтиёзлар билан жалб этишдан эмас, барқарор ва ўзаро манфаатли инвестиция тартиби ҳамда реал кафолатлар беришдан иборат.

Ҳозирги босқичда халқаро хорижий капитал ҳаракатининг шакллари турли туман бўлгани ҳолда бевосита хорижий инвестициялар устувор рол ўйнайди, бинобарин улар амалга ошириладиган механизм ва каналлар доимий такомиллашиш ҳамда ривожланиш жараёнида бўлибхон иқтисодиётидаги таркибий янгиланишлар билан биргаликда замонавийлаштиради.

Замонавий жаҳон жаҳон хўжалиги минтақавий ва халқаро миқёсда миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва фаолият кўрсатишнинг етарли даражада аниқ қоидаларга эга. Тажриба шуни кўрсатайки, уларга оқилона риоя этилиши хорижий инвестициялардан самарали фойдаланишни таъминлайди ва мусобақа тарзидаги рақобат тартиби муваффақиятли фаолият кўрсатишининг гарови саналади.

### **8.3. Қишлоқ хўжаликларидан инвестициядан фойдаланишнинг самарадорлик кўрсаткичлари**

Қишлоқ хўжаликлари маҳсулот етиштириш ва хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун сармоя сарф этади. Бозор иқтисодиёти шароитида эса, ҳар бир инвестор сармоясини сарфлашдан олидин сармоя сарфланадиган тадбир қандай натижа беришини, унинг иқтисодий самараси қандай бўлишини билишни талаб этади. Қишлоқ хўжалиги ҳам сарфланадиган ёки йўналтирадиган капитал сарфларни, узоқ муддатга фойдаланиладиган воситаларни ташкил этишга қаратилган маблағлар самарасини лойиҳалаштириш жараёнини кўзда тутаяди.

Қишлоқ хўжалиги бирон тадбирни амалга ошириш учун ташқаридан маблағ жалб қиладиган бўлса, тадбирни ифода этувчи лойиҳада кўзда тутилган сарф-ҳаражатлари иқтисодий самарадорлиги аниқ ҳисобланган бўлиши керак. Бу лойиҳани техник-иқтисодий жиҳатдан асосланганлигини (ТЭО) ифодоловчи ҳужжатда акс эттирилади. Бу масалани ҳал қилишда капитал сарфлар ва инвестициянинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш усулидан фойдаланилади.

Узоқ муддатга қилинадиган инвестициянинг абсолют ёки мутлақ самарадорлиги қиёсий ёки нисбий самарадорлиги аниқланади.

Мутлақ самарадорлигк Қишлоқ хўжалиги сарф қилган сармоя натижасида қўшимча натижа, яъни сарф қилган сармоянинг бир бирлигига олган қўшимча ялпи даромад ва фойда билан ифодаланади. Қишлоқ хўжалиги бўйича бу қуйидаги формула билан аниқланади:

$$CC = \frac{Д ЯЯДеку}{С};$$

Бунда:  $CC_a$  – мутлақ самарадорлик;

$\Phi$  – қўшимча олинган фойда;

$C$  – сармоя (инвестиция) нинг ўсган қисми.

Масалан, Фермер хўжалиги бозор иқтисоди талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун комплекс тадбирларни амалга ошириш хўжалик фойдасини ҳар йили 8 млн. сўмга ошириш имкониятини беради. Бунда сарф-ҳаражатларнинг самарадорлик коэффиценти – 0,27 ни ташкил этади.

$$C_a = \frac{8\text{млн}}{30\text{ММ}} = 0,27$$

Инвестиция айрим воситалар ва йўналишлар бўйича сарфланганда мутлақ самарадорликни аниқлашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$C_a = \frac{Мб - Т}{С};$$

Бунда:  $Мб$ - сармоя қилинганга қадар бўлган даврдаги маҳсулот бирлиги;

$Т$  - сармоянинг қилингандан кейинги таннарх;

$Мх$ - сармоя қилиши натижасида олинган маҳсулот ёки иш ҳажми.

Масалан, Фермер хўжалиги сигирларидан сут соғиб олишни механизациялаш учун соғиш агрегатларини сотиб олиб ўрнатди. Бу тадбирларга 15 млн. сўм сарф-ҳаражат қилди. Натижада 100 бош сигирнинг ҳар бири 3000кг (30 центнер) сут берадиган, қўлда соғиладиган сигир машиналар ёрдамида соғиладиган бўлди. Сигирлар қўлда соғилганда 1 центнер сут таннархи – 1300 сўм бўлган бўлса, уларни машинада соғиш натижасида 1 центнер сут-таннархи 1200 сўмни ташкил этди. Шу тариқа ҳар бир центнер сутни соғиб олишдан – 100 сўм тежашга эришилди. Маълумотларни юқоридаги формулага қўйиш орқали бу тадбирга қилинган сарфларинвестиция иқтисодий самарадорлигини аниқлаймиз:

Бу тадбирга қилинган сарф-ҳаражат мутлоқ самарадорлик коэффиценти – 0,2 га тенг бўлди. Сармоя сарфларининг меъёрий самарадорлик коэффиценти – 0,14 сўмга тенг. Энди сарф-ҳаражатларнинг самарадорлигини янада тўлиқроқ тушуниш учун уларни қоплаш муддатини билиш керак, яъни бу сарфлар ўз қийматини олинган қўшимча даромадлар билан неча йилда қоплайди? Сарф-ҳаражатларни қоплаш муддати қуйидагича аниқланади:

Корхона бўйича:



$$K_m = \frac{C}{ДФ} = \frac{30000000}{8000000} = 3,7 \text{ йил}$$

Айрим йўналишлар:

$$M = \frac{C}{(MM - T) * 3000} = \frac{15M5M}{3MML} = 5 \text{ йил}$$

Сармоя тури бўйича меъёри:

$$C_m = \frac{1,0}{0,14} = 7,14 \text{ й}$$

Ҳар иккала тадбирда ҳам қоплаш муддати меъерий муддатдан кам бўлганлиги сарф-ҳаражатнинг иқтисодий самарали эканлигини кўрсатади.

Қиёсий ёки нисбий самарадорлик.

Бу усулдан бирор бир тадбирни бир неча йўлда амалга ошириш мумкин бўлган тақдирда фойдаланилади. Бу усулда иқтисодий баҳо беришнинг асосий мезони энг кам ҳаражат қилиш ҳисобланиб, қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$ҚНс * Жх * Имд * И$$

Бунда: ҚНс – Қиёсий ва нисбий самарадорлиги;

Жх – маҳсулот ёки иш бирлиги учун қопланган жорий ҳаражатлар;

Имд - капитал сарфлар ёки инвестициянинг меъерий даражаси;

И - у ёки бу йўналишдаги капитал сарфлар ёки инвестиция.

Масалан, Қишлоқ хўжалиги бошоқли дон экинлари ҳосилини ўриб-йиғиб олувчи комбайн харид қилмоқчи. Ишлаб чиқариш омиллари бозорида 3 хил русумдаги комбайн мавжуд бўлиб, бири Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган «Енисей» комбайни, баҳоси 16 млн. сўми, иккинчиси АҚШ да ишлаб чиқарилган «Кейс» комбайни, баҳоси 22 млн, учинчиси Германияда ишлаб чиқарилган «КСА» комбайни, баҳоси 19 млн.сўм.

Комбайнлар паспортида кўрсатилагн техник маълумотларга кўра мавсумда «Енисей»- 600 тонна, «Кейс» -1200 тонна, «КСА» комбайни эса –840 тонна бошоқли донни ўриб-йиғиб олиши мумкин.

Ҳар бир русумдаги комбайн билан ўриб-йиғиб олишга кетган жорий ҳаражатлар 1 тонна ҳисобига «Енисей» комбайнида – 50 минг сўми, «Кейс» комбайнида – 35 минг сўми, «КСА» комбайнида – 40 минг сўми ташкил этган. Юқорида келтирилган маълумотларни нисбий (таққослама) самарадорликни аниқлаш формуласига қўйиш орқали қайси русумдаги комбайнни сотиб олиш фермер хўжалиги учун иқтисодий самарали эканлигини аниқлаймиз:

$$\text{«Енисей» } 50 + 0,16 * 26,6 = 54,2 \text{ минг сўм;}$$

$$\text{«Кейс» } 35 + 0,16 * 18,3 = 37,9 \text{ минг сўм;}$$

«КСА»  $40+0,16*22,6=43,6$  минг сўм.

Ҳисоблардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги «Енисей» русумли комбайнни сотиб олганда 1 тонна бошоқли донни ўриб-йиғиб олишга бир хилликка келтирилганда – 54,2 минг сўм, «КСА» комбайнини харид қилганда – 43,6 минг сўм, «Кейс» комбайнидан фойдаланганда – 37,9 минг сўм сарф қилган бўларди. Ёки «КСА» комбайнидан фойдалангандан кўра – 5,7 мингга «Енисей» га нисбатан эса – 16,3 минг сўм кас сарф қилишга эришади. Шунинг учун фермер хўжалиги «Кейс» русумли комбайнни сотиб олгани маъқул.

### **Қисқача хулосалар**

Инвестиция қишлоқ хўжалигида капитал маблағни тўлдириш, интеллектуал мулки барпо этиш, ижтимоий соҳани ривожлантиришдан иборат. Инвестиция маблағлари ўзгарувчан бўлиб, ўз мақсад вазифаларга кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади. Бозор муносабатлари шароитида инвестиция киритувчи ва ундан фойдаланувчиларга тўлиқ ҳукумат томонидан ҳуқуқий асослар яратиб берилган. Давлаи ичидаги ва чет эл инвестициялари учун тўлиқ иқтисодий ва ҳуқуқий имкониятлар яратилиб йилдан-йилга унинг салмоғи ортиб бормоқда. Корхоналар ўз маблағидан кўра четдан жалб этилган инвестиция маблағларидан кенг фойдаланилмоқда. Бу эса давлатнинг жаҳон бозорига ўз товарлари билан кириб боришга имконият яратмоқда.

Инвестиция маблағлари билан таъминлаш ва инвестицияларни ишлатишни назорат қилиш бўйича ташқи иқтисодий вазирликни, республика инвестициялардан самарали фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари ва уни таҳлил қилиш йўллари ҳам ишлаб чиқилган.

### **Таянч иборалар**

Инвестиция, интеллектуал, маблағ, мулк, капитал, инновация, ижтимоий, молиявий инвестиция, соф капитал, реал инвестиция, миллий ҳисоб тизими, ресурслар, четдан жалб этилган маблағ, молия корпорацияси, инвестор, реинвестиция, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, мутлоқ самарадорлик, сармоя, техник иқтисодий асослаш, бизнес режа.

### **Назорат ва муҳокама учун савоолар.**

1. *Инвестиция тушунчаси ўз ичига нималарни олади?*
2. *Инвестициянинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти нимада?*
3. *Инвестиция неча турга бўлинади?*

4. Қишлоқ хўжалиги ким томонидан фойдаланилади?
5. Инвестициядан фойдаланишининг иқтисодий кўрсаткичларини изоҳланг.

#### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадмиз”. – Т.: “Ўқитувчи”, 2000.
2. Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириши йўлида”. –Т.: Ўзбекистон, 1995.
3. Абдуганиев А., Абдугание А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.: 2004.
4. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириши.
5. Ўзбекистон иқтисодиёти. Журнал №4 2006.

## **9-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ**

### **9.1. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг қишлоқ хўжалигида тутган ўрни**

Инфратузилма (Лотинча *infra* - қуйи, *struktura*-жойлашув, тузилиш) – турли–туман хизмат кўрсатувчи тармоқлар транспорт, алоқа, савдо, моддий-техника таъминоти, сув билан таъминлаш, фан, маъориф, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқаларни ўзи ичига олади.

Маълумки, ишлаб чиқариш хажми ўсиши билан қишлоқ хўжалигида моддий-техника ресурслари, электроэнергия, транспорт, алоқа воситаларига, маҳсулотни сақлаш жойларига бўлган талаб ошади. Қишлоқ хўжалигининг таъмирлаш – техник хизматига, моддий–техника таъминоти, зооветеринария, агрокимё сервис хизмати каби хизматлар даражаси ўсади. Бу жараёндан самарали фойдаланиш тармоқлари ва хизматлари иқтисодиётда инфратузилма деб юритилади.

Инфратузилма бу – иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун меъёрий шарт–шароитларни таъминловчи мажмуадир. Мажмуа ишлаб чиқариш учун технологик, иқтисодий ва ташкилий алоқаларни самарали ишлашини таъминлайди. Инфратузилма фермер хўжаликлари маблағлари, меҳнат ресурслари, хизмат қилувчи тузилмаларнинг ривожланишига ҳисса қўшади. Улар жумласига агрокимё, зооветеринария, ахборот консалтинг хизматларига катта эътибор берилади. Инфратузилма фермер хўжалик ишлаб

чиқаришини интенсивлаштириш ва самарадорлиги ўсишининг энг муҳим омили ҳисобланади.

Қишлоқ хўжаликларини саноатлаштириш, кимёлаштириш, милиорация ва ишлаб чиқаришнинг бошқа асосий омилларини тез сураётда ўсишигига маблағ ресурсларидан самарали фойдаланишда тизими ташкил этилиши ҳисобига эришилади. Бозор муносабатлари ривожланган шарт-шароитда инфратузилманинг аҳамияти каттадир. Қишлоқ хўжалиги учун материал, ресурслар, техника билан таъминловчи давлат тузилмаси йўқ. Шунинг учун моддий ишлаб чиқариш инфратузилманинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига хизмат қилиш фаолияти камайиб бормоқда. Инфратузилма ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Лекин, маҳсулот ишлаб чиқармайдиган тармоқларда самарадорлигини камайтиради. Инфратузилма қишлоқ хўжаликлари учун кадрлар тайёрлашга ҳам ёрдам беради.

Инфратузилмага кирадиган тармоқлар ишлаб чиқариш жараёнига бир хилда таъсир кўрсатмайдиган лекин ишлаб чиқаришида ўзига хос ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарилишини индустрлаштириш ва ихтисослаштиришнинг ривожланиб бориши натижасида қишлоқ хўжалик корхоналарида моддий ресурслар билан таъмирланиш, техникани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш, ўғит солиш, мелиорация ишларини бажариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича тармоқлар вужудга келди. Қишлоқ хўжалигини барча тармоқларини тўлиқ индустрлаштириш, комплекс механизациялаш, электрлаштириш ва кимёлаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мелиорациялаш ишлари амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларига кўп қиррали хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар ривожлантириб бозор иқтисодиётига мос қуйидаги муаммоларини ҳал этилмоқда.

1. Тупроқ унумдорлигини ошириш; 2. Селекция ишларини ташкил этишни тубдан яхшилаш; 3. Ҳар бир экин ўз табиатига мос равишда тегишли агротехнологияга амал қилишини талаб этади; 4. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муаммоларини кўриб чиқиш.

Агросоҳани замонавий юқори самарали қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш мақсадида (1998-2000 йилларда) аниқ дастур ишлаб чиқилиб, уни амалга оширилди. «КЕЙС» ғалла ўриш комбайнлари, «МАГНУМ» ҳайдов тракторлари олинди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналарида «КАМИНС» фирмаси двигательлари билан ишлайдиган тракторлар «КЕЙС» фирмасининг ҳайдов ва пахта териш машиналари, «МАРАЛ» озуқа йиғиш комбайнлари, шунингдек, плуг, ғалла экиш сеялкалари ва кўплаб қишлоқ хўжалик техникаларини биргаликда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу эса қишлоқ инфратузилмани яхшилаш имкони яратилди.

Қишлоқ хўжаликларига агротехника хизмат кўрсатишни яхшилаш, техникалардан самарали фойдаланиш мақсадида, МТП, Муқобил машинна трактор парклари тузилди. Бу паркларда барча ҳайдов тракторларининг 43%, дон ва шоли ўриш комбайнларининг 48%, бугунги кунда ер ҳайдаш бўйича 60% ғалла йиғиб олиш бўйича 55% ишларни бажармоқда. Ҳозирча парклар қудратли кучга айлангани йўқ. Шунинг учун машина-трактор парклари тизимининг фаолиятини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини вужудга келтиришда сервис хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини тузиш мақсадга мувофиқдир.

Қишлоқ хўжаликларида маҳсулот етиштириш самарадорлигини оширишда, инфратузилмаларни қайта бўлиб, фермер хўжалигида хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини янада такомиллаштириш зарур. Хизматлар бозоридаги инфратузилмалар қуйидагилардан иборат бўлиб: агоркимё хизмати; селекция хизматлари; уруғчилик; МТП хизматлари; ёқилғи мойлаш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш; транспорт хизматлари; ускуналар лизинги; улгуржи биржалар; биржалар бозори; молия-кредит тизими ва бошқалар.

Қишлоқ хўжаликларини ривожлантириш давлат дастурида инфратузилма тармоқларини янада такомиллаштириш, улар ўртасидаги иқтисодий муносабаларни чуқурлаштириш ва келгусида сервис хизматларини яхшилаш орқали маҳсулот ҳажмини оширишга қаратилгандир.

## **9.2. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларнинг ривожланиши.**

Қишлоқ хўжалигида ислохотлар бозор тамойилларига биноан босқичма-босқич ўтказилиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида хусусий секторнинг ривожланишига қулай имконият ва имтиёзлар яратилди.

Қишлоқда кичик, ўрта ва йирик мулкчилик шаклларининг фаолияти учун қулай ҳамда уларга яқин бўлган ҳудудларда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилма объектларининг шакллантирилиши, биринчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг бевосита ишлаб чиқариш билан машғул бўлишларига имконият яратса, иккинчидан, улар томонидан етиштирилаётган маҳсулот таннархининг арзонлашувига олиб келади.

Инфратузилма тушунчаси сўнгги 5-10 йил мобайнида жамиятда ва умуман қишлоқ хўжалигида кўпроқ фойдаланиладиган бўлиб қолди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”га 476-сонли, 2004 йил 24 декабрдаги “2005-2007 йилларда фермер

хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 607-сонли қарорларида истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи, уларни моддий-техника ресурслари билан таъминловчи инфратузилма объектларини ташкил этиш белгилаб берилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилмалар ташкил этилди.

1. Муқобил машина-трактор парки (Муқобил МТП) – қишлоқ хўжалик корхоналарида шартнома асосида механизация ишларини амалга ошириш;

2. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳудудида ўзаро сув хўжалиги муносабатларини тартибга солишни таъминлаш;

3. Ёнилғи-мойлаш материалларини сотиш шаҳобчаси (шаҳобча) вилоят ва туман ҳокимларининг қарори ҳамда, жойлардаги нефть база унитар корхоналарининг буйруғи асосида фермер хўжаликларига айлантирилаётган ширкатларнинг ёнилғи-мойлаш материаллари сақланадиган омбори негизида фермерларга хизмат кўрсатиш;

4. Минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари сотиш шаҳобчаси, ҳокимлар қарори ҳамда вилоят ва туман “Қишлоқхўжаликкимё” ҳудудий бирлашмаларининг буйруғи асосида фермер хўжаликларига айлантирилаётган ширкатларнинг минерал ўғит сақланадиган омбори негизида фермерларга хизмат кўрсатиш;

5. Мини-банк фермерларга, деҳқонларга, тадбиркорларга яқин ҳудудларда хизмат кўрсатиш ҳамда молиявий операцияларни амалга оширишда қулайликлар яратиш;

6. “Наслли молларни сотиш ва зооветеринария хизмати кўрсатиш” шаҳобчаси, Республика давлат ветеринария Бош бошқармасининг лицензиялаш тўғрисидаги ҳужжатиغا асосан чорвадорларга хизмат кўрсатиш;

7. Ахборот таъминоти ва консалтинг шаҳобчалари жойларда товар ишлаб чиқарувчилар палатаси, Давлат Мулк қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари ҳамкорлигида ушбу соҳада осонлик яратиш;

8. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлов тармоқлари шаҳобчалари маҳаллий ҳокимликлар томонидан етиштирилган маҳсулотни сотиш мақсадларида ташкил этиш ва уларни келгусида ривожлантириш дастурлари тузилган.

Истиқболсиз ширкат хўжаликлари ўрнида ташкил этилаётган фермер хўжаликларини ривожлантириш учун ишлаб чиқариш инфратузилмасини ташкил этиш ҳукумат томонидан белгилаб берилган.

### 9.3. Қишлоқ хўжаликларига инфратузилмани ривожланиши

Республикада фаолият кўрсатаётган фермерлар сони ва унинг экин майдонлари ҳажми тез суръатларда ўсиб бормоқда. Бундай вазиятда давлат мулки бўлган ердан оқилона ва самарали фойдаланишнинг янада ихчам, самарали ва фермер хўжаликлари учун қулай бўлган усуллари топиш ва амалиётга жорий этишни талаб этмоқда. Бунинг учун биринчи навбатда фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш лозим бўлади.

Фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясининг асосий моҳияти ҳар бир фермер фаолиятидаги инфратузилмани ривожлантириш устувор вазифа бўлиб, уни ривожлантириш тўғрисида катта ижобий ишлар олиб борилмоқда. Фермерларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолиятида ҳам катта ўзгаришлар юз бермоқда.

**9.3.1-жадвал.** Фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма кўрсаткичлари таҳлили.

	2002 йилда	2003 йилда	2004 йилда	2005 йилда	2006 йилда		Жами
					Дастур бўйича	Амалда 27.12.2005	
Мини банклар	141	105	196	260	190	<b>105</b>	922
Муқобил МТПлар	129	168	282	402	420	<b>0</b>	1401
Минерал ўғитлар сотиш шаҳобчалари	128	135	208	168	198	<b>71</b>	837
Нефт маҳсулотлари сотиш шаҳобчалари	140	138	236	321	280	<b>62</b>	1115
Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари	141	152	223	379	294	<b>0</b>	1189
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш шаҳобчалари	-	-	88	136	85	<b>55</b>	309
Чорва моллари сотиш ва зооветеринария хизмати кўрсатиш шоҳобчалари	-	-	91	116	130	<b>104</b>	337
Ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиш шоҳобчалари	-	-	60	102	85	<b>55</b>	247

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2002-2005 йилларда мини банклар сони 922 тага, муқобил МТПлар 1401 донага, Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси 1189 донага ошди. Ушбу инфратузилма фермер хўжаликлар фаолиятини яхшилашга замин яратади. Маҳсулот ҳажми ортади. Сарф харажатлар кескин камайиб маҳсулот ҳажми ортади. Биз фермер хўжалиklarини ривожлантиришда инфратузилма яъни хизмат кўрсатувчи корхоналарни кўллаб-қувватлаш, замонавий иш усулларидан фойдаланиш сифатли ва арзон маҳсулот етиштиришдан иборат бўлади.

2000-2005 йилларда республикада фаолият кўрсатаётган деҳқон ва фермер хўжалиklarига турли сервис хизматлари кўрсатувчи 702 та мини банклар, 835 та ёқилғи, 639 та минерал ўғитлар ва кимёвий воситалар сотиш шаҳобчалари, 891 та муқобил МТПлар 895 та сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, 136 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, 207 та чорва молларини сотиш ва зооветеринария хизмати кўрсатиш ва 162 та ахборот таъминоти ва консалтинг хизмати кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилди. Лекин, фермер хўжалиklarига кўрсатилаётган хизматлар тўлиқ талабга жавоб бермайди, чунки 2004 йилда фермер хўжалиklarини ривожлантириш концепция дастурида белгиланганига нисбатан 8 та нефть маҳсулотлари сотиш, 10 та минерал ўғит сотиш, 10 та муқобил МТП, 33 та СФУ, 11 та қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш, 1 та консалтинг ва ахборот хизмати кўрсатувчи шаҳобчалар ташкил этилмасдан қолди. Фермер хўжалиklари билан хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартнома шартларининг тўлиқ бажарилмасдан қолмоқда. Масалан, 2004 йил якунида фермер хўжалиklари ёқилғиси 10,3 минг тонна, минерал ўғитлар 14,1 минг тонна пахта шроти ва 16,8 минг тонна шелуха сотиб олинган бўлса, фермерлар биржалар орқали сотиб олган ёқилғи ва мойлаш материаллари, минерал ўғитлар таъминот бозорлари томонидан ўз вақтида бажарилмай қолди. Оқибатида биржа хизмати учун тўланган маблағларига, агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарилмасликка олиб келиб фермер фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун фермерлар хўжалиklари 2004 йилда 9000 дан ортиқ фермер хўжалиklари давлатга дон сотиш бўйича шартномавий режани бажара олмадилар. Улар томонидан 90,7 минг тонна дон топширилмасдан қолган. Шартномани бажармаган фермерлардан хўжалик судлари орқали 3 млрд. 274 млн.сўмлик зарар ундирилди. Фермерлар томонидан ихтиёрий равишда 20 минг тонна дон ва 632 млн.сўм маблағлар топширилди. Умуман дон топширмаган 289 та фермернинг ер ижара шартномаси бекор қилинди. Жорий йил ҳосили учун 62 мингга яқин фермерлар 1805 минг тонна пахта хом-ашёсини сотиш учун шартнома тузган бўлса, шартнома режасини ортиғи билан бажардилар. Улар томонидан сотилган маҳсулот хом-ашё микдори 1773 минг тоннани ташкил этган. Аммо 13,5 минг та шартнома режасини бажара олмаган. 333 та фермерларнинг 11 минг гектар ер ижара шартномаси ўз аризаларига асосан бекор қилинди. Сувдан



фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ) моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, учун фермер ва деҳқон хўжаликларига кўрсатилган хизматлар учун маблағ шаклланиши кўзда тутилган. 2004 йилда СФУлар томонидан 17788 та 4848 млн.сўмлик шартномалар хизмат кўрсатиш учун тузилган бўлиб, уларнинг 15208 тасига 1576 млн.сўмлик ёки 48 фоиз хизмат кўрсатилган. Шартномани бажарилмаслигига асосий сабаб, СФУларнинг моддий техника базаси шаклланмаганлиги ва малакали мутахассислар жалб этилмаганлигидир. Фермер хўжаликлари фаолиятидаги инфратузилмаларни ривожлантириш фермер хўжалиklarини ривожланиш концепциясига биноан олиб борилишини ташкил этишдан иборат.

#### **9.4. Инфратузилма хизматидан фойдаланиш самарадорлиги**

Республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар барча мулкчилик шаклларида изчил амалга оширилиб, қишлоқда ҳақиқий мулкдорларнинг иқтисодий салоҳияти яхшиланмоқда. Бунда аввало, ислохотларнинг тўғри олиб борилганлиги, қишлоқда мулкчиликка асосланган субъектларнинг шаклланиши, маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қишлоқ хўжалик инфратузилмаси объектларини босқичма-босқич ташкил этилиши сабабдир.

Қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмаси – савдо-сотик корхоналари, биржалар, аукционерлар, ташқи савдо фирмалари, банклар, инвестицион компаниялар, аудиторлик компаниялари, ахборот-маслаҳат марказлари, суғурта компаниялари орқали фаолият юритади. Ишлаб чиқариш инфратузилмаси эса маҳсулот ишлаб чиқариш учун моддий таъминот ва сервис хизмат кўрсатишдан иборат. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришда барча ҳудудларда шу тармоқни ривожлантириш учун унинг объектларини ташкил этиш ва унга моддий-техника таъминоти, молиявий маблағ муаммоларини ҳудудларда тезкор ҳал этилди. Бу маблағларнинг сарфланиши объектлар очилишига боғлиқ. Объектлар эса товар ишлаб чиқарувчи субъектлар сонига қараб ривожланмоқда.

Шунинг ҳисобига фермер ва деҳқон хўжаликлари сони ва маҳсулот етиштириш ҳажми ортиб бормоқда. Хўжалик раҳбарлари асосий эътиборни маҳсулот етиштириш ҳажмини оширишга ва уни қиммат баҳода сотишга унга сарфланаётган харажатларни камайтиришга эътиборни қаратган. Сарф-харажатларнинг асосий салмоғини ишлаб чиқариш инфратузилмаси зиммасига тўғри келади. Шунинг учун хўжаликларга хизмат кўрсатаётган инфратузилма объектлари фаолиятдан самарали фойдаланиш зарур. Бу эса ўз навбатида мулкдорнинг маҳсулот етиштириш самарадорлигини ошириш имкониятини оширади.

Ангор туман хўжаликларида пахта етиштириш таннархи турлича бўлиб, унга сервис хизмат кўрсатиш тармоқлари кўрсатган сервис хизмати ҳажмига қараб турличадир, масалан, “Қорасув” ширкат хўжалигида 1ц пахтанинг таннархи 22,4 бўлган бўлса, сотиш баҳоси 24,8 сўм ёки соф фойда 2,40 сўмни рентабеллиги 10,7 фоизни ташкил этди. 2004 йилда пахта етиштириш бўйича 10,7 фоиз рентабелликка эришган бўлса, буғдой етиштиришда 24,6 фоизни ташкил этди. Демак, қишлоқ хўжалик корхоналарида маҳсулот етиштиришда ишлаб чиқариш инфратузилма объектларини тўғри ташкил этиш ва унинг фаолиятини яхшилашдан иборат.

### **Қисқача хулоса**

Республика қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаси корхоналарига хўжаликларга моддий таъминот, сервис хизмат кўрсатиш ва бошқа кўплаб тармоқларни ўз ичига олади. Инфратузилма қишлоқ хўжалиги учун иқтисодий ва ижтимоий ишлаб чиқариш учун меъёрий шарт-шароитни таъминловчи мажмуа бўлиб, ишлаб чиқаришни интенсифлаштиради.

Хукумат томонидан фермер хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида концепция ишлаб чиқилиб, жойларда уларни ташкил этиш жадал олиб борилмоқда. Инфратузилма объектлари билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги иқтисодий муносабатлар такомиллашиб, маҳсулот етиштиришда самарали фаолият кўрсатмоқда. Айрим ҳудудларда фермерларга етарли даражада инфратузилма тузилмаси фаолият кўрсатмай келмоқда. Чунки замонавий техника, технология, бино, иншоотлар ҳамда малакали кадрлар етишмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ишлаб чиқариш инфратузилма соҳасини ривожлантиришга асосий эътиборни бериб, ундаги ишлаб чиқариш ва иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш зарур.

### **Таянч иборалар**

Инфратузилма, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, сервис хизмат, моддий ишлаб чиқариш, бозор инфратузилмаси, рақобат муҳити, селекция, агрокимё хизмати, биржалар, инфратузилма объекти, молиявий маблағ.

9.4.2-жадвал. Ангор туман хўжаликларида пахта таннархида техник сервис хизмат кўрсатувчилар улуши

Кўрсаткичлар		“Қорасув” ширкат хўжаликлари		Таллимарон ширкат хўжаликлари		Фарқи		Т.Ҳимматов фермер хўжалиги		И.Валив фермер хўжалиги		Фарқи	
		Минг сўм	%	Минг сўм	%	(+;-)	%	Минг сўм	%	Минг сўм	%	(+;-)	%
Пахта хом ашёси	1ц маҳсулот таннархи	22,4	100	25,6	100	+3,2	114,3	21,3	100	20,1	100	-1,2	94,4
	Ш.ж.-техника-вий хизматлар	1,6	7,2	3,4	13,4	+1,8	212,5	2,4	11,5	1,1	5,4	-1,3	45,8
	-агрокимёвий хизматлар	0,3	1,2	0,2	0,9	-0,1	66,6	0,4	2,1	0,5	2,4	+0,1	125
	-ЁММ учун харажат	3,0	13,5	4,04	15,8	+1,04	134,6	2,3	10,8	3,2	15,9	+0,9	139,1
	-ахборот-маслаҳат хизматлари	0,1	0,5	0,08	0,3	-0,02	80,0	0,09	0,4	0,12	0,6	+0,03	133,3
	-СФУ хизматлари	0,04	0,2	0,05	0,2	+0,01	125	0,04	0,2	0,04	0,2	-	-
	-транспорт хизматлари	1,26	5,6	1,5	5,9	+0,24	119	1,34	6,3	0,9	4,7	-0,44	67,1
	-бошқа	16,1	71,8	16,33	63,5	+0,23	101,4	14,63	68,7	14,24	70,8	-0,39	97,3

	харажатлар												
	1ц маҳсулотни сотиш баҳоси	24,8	X	23,8	X	-1,0	95,9	23,6	X	24,9	X	+1,9	105,5
	Фойда (зарар)х	2,4	X	-1,8	X	-4,2	X	2,3	X	4,8	X	+2,5	208,7
	Рентабеллик	10,7	X	-7	X	-17,7	X	10,8	X	23,9	X	+13,1	221,3
Бугдой	1ц маҳсулот таннари	11,4	100	7,1	100	-4,3	62,3	6,9	100	7,2	100	+0,3	104,3
	Ш.ж.- техникавий хизматлар	3,4	29,6	1,5	21,5	-1,9	44,1	1,6	23,5	1,6	22,6	+-	100
	-минерал ўғитлар ва агрохимёвий хизматлар	1,2	10,5	1,2	16,8	-	100	1,02	14,8	0,8	11,4	-0,22	78,4
	-ЁММ учун харажат	0,9	7,9	0,95	13,4	0,05	105,5	0,6	8,4	0,6	7,6	+-	100
	-ахборот-маслаҳат хизматлари	-	-	0,04	0,5	+0,04	X	0,03	0,4	0,04	0,6	+0,01	133,3
	-СФУ хизматлари	0,05	0,4	0,04	0,5	-0,01	80,0	0,03	0,5	0,03	0,4	+-	100
	-транспорт хизматлари	1,85	16,5	1,27	17,2	-0,58	68,8	1,0	14,5	0,73	10,2	-0,27	73,0
	-бошка харажатлар	4,0	35,1	2,1	30,1	-1,9	52,5	2,62	37,9	3,4	47,2	+0,78	129,8
	1ц маҳсулотни сотиш баҳоси	8,6	X	7,5	X	-1,1	87,2	8,1	X	7,5	X	-0,6	92,6
	Фойда (зарар)	-2,8	X	0,4	X	3,2	X	1,2	X	0,3	X	-0,9	25,0
Рентабеллик	-24,6	X	5,6	X	30,2	X	17,4	x	4,2	X	-13,2	241,4	

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигида инфратузилма деганда нимани тушунасиз?
2. Сервис хизматларини ташиқил этиши зарурияти нимада?
3. Инфратузилмани ривожлантириши тадбирларини изоҳланг.
4. Қишлоқ хўжалигида қандай сервис хизматлари мавжуд?
5. Сервис хизматидан фойдаланиши самарадорлиги қандай аниқланади?

### **Асосий адабиётлар.**

1. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўқин ҳаёт манбаи”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабридаги 607-сонли “2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириши чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
3. Абдуганиев А., Абдуганиев А.А, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”. –Т.: “ТДИУ”, 2004.
4. Хусанов Р.Ҳ., Ҳамдамов А.Н., Рафиқов И.Э. “Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириши масалалари. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2001, -124 б.
5. Тошбоев А.Ж. “Повышение эффективности агрохимического обслуживания в хлопкосеющих хозяйствах”. –Т.: “Меҳнат”, 1991, 154 б.
6. Умурзоқов Ў.П., Тошбоев А.Ж. ва бошқалар. “Фермер хўжалигини ташиқил этишининг ҳуқуқий-иқтисодий, ишлаб чиқариши асослари”. –Т.: ТИҚХМИИ, 2004, -141 б.
7. Фермер: сельское хозяйство, сельскохозяйственное оборудования, техника продаж... [www.selhoz.net.ru](http://www.selhoz.net.ru)
8. Приамурский Институт Агрэкономии и Бизнеса [www.admin.ru](http://www.admin.ru)
9. Московская сельскохозяйственная академия. [www.ecfak.timacad.ru](http://www.ecfak.timacad.ru)

## **10-БОБ. МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКИ (ҲОВЛИ) СЕРВИС ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЁТИ**

### **10.1. Қишлоқ ўжалигида машина-трактор паркининг вазифаси.**

Қишлоқ хўжалик субъектларида машина-трактор парки барча механизация ёрдамида бажарадиган ишларни бажаришдан иборат.

Хўжаликда трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарига бўлган талаб ернинг – иқлим шароитига, хўжаликнинг йўналишига, деҳқончилик ва чорвачиликдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига ва иш жараёнларининг механизациялаш ҳолатига, технологик жараёнига асосланиб аниқланади.

Машина–трактор паркдан (МТП) фойдаланишда ширкат хўжаликлари уюшмасининг бизнес режаси, фермерларнинг технологик карталари, экин майдонлари ва уларнинг таркиби, ҳайдаладиган ерлар, моллар ва паррандаларнинг сони, мелиорация ва ирригация ишларининг ҳажми, ўғитлаш, юкларни ташишда фойдаланилади.

МТП хўжалик ҳисоби усулида фаолият кўрсатади. МТПнинг ташкилий тузилмасига трактор, автомобил, комбайн ва қишлоқ хўжалик машиналари парклари, таъмирлаш устахонаси, диагностика маркази, техникаларни сақлаш омборлари, таъминот, ёқилғи қуйиш бўлими, диспечерлик хизмати ва ҳоказолардан иборатдир. МТПда бошқариш бош муҳандис томонидан олиб борилади. Иш ҳажми билан таъминлашни бош ҳосилот олиб боради.

Моддий—техника ресурслари асосий ва айланма капитал (фонд) кўринишида амалга оширилади. Аграр соҳада моддий техника ресурслари асосан МТП ёрдамида фойдаланилади хўжаликлар билан МТП ўртасида тузилган шартномалар асосида фаолият юритади.

Республика аграр соҳасида техникалардан самарали фойдаланиш мақсадида чет эл тадбиркорлари билан ҳамкорликда техника воситалари ишлаб чиқариш, сервис хизматлари кўрсатиш, таъмирлаш, лизинг асосида катта ишлар қилинди. Масалан, «Ўзагромашсервис» уюшмасини таркибида 184 та МТП мавжуд бўлиб, унда 5500 та физик маркадаги тракторлар («Магнум—7240», «Магнум—8940», «Кейс—2166», «Кейс—2366», «Марол—125») фаолият кўрсатмоқда. Улар 2002 йили 5,5 млрд.сўмлик иш бажардилар. Бу бирлашмада 78 та ихтисослаштирилган устахона, 97 та умумий таъмирлаш, 180 та техник мой алмаштириш пунктлари бўлиб, устахоналарда ҳар йили 13330 дона трактор, 3380 дона ҳайдов трактори, 9950 дона ғилдиракли тракторлар, 3458 дона ғалла ўрим комбайнлари ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик техникалари таъмирлаб чиқарилади. Устахоналарда 7,1 млрд.сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

Қишлоқ хўжалигида техникадан унумли фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24-мартдаги «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш—техника хизматини кўрсатиш соҳасида шартномавий

муносабатларини ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги 152-сонли қарорига асосан «Ўзқишхўжтаъминоттаъмир» давлат кооператив қўмитаси ҳозирги «Ўзағромашсервис» давлат акциядорлик жамияти (ДАЖ) тизимида Машина-трактор парклари ташкил этилди.

Тугатилаётган ширкат хўжаликлари МТПси ўрнида муқобил МТП ташкил этилди.

## **10.2. Техника – таъмирлаш хизматини ташкил этиш**

Техникани эскирган, ишдан чиққан қисмларини алмаштириш, янгилаш ва таъмирлаш техникадан фойдаланувчилар учун қўшимча меҳнат ва моддий ресурслар, эҳтиёт қисмлар, таъмирлаш материаллари, бинолар, асбоб–ускуналар ва бошқа турдаги харажатларни талаб этади. Қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган техника ва қишлоқ хўжалик машиналарини тиклаш мақсадида техника-таъмирлаш хизмат кўрсатиш корхоналари ташкил этилди.

Техника-таъмирлаш хизмати базаси объектига: хўжаликларнинг марказий таъмирлаш устахонаси; автомобил саройи; машиналар ҳовлиси; нефть омборлари; бензин куйиш жойлари; ҳаракатдаги техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш автомашинаси устахоналари; МТП қошидаги техник хизмат кўрсатиш пунктлари; чорва фермаларига техник хизмат кўрсатиш пунктлари; умум хизматлар кўрсатиш техник станциялари; тракторларга ва чорвачилик техникасига техник хизмат кўрсатиш станциялари; комбайн ва бошқа мураккаб машиналарни таъмирлаш цехи, таъмирлаш заводлари; мураккаб турдаги техникаларни капитал таъмирлашга ихтисослашган устахоналар ва цехлар; ёйилган деталларни қайта аниқлаш устахоналаридан ташкил топади. Бу техника-таъмирлаш хизмати базаси ўз хизмат қилиш доирасига кўра уч босқичга; корхона, туман ва вилоят, машина-трактор бирлашмаларига бўйсунади.

Масалан, хўжаликнинг марказлашган таъмирлаш устахонаси хўжаликка; (Ширкат хўжалиги), автомобилларнинг техник хизмат кўрсатиш станциялари-туманга, таъмирлаш заводлари эса вилоят, ёки йирик бирлашмаларга бўйсунади.

**Техника-таъмирлаш хизматлари кўрсатиш базасининг асосий вазифалари** – барча марқадаги қишлоқ хўжалик машиналарини йил мобайнида ҳар қандай шароитда ҳам қишлоқ хўжалик ишларини бажара олиш қобилияти жиҳатидан шай туриш, техника ҳолатида юз берган ҳар қандай камчиликлар, насозликларни олдини олиш ва тузатиш, уларга ўз муддатида техник сервис хизматларини кўрсатишдир.

Қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарувчи корхоналар, сервис хизматини жаҳон андозасига мос ҳолда бажара оладиган, таъмирлаш ишларини талаб даражасида амалга ошира оладиган устахоналар барпо этиш, замонавий асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, деталлар ва бошқа хом-ашё ресурслари ва мутахассис иш кучи билан таъмирлаш зарурлигини ҳисобга олиб, Республикада «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир» давлат кооператив қўмитаси тизими ташкил этилди.

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминот таъмир» давлат кооператив қўмитаси тизимининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалигини моддий базасини яратиш, уни ҳозирги замон бозор талабига мослаш, иш фаолиятини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигидаги техник воситалардан унумли фойдаланишда ҳали ўз ечимини топаолмаган масалалар ва муаммоларни ҳал қилишдир.

Республикада барча турдаги техника сервис воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқи туман ҳиссадорлик МТПлари, Қорақалпоғистон Республикаси «Агрохорижтехника» жамияти қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли Хоразм вилояти техник марказига берилган бўлиб улар ширкат, фермер хўжаликлари ҳамда барча туманлардаги муқобил МТПларга хизмат кўрсатадилар. Улар бу техникалардан фақат фойдаланибгина қолмасдан уларга сервис хизматлари кўрсатиш ҳамда барча турдаги таъмирлаш ишларини ҳам олиб борадилар.

Ҳозирги вақтда янгидан ташкил этилаётган фермер хўжаликларига 6967 та трактор, 152 та дон ўриш ва янчиш комбайнлари, 316 та пичан ўрувчи косилкаларга, 3117 та ҳар хил қишлоқ хўжалик машиналарига, 328 та юк ҳамда 4300 та енгил автомашиналар сотиб олинди. Фермер хўжаликлари техникага эга бўлишда лизинг усули кўл келмоқда.

Ишлаб чиқарилган техникани завод томонидан уни фойдаланувчиларга (сотиб олувчиларга) сотишни «Ўзселхозмашхолдинг» компанияси, «Ўзкейсмаш», «Ўзкейстрактор», «ТашхимДегапия» қўшма корхоналари «Кейс Нью-Холланд» техника сотиб олувчи компания «Ўзсельхозлизинг» компаниялари бажаради.

### **10.3. Техник хизмат кўрсатиш турлари**

Трактор агрегатини ишлатиш давомида унинг техник ҳолати деталларнинг ейилиши, эзилиши, механизмлар, ростланишининг бузилиши, занглаш ва ҳоказолар натижасида ёмонлаша боради. Бундай ўзгаришлар натижасида тракторнинг асосий



кўрсаткичлари бўлмиш тортиш қуввати, ёнилғи тежамкорлиги, мустаҳкамлик пасая боради.

Машина-трактор паркини турли техник хизмат кўрсатиш ишларини, техник кўриқлар ва диагностикани, ишлатиш шароитида таъмирлаш ва сақлаш ишларини бажаради.

Тракторга кундалик техник хизмат кўрсатиш (КТХК) трактор 10 соат ишлагандан сўнг, яъни ҳар куни бажарилади. Бунда қуйидаги ишларни амалга ошириш керак:

1. тракторни чанг ва лойдан тозалаш. Ташқи қотириш деталларининг маҳкамлигини текшириш;
2. двигателни эшитиб кўриш, двигателда, трансмиссия агрегатларида ва юриш қисмида бегона шовқинлар ва тақиллашлар йўқлигига ишонч ҳосил қилиш;
3. назорат асбобларининг ишлаши, ёритишини ва сигнал системаларини текшириш;
4. гидросистеманинг ишлашини текшириш;
5. ёнилғи, мой ва совитиш суюқлигини оқмаётганлигига ишонч ҳосил қилиш;
6. шиналарнинг (гусеницаларнинг) ҳолатини текшириш;
7. ёнилғи сатҳини текшириш, агар зарур бўлса, қўшимча ёнилғи қуйиш;
8. мой сатҳини текшириш, агар зарур бўлса, қўшимча мой қуйиш;
9. совитиш суюқлигининг сатҳини текшириш, агар зарур бўлса, қўшимча суюқлик қуйиш;
10. уч сменада бир марта ҳаво тозалагичнинг чанг тутиб қолувчи қисмини тозалаш ва унинг таглигидаги мойни алмаштириш.

Кундалик техник хизмат кўрсатиш ишлари оддий бўлганлиги учун уларни иш бажариш пайтида ўтказиш мумкин. Бу трактор бажарадиган иш ҳажмига таъсир қилмайди. Мазкур ишлар тракторда носозликлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида ўтказилади. Кундалик техник хизмат кўрсатиш ишларининг бир қисмини иш бошлашдан олдин, иккинчи қисмини эса иш тамом бўлгандан сўнг ўтказиш керак.

### **10.3.1. Трактор техник ҳолатини диагностика қилиш.**

Машиналарни техник ишлатишдан асосий мақсад машина-трактор паркининг техник жиҳатдан соз ҳолда иш бажаришга, лаёқатлилигини таъминлашдан иборатдир. Техник диагностикани амалга оширишдан мақсад кам меҳнат ва маблағ сарфланишда

назарий фойдаланиш керак. Техник диагностиканинг асосий вазифаси машина ва унинг элементлари (агрегатлар, системалар ва б.)нинг техник ҳолатини диагностика кўрсаткичлар бўйича аниқлашдан иборат.

Диагностиканинг биринчи тури билан машинанинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича иш бажаришга лаёқатлилиги (двигателнинг қуввати, тирсакли валнинг айланиш частотаси, ёнилғининг солиштирма сарфи ва б.) аниқланади. Диагностиканинг иккинчи тури орқали бирикмалардаги тирқишлар, ростланишларнинг бузилиши аниқланади. Диагностиканинг учинчи тури билан машина, унинг узеллари, агрегатлари ва механизмларининг қолдиқ ресурсини олдиндан айтиб бериш ва уларнинг ейилиш даражаси бўйича ишлатишни давом эттириш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги аниқланади.

Бажариладиган ишларнинг ҳажмига кўра диагностика тўлиқ ва қисман амалга оширилиши мумкин. Қисман диагностика қилиш, одатда, биринчи ва иккинчи техник хизмат кўрсатиш ишлари олдиндан, тўлиқ диагностика эса учинчи техник хизмат кўрсатиш ишлари олдиндан бажарилади. Диагностика қилиш сабабларига кўра улар регламентлаштирилган (режалаштирилган техник хизмат кўрсатишларда бажариладиган) ва тўсатдан содир бўладиган (иш кўрсаткичларининг пасайиши ёки бузилиши натижасида бажариладиган) хилларга бўлинади.

Кейинги пайтларда машиналарни техник диагностика қилиш имкониятлари анча ошди, бу йўналишда диагностика асбоблар тўплами ва датчикли универсал асбоблар ўрнига машиналар диагностикасининг автоматлаштирилган тизими яратилди.

Қишлоқ хўжалигида техник диагностика хизмати уч турга бўлинади: 1) трактор ва комбайнларни диагностика қилиш; 2) юргизиш жиҳозларини ва чорвачилик фермалари жиҳозларини диагностика қилиш; 3) автомобилларни диагностика қилиш.

Машиналарга техник хизмат кўрсатишнинг ТХК-1, ТХК-2 ва ТХК-3 турлари бор. Техник хизмат кўрсатишнинг бу турлари маълум миқдордаги иш бажарилгандан сўнг ўтказилади. Тракторлар учун куйидагичадир: ТХК-1 60 мото-соатдан сўнг; ТХК-2 240 мото-соатдан сўнг; ТХК-3 960 мото-соатдан сўнг.

ГОСТ 20793-81 га мувофиқ, 01.01.82 йилдан сўнг ишлаб чиқарилган тракторлар учун бу даврийлик ТХК-1 учун 125 мото-соатни, ТХК-2 учун 500 мото-соатни, ТХК-3 учун 1000 мото-соатни ташкил қилади.

Бундай даврийликдан ТХК-1 ва ТХК-2 учун 10% ва ТХК-3 учун 5% четга чиқиш рухсат этилади.

Техник хизмат кўрсатишдаги меҳнат сарфи тракторнинг хилига ва унинг тузилишига боғлиқ, масалан МТЗ-80Х тракторига ТХК-1 ўтказиш учун 30, ТХК-2 учун 128,4 ва ТХК-3 учун эса 387,4 одам-минут меҳнат сарф бўлади.

Машиналарга мавсумий техник хизмат кўрсатиш йилига 2 марта ўтказилади. Мавсумий техник хизмат кўрсатиш кузги-қишки ва баҳорги-ёзги ишлатиш шароитига ўтишдаги техник хизмат кўрсатиш ишларидан иборат. Бир мавсумий иш шароитидан иккинчисига ўтишдаги чегара ҳаво ҳароратининг муаяйн қиймати (кузда  $-5^0$ , баҳорда  $+5^0$ ) ҳисобланади.

Мавсумий техник хизмат кўрсатиш ишларидан кўзланган мақсадни тушуниш учун тракторларни қиш ва ёз фаслларида ишлатиш хусусиятларини билиш лозим.

#### **10.4. Техник хизмат кўрсатишнинг ташкилий асослари**

Машиналарнинг моддий техник базаси уларга техник хизмат кўрсатиш учун керак бўладиган техник воситаларнинг барчасини ўз ичига олади. Уларнинг таркибига марказий таъмирлаш комплекси, кўзғалмас техник хизмат кўрсатиш пости, ҳаракатланувчан техник хизмат кўрсатиш устахонаси, ёнилғи ва мой билан таъминлаш пости, ҳаракатланувчан автомобиль асосида тузилган ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминловчи агрегатлар, трактор ва қишлоқ хўжалик машиналарини жорий таъмирлаш устахонаси, автомобиль асосида тузилган ҳаракатланувчан таъмирлаш устахонаси ва тракторлани кўйиш (сақлаш) учун мўлжалланган жойлар киради.

**Марказий таъмирлаш комплексида** техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлашга тааллуқли асосий ишлар бажарилади. У одатда, марказий таъмирлаш устахонаси, хўжаликнинг нефть маҳсулотлари омборхонаси, марказий машина ҳовлиси ва автомобиллар гаражидан иборат бўлади. Марказий комплексида техник хизмат кўрсатиш воситалари ҳам жойлашган бўлимларга бориб келиши мумкин.

**Ҳаракатланувчи механизациялашган воситалар.** Техник хизмат кўрсатиш агрегатлари автомобиль шассисига, икки ўқли трактор прицепи шассисига ёки ўрнатилган бўлади.

Техник хизмат кўрсатиш агрегатлари ёрдамида дала шароитида трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарига ТХК-1 ва ТХК-2 ишларини механизациялашган ҳолда ўтказиш мумкин. Автомобиль шассисига ўрнатилган агрегатлар 25-30, трактор

прицепига ўрнатилган агрегатлар эса 10-15 тракторга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган.

**Техник хизмат кўрсатиш бўғинлари.** Тракторларга техник хизмат кўрсатиш ишларининг барча турларини тракторчилар томонидан ўтказилади. Машинага сменалик техник хизмат кўрсатишни бажариш тракторчининг вазифаси ҳисобланади. Тракторларга режали ва мавсумий техник хизмат кўрсатиш ҳамда машиналарни ишлатиш жараёнида содир бўладиган носозликларни таъмирлаш ишлари техник хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослашган звенолар томонидан бажарилади, бунда шу машинада ишловчи тракторчи ҳам иштирок этади.

### **10.5. Техникаларни сақлаш турлари ва уларни ташкил қилиш**

Қишлоқ хўжалигида йил давомида тракторлардан бошқа машиналарга қараганда кўпроқ фойдаланилади. Аммо уларнинг ҳам вақтинчалик ишсиз даври бўлади, бу даврда улар келгуси мавсумда узлуксиз ишлаши учун сақланиши керак.

Машиналар нотўғри сақланганда уларнинг табиий ейилиши (коррозияга учраши, чириши, эскириши ва бошқа хилдаги бузилишлар) жадалланиши мумкин. Металдан тайёрланган деталлар коррозия таъсирида емирилади. Машина деталлари юқори намликда сақланса, ерга ва химикатларга бевосита тегиб турса ҳамда уларнинг юзасида коррозияга қарши қатлам ёки мой қатлами бўлмаса, коррозияланиш жараёни жадаллашади.

Металмас деталлар қуёш нури, ҳаводаги намлик, ҳароратнинг ўзгариб туриши ҳамда ёнилғи-мойлаш материаллари таъсирида эскиради.

Лак, бўёқ ва полимер қатламлари метал ва мазкур қатламларга тааллуқли кенгайиш коэффициентларининг фарқи ҳисобига емирилади.

Сақлашни тўғри ташкил қилиш машинанинг бутлигини таъминлайди, емирилиш ва шикастланишларнинг олдини олади, техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш харажатларини камайтиради.

Машиналарни сақлаш тартиблари ва техник шартлари ГОСТ билан белгиланган. Сақлаш қуйидлаги элементлардан иборат: сақлаш жойини тайёрлаш; машинани сақлашга тайёрлаш ва сақлашга қўйиш; машинани техник хизмат ва назоратдан ўтказиш; сақлашда техника хавфсизлиги ва ёнғиннинг олдини олиш тадбирларини амалга ошириш.

Тракторларни сақлаш икки турга: қисқа ва узоқ муддатга бўлинади.

Қисқа муддатли (иқки ойгача) сақлаш вақтинча фойдаланилмайдиган ёки таъмирлаш талаб қилинадиган машиналар учун ташкил қилинади.

Узоқ муддатли сақлаш мавсум тугагандан сўнг ёки машинадан камида иқкки ой фойдаланилмайдиган ҳолларда ташкил қилинади. Тракторлар сақлашнинг ёпиқ, очик ва аралаш усуллари мавжуд бўлиб, улар машинанинг конструктив хусусиятлари, табиат-иқлим шароитлари билан изоҳланади.

Очиқ майдончаларда сақлаш жойлари (махсус жиҳозланган машина ҳовлилари, шийпонли майдончалар, очик майдончалар) бошқа бинолардан ёнғин хавфи бўлмаган масофаларда жойлашган ва ёнғинга қарши воситалар билан жиҳозланган бўлиши керак. Сув захирасига эга бўлиш мақсадида майдончаларда темир-бетон резервуарлар, қум солинган қутилар ва ёнғинни ўчириш воситалари бўлиши лозим. Майдончаларнинг сатҳи ҳаракатланиш учун зарур мослашган бўлиши лозим. Қаттиқ қопламали майдончалари бўлмаган хўжаликларда машиналарни сақлашда бетон плиталар қўлланилади (тупроқ чўкишининг олдини олиш мақсадида)

Машиналар очик майдончаларда аралаш усулда сақланганда уларнинг резина, ёғоч деталлари, ёнилғи системаси ва электр жиҳозларининг тез емириладиган ва қиммат турадиган деталлари ечиб олиниб, зарур шарт-шароитлар таъминладиган хонашларда сақланади. Тракторлар орасидаги масофа камида 1 м, қаторлар орасидаги масофа эса камида 6 м бўлиши керак.

**Тракторларни қисқа муддатли сақлаш технологияси.** Тракторлардан бирор сабабга кўра вақтинча фойдаланилмайдиган ҳолларда улар қисқа муддатли сақлашга кўйилади. Бунда трактордан агрегат, узел ва деталлар ечиб олинмайди, бироқ улар техник кўриқдан ўтказилади.

Сақлаш муддати тугаган тракторлар чангдан, сақлаш мойидан тозаланади, тикинлар олиб ташланиб, ечиб олинган узел ва деталлар жой-жойига ўрнатилади. Сўнгра трактор тагликдан туширилади, трансмиссия агрегатлари, юриш қисмлари ва бошқариш механизмлари мойлаш материаллари билан таъминланади.

#### **10.6. МТПдан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.**

МТПдан фойдаланишда тарктор ва автомашиналарнинг қишлоқ хўжалик корхоналарига шартнома асосида кўрсатган сервис хизматлари учун даромад олади. Бу даромад умум Парк даромади бўлиб, шу даромадни кўпайтириш ёки даромадни

шакллантиришдаги сарф-харажатларни камайтириш ҳар бир меҳнатчининг асосий вазифасидир. Харажатларни камайтиришда тракторларни эксплуатация қилишдаги сарф-харажатларни камайтириш орқали бажарилган иш самарали бўлади.

МТП иқтисодий фаолиятини таҳлил қилишда жами бажарилган машина кунлари, машина сменалари, йиллик иш вақтидан фойдаланиш коэффиценти, шартли эталон гектар ҳисобига бошқарилган иш ҳажми, олинган маҳсулот, харажат, фойда кўрсаткичларидан фойдаланилади.

1. **Экинзорларнинг бир шартли эталон тракторга тўғри келиши** – экинзор ер майдонини ўртача йиллик шартли эталон тракторга бўлинади;
2. **Физик тракторларнинг ўртача номинал қуввати** – жами тракторларнинг номинал қувватини физик тракторларга нисбати;
3. **Тракторчи-машинист ўртача ойлик иш ҳақи** – ўртача йиллик трактор-машинистлар сонини мавжуд тракторчи-машинистлар сонига нисбати;
4. **1 гектар экинзорда трактор ишларининг бажарилиши** – бажарилган иш ҳажмини экинзорлар майдонига нисбати;
5. **Бир шартли тракторнинг бажарган иш смена-меъёри** – жами бажарилган смена-меъерини МТП бўйича шартли тракторлар сонига нисбати;
6. **Бир шартли тракторнинг иш унуми** – жами трактор ишларини ўртача йиллик шартли трактор ишларини ўртача йиллик шартли тракторлар сонига нисбати;
7. **Бир шартли тракторга эксплуатация харажатларининг тўғри келиши** – жами эксплуатация харажатларини трактор бажарган иш ҳажмига нисбати;
8. **Тракторлар ёрдамида жами бажарилган иш ҳажмидан транспорт ишлари салмоғи** – транспорт ишларини трактор бажарган иш ҳажмига бўлиб 100 га кўпайтмаси.

### **10.7. Энергетик воситалар ва улардан фойдаланиш самарадорлиги**

Қишлоқ хўжалигида турли мулкчилик шакллари фаолият юритаётган бир пайтда техника ва илғор технологияларга бўлган талаб тез суръатларда ортиб бормоқда. Ҳар қандай хўжалиқда техника ҳамда энергетика воситаларисиз ишлаб чиқаришни шакллантириш мумкин эмас. Шунинг учун мулкдорларни техника ва энергетик воситалар билан қуроллантириш ҳолатини, ундан самарали фойдаланиш ва турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олинади. Унда энергия ресурслари билан таъминлаш даражаси, ресурслардан тежамли фойдаланиш учун

асосий тармоққа нисбатан ёрдамчи тармоқларни ривожлантирилади. Асосий тармоқ деҳқончилик, чорвачилик бўлса хўжаликда ёрдамчи тармоқ маҳсулотларни қайта ишлаш жараёни тушунилади.

Қишлоқ хўжалигида электр-энергия таъминоти бевосита электростанция ёки трансформаторлар орқали бажарилади. Энергетик қувватдан ҳозирги кунда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашда, сақлашда, транспорт эҳтиёт қисмлари ва таъмирлашда (устахоналарда), суғоришда, сув насосларидан фойдаланишда, пахта тозалаш заводларида ва ижтимоий соҳаларда фойдаланилади. Электр қувватидан стационар ҳолатидаги ишларда фойдаланилади.

Хўжаликларда стационар ҳолатда бажариладиган ишларга сарфланадиган электр қуввати от кучи билан ҳисобланади. Электр двигателларининг қувватини аниқлаш учун от кучи билан ҳисобланган электр қувватини “киловатт” машиналарнинг фойдаланган электр қувватига ёки уларнинг электр қувватидан фойдаланиш коэффициентига бўлинади. Бу ҳисобни чиқаришда қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$T_{Эк} = \frac{T_{кк} \cdot 0,736В}{К};$$

Бунда:

$T_{Эк}$  – электр двигателларининг электр қувватига бўлган талаб;

$T_{кк}$ –машинани ишлатишда талаб қилинадиган қувват (от кучи ҳисобида 0,736 кВт – 1,36 от кучига тенг);

$К$ –электр қувватини ўтказувчи механик ўтказгичларнинг фойдали иш коэффициенти.

МТП қуввати – трактор ва машиналарнинг от кучи ҳисобидаги қувватига қараб белгиланади.

Комбайн қуввати – двигателларнинг кучига қараб белгиланади.

Автомобил двигателларининг қуввати – ҳар бир маркадаги автомобиллар сонини двигатель қувватига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Электр қурилмаларининг қуввати – электр энергия манбаи қувватининг йиғиндиси сифатида белгиланади.

Электрогенераторлар ва двигателлар қуввати – уларнинг хўжаликда бўлиш вақтига қараб белгиланади. Бунда электр қуввати кВт миқдорини айлантриш коэффициенти (1,36)га кўпайтирилиб от кучига айлантрилади.

Хўжаликда энергетик қувватдан самарали фойдаланишда аввало тежамкор технологияларни олиш, кам қувват сарфлайдиган ускуналарни ва техникаларни олишга

этиборни қаратиш, қувватдан фойдаланишда бозор талаби бўйича маҳсулот этиштириш, қайта ишлаш ва сақлаш учун энергетик харажатларни камайтириш, электр қувватидан максимал фойдаланиш зарур.

Энергетикадан максимал фойдаланишга 2 хил йўналиш таъсир қилади:

1. машина ва электр двигателларининг иш билан банд бўлиши;
2. электр энергиясининг узлуксиз келиб туриши (берилиб туриши).

Ҳар хил тармоқларнинг электр қувватидан максимал фойдаланишини қуйидаги формуладан аниқласа бўлади:

$$\text{ЭҚмф} = \text{Эдв} \times \text{ЭҚтк}$$

Бунда:

ЭҚмф – тармоқларда (хўжаликларда) электр қувватидан максимал фойдаланиш;

Эдв – хўжаликда ўрнатилган электр двигателлар;

ЭҚтк – электр қувватига бўлган талаб коэффициенти.

Энергетик ресурслардан самарали фойдаланиш коэффицентларига энергия билан таъминланиш, энергия билан қуролланиш, энергия қайтими, энергия сифими киради. Бу кўрсаткичлар орқали қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган энергетик воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги аниқланади.

### **Қисқача хулоса**

Қишлоқ хўжалик корхоналарида асосий ишлар турли техникалар ёрдамида бажарилади. Техникалардан самарали фойдаланиш учун йирик хўжаликларда МТП, фермерлар учун муқобил МТПлар ташкил этилмоқда. МТП хизматидан фойдаланишда хўжаликлар шартнома асосида, зарур бўлган механизация ишларини бажартирмоқда. Ҳозирги кунда МТП туман марказий таъмирлаш устахонаси билан биргаликда фаолият юритмоқда. Унда асосан чет эл техникалари лизингга олинган ва корхона техникалари фаолият юритмоқда.

Техникларни таъмирлаш МТПда олиб борилиб, уни ташкил этишда кўплаб завод ва қўшма корхоналар биргаликда фаолият юритади. Ҳар бир техника МТП раҳбарлари томонидан техник кўриқдан ўтказилади. Техник ҳолатини диагностика қилишда техникаларни сақлаш ишлари ҳам амалга оширилади. Ҳар бир техникадан фойдаланишни иқтисодий кўрсаткичлар асосида таҳлил қилинади. Қишлоқ хўжалик воситаларини энергетик воситалар билан таъминлаш ва уни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича асосий йўналишлар кўрсатилган.

### **Таянч иборалар**



МТП, сервис хизмат, механизация, муқобил МТП, физик маркадаги тракторлар, таъмирлаш хизмати, тортиш қуввати, диагностика қилиш, машиналарга техник хизмат кўрсатиш, марказий таъмирлаш комплекси, тракторларни сақлаш, технология, энергетика воситлари, қурилма, двигателлар, максимал фойдаланиш.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Қишлоқ хўжалигида МТП вазифаси нимадан иборат?
2. Техникаларни таъмирлаш хизмати қандай таъшиқ этилади?
3. Техник хизмат кўрсатиш турларини айтинг.
4. Тракторлар нима учун диагностика қилинади?
5. Техникалар қандай усулларда сақланади?
6. МТПдан фойдаланиш кўрсаткичларини айтинг.
7. Энергетика воситаларига нималар қиради?

### **Асосий адабиётлар**

1. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўқин ҳаёт манбаи”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
2. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари. – Т.: “Ижод дунёси”, 2004, -318 б.
3. Конюкин Ю.А. “Экономика ремонта сельскохозяйственной техники”. –М.: “КОЛОС”, 1983, -415 ст.
4. Коваленко Я.Н. “Экономика сельского хозяйства”. Москва: ЭКМОС, 1998.
5. Икромов У., Эргашев А., Сайликов М. “Тракторларни ишлатиш ва таъмирлаш асослари”. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995, -224 б.
6. Хусанов Р.Х., Ҳамдамов А.Н., Рафиқов И.Э. “Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш масалалари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001, -124 б.

## 11-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЛИЗИНГ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

### 11.1. Лизинг тушунчаси ва унинг вазифалари

Республикада лизингнинг қишлоқ хўжалик корхоналарига 1994 йил охиридан кириб келган. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда лизинг – бизнеснинг бир тури бўлиб, тармоқларда лизингни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигидаги корхоналаридаги мавжуд молиявий қийинчиликларни бартараф этиш, ишлаб чиқаришни янги технология ва замонавий техникалар билан қуроллантиришга имкониятини яратади.

Лизинг – ёрдамида нафақат асосий воситаларни, балки ҳамкорларникини ҳам янгилаш тушунилади.

Лизинг берувчи ва лизинг олувчи ўртасидаги муносабатлар характерига кўра – «тоза» лизинг ва кенг лизингга бўлинади. Бундан ташқари, «хўл» лизинг ҳам мавжуд. Бу ҳолатда лизинг олувчининг объекти билан бирга унга техник хизмат кўрсатиш, уни таъмирлаш, суғурталаш унда ишловчи кадрларни тайёрлаш, маркетинг хизматини ташкил этиш, тайёр маҳсулот рекламаси, хом-ашё билан таъминлаш каби хизматларни ҳам ўз ичига олади.

Лизинг объектини тақдим этиш соҳасига кўра – ички ва ташқи лизингга халқаро лизингга эса экспорт ва импорт лизингларга бўлинади. Бундан ташқари, халқаро лизингга сублизинг ҳам кенг қўлланилади. Бунда асосий лизинг берувчи бир мамлакатда воситачилик қилиб, бошқа мамлакатда рўйхатга олинган бўлади.

Лизинг муносабатлари муҳим функцияларни бажаради.

- Молиявий функцияси – мулк ишлаб чиқарувчиларга ишлаб чиқариш воситалар қийматини бир вақтда тўлиқ тўлаб бериш;
- Ишлаб чиқариш функцияси – қиммат турдаги ва маънавий эскирган машинани сотиб олмасдан, ишлаб чиқаришда вақтинчалик фойдаланиш йўлини оператив ҳал қилади.
- Хом-ашё функцияси – янги бозор хом-ашёсини ёки мулкни бирдан сотиб олиш эмас, балки такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиради.
- Солиқ ва амортизация имтиёзлари олиш функцияси.

Демак, лизингни асосий моҳияти қисқача қилиб айтилганда мол-мулкни ижарага бериш билан даромад манбаига эга бўлишдир.

Лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, унга бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шароитлар бериб қўйиш мақсадида мол-мулкни (лизинг объектини) олади.

Лизинг уч тарафлама (сотувчи – лизинг берувчи – лизинг олувчи) ёки икки тарафлама (лизинг берувчи – лизинг олувчи) лизинг шартномаси бўйича амалга оширилади. Лизинг берувчи ва сотувчи ўртасида икки тарафлама лизинг шартномаси тузилаётганида қўшимча равишда лизинг объектининг олди-сотди шартномаси тузилади.

Лизинг объектларига тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган корхоналар, мулкий мажмуалар, бинолар, иншоот, ускуна, транспорт воситалари, кўчар ва кўчмас мулк киради.

Лизинг субъектларига лизинг берувчи, лизинг олувчи ва сотувчи.

Лизинг турлари бўйича молиявий ва оператив лизингларга бўлинади.

Оператив лизинг – асосий воситаларни қисқа муддатга ижарага бериш усулидир. Мулк эгаси ўз мулкни фойдаланишни хоҳлаган шахсга (лизинг олувчига) бир йилга қадар муддатга шартнома асосида лизингга беради.

Шартномада оператив лизинг билан боғлиқ бўлган барча ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий масалалар тўла ўз аксини топади. Мулк ижарага берилган муддат давомида фойдаланилади. Шартномада мулкдан ижара муддати тугаши билан шартнома бекор қилинади.

Оператив лизинг билан боғлиқ бўлган барча турдаги техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, суғурта ва тўлов харажатлари лизингга берувчи томондан тўланади.

Лизинг шартномаси муддати тугаши билан ижарадаги мулк эгаси ихтиёрига ўтади.

Оператив лизинг ўзининг оддийлиги, бажариладиган операцияларни соддалиги, ҳисоб-китобларнинг аниқ ва енгиллиги нуктаи назардан барча қулайликларга эга.

Лизинг шартномаси асосида олинган ускуналар бўйича жадаллаштирилган амортизация ажратмаси ва таклифидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулот нархларини ва олинадиган фойда ҳажмини тартибга солиш имконияти қулга киритилади.

Молиявий лизинг—ускуналарни маълум муддатга ўз қийматини тўла коплаш имкониятини ярата олган ҳолда берилладиган ижара муносабатига айтилади. Молиявий

лизингда ускуналарни ижарага берган вақтда уларни қийматини тўла ёки катта қисмини ишлатилиш, фойдаланиш, ейилиш (амартизация) муддатига яқинлашиб қолади. Молиявий лизинг ижара шартнома муддати оператив лизингга нисбатан узок бўлади. Молиявий лизингда лизинг берувчи шартнома муддати давомида ўз мулк қийматини тўла қайтариб олиш имкониятига эга. Молиявий лизингда ижарага берилган техника ёки ускуналарни, тузатиш, сервис хизматлари кўрсатиш, суғурта тўловлари лизинг олувчи зиммасига юклатилади.

Молиявий лизингда - Лизинг шартномаси бўйича шартнома муддати тугагачи билан лизинг объекти, қолдиқ қиймати бўйича лизинг олувчининг кўлига ўтади;

Лизинг шартномаси муддати лизинг объектининг хизмат муддати 80% дан ортиқ ёки лизинг шартномаси муддати тугагач лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20 % дан камроғини ташкил этиши керак;

Лизинг олувчи лизинг объектини катъий белгиланган баҳоси ёки шартномаси муддати тугагандан аниқланадиган баҳода сотиб олиш ҳуқуқига эга; Лизинг шартномаси давридаги тўловларнинг умумий сўммаси лизинг объекти қийматининг 90 % дан ортиқ бўлади.

Молиявий лизинг объекти – лизинг олувчи балансида ҳисобга олинади. Ижарага олувчи мулк учун бир вақтни ўзида тўлаш мажбуриятдан озод этилади. Ижарага олувчи лизинг контрактида аниқланган тўловчиларнинг ўз муддатида амалга ошириш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

Лизинг фаолиятига – лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчининг ўз маблағи ва (ёки) қарз маблағларини инвестициялашга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир.

Лизинг шартномаси ёзма шаклда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

Агар лизинг олувчи жисмоний шахс бўлса, лизинг шартномаси нотариал идоралар томонидан тадиқланиши лозим.

Лизинг шартномаси бўйича лизинг олувчи тўлайдиган лизинг тўловлари лизинг объекти амортизациясининг тегишли қисми қийматини ва лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчи томонидан қилинган харажатларни, шунингдек унинг даромади (маржа)ни ўз ичига олади.

## 11.2. Лизинг компаниялари фаолиятдан фойдаланиш.

Республикада бевосита хизмат кўрсатаётган лизинг компанияларига: «ЎзКейсагролизинг», «Ўзбеклизинг Интернейшнл», «Соф лизинг», «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрда «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги 424-сонли қарорига асосан лизинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг вилоят марказларида филиаллари тузилди.

Лизинг операцияларида қатнашувчи барча субъектлар – компания (лизинг берувчи), қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (компания кредитори), «Пахтабанк» (молиявий агент), қишлоқ хўжалик корхоналари ва машина-трактор парклари (лизинг олувчилар) ўртасида ташкилий, иқтисодий, техникавий ва ҳуқуқий муносабатларни ифодаловчи ўзаро шартномалар аниқ белгилаб олинди.

Бир томондан «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компаниясига қаршли машинасозлик корхоналарининг мавжуд қувватларидан фойдаланиш даражасини кескин ошириш, иккинчидан эса, мамлакатимиз қишлоқ хўжалик машиналари паркини йил давомида замонавий техникалар ҳисобига янгилаб бориш имкониятларини яратиб берди. 2001 йилда «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси корхоналари томонидан двигательнинг қуввати 60 дан 135 от кучига эга бўлган 101 турдаги янги техника воситаларини, 2000 йилда 471 дона ҳар хил турдаги қишлоқ хўжалик машиналари, 2001 йилда 2933 дона, шу жумладан, ширкат хўжаликлари 2055 та, фермер хўжаликлари 735 та, акциядорлик ва Муқобил машина-трактор паркларига 123 та янги замонавий техникалар буюртма асосида етказиб берилди.

Қишлоқ хўжалигида лизинг устунлиги давлат манфаатларини кўзлайди, яъни солиқ тизимини, амортизация ва кредит имтиёзларини кафолатлайди.

Чет давлатларида лизинг компаниялари турли шаклларда фаолият юритади. Бизда кўпроқ тезкор ва компенсация лизингга тўғри келади. *Компенсация лизинги* - маҳсулотларини ишлаб чиқаришга кўрсатилган лизинг хизматларидир. Булар учун ҳисоб-китоблар нафақат фермерларни балки, давлат манфаатини кўзлайди.



Хукумат қарорларига мувофиқ, Молия вазирлиги ҳузурида Лизинг фаолиятини молиявий жихатдан қўллаб қувватлаш мақсадида махсус жамғарма тузилган. Республика АТ «Пахтабанк»и лизинг компаниясининг молия агенти, «Ўзагросуғурта» давлат акциядорлик суғурта компанияси эса суғурта агенти этиб белгиланди. Ўзаро муносабатлар шартнома асосида ташкил этилди. Қишлоқ хўжалик техникасини лизинг асосида етказиб беришнинг ташкилий, ҳуқуқий, молиявий, иқтисодий асослари яратилди.

«Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси орқали 29478,9 млн. сўмга молиялаштирилди, шундан 25351,8 млн. сўми (86%) «Жамғарма» маблағлари ва 4127,1 млн. сўми (14%) эса лизинг олувчиларнинг 15 фоизли аванс тўловлари ҳисобланади.

### **11.3. Лизинг объектларининг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари.**

Мамлакатимизда янги шакилланаётган лизинг компаниялар фаолияти самарадорлигини қуйидаги кўрсаткичлар ёрдамида аниқлаш мумкин: лизинг объектининг қиймати; лизинг шартномаси муддати; лизинг объектининг йиллик иш унумдорлиги; объектдан фойдаланиш кўрсаткичлари; лизинг тўлов таркибидаги ҳаражат турлари ва миқдори, шу жумладан: амортизация ажратмалари; божхона тўловлари; кредит ресурсларига тўлови; суғурта тўлови; солиқ ва бошқа имтиёзлар; бошқарув (билвосита) ҳаражатлар; бошқа ҳаражатлар; 1 га, 1 ц маҳсулотга қилинган ҳаражатлар; лизинг объектига сарфланган инвестицияни қоплаш муддати; лизинг объектидан фойдаланиш натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати ва бошқалар.

Лизинг самарадорлиги тушунчаси – бу ўз ичига лизинг амалиёти субъектлари тизимидаги барча корхоналарнинг моддий-техника таъминотини барқарорлашуви ва ривожланишини тушунишилади. Бу лизинг объекти қийматининг барқарорлашиш ва ундан фойдаланишда фойдалилик даражасини ошириш эвазига эришилади ҳамда миллий валютамининг барқарорлашуви ва лизинг объектининг иш унумдорлигини оширишда намоён бўлади, бу эса бевосита якуний натижа билан боғлиқдир.

Лизинг компанияси фаолиятининг самарадорлиги фойда меъёри билан белгиланади. Фойда меъёри умумий фойдани сарфланган сармоя миқдорига нисбатининг фоизидаги ифодасидир.

$$\text{Фойда меъёри} = (\text{умумий фойда} / \text{сарфланган сармоя миқдори}) * 100 \%$$

Лизинг самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар бир-бири билан узвий боғлиқ ва бевосита таъсир кўрсатади. Иқтисодчи олимлар С.Ғуломов, Р.Вараксина ва Т.Ақромов томонидан тавсия этилган лизинг самарадорлигига қўшимча равишда лизинг самарадорлигини оширишнинг омили назарий асосда аниқлаб чиқилди. Масалан Қорақалпоғистон Республикаси «Пахта-банк» бошқармасининг Тўрткўл туман бўлими,

шу тумандаги, Ш.Рашидов номли ширкат хўжалиги негизидаги Муқобил МТП билан «Марал-125» озуқа ўриш комбайни кейинчалик сотиб олиш шарти билан лизинг шартномасини тузган.

«Марал-125» озуқа йиғув комбайни қиймати 150 млн.сўм, 5 йил мобайнида лизинг ҳисоби графиги бўйича лизинг тўловлари ва техника қиймати билан 342368400 сўм тўлашлиги ҳисобланган. Маълумот учун, тижорат «Пахта-банк» акционерлик жамияти бошқармаларида ўртача муддатли кредитнинг устама фоизи 2000 йил май ойида 5 фоизни ташкил қилган бўлиб, лизингнинг самарадорлигини қуйидагича аниқлаш мумкин.

Кредит миқдори (техника нархига тенг) –  $K_m$ , кредит қайтариш муддати –  $K_{km}$  ва кредит бўйича фоизлар устамаси –  $K_f=10\%$ , фойдадан олинadиган устама  $\Phi_u=3,5\%$  бўлганда кишлоқ хўжалиги корхонаси банкка ҳар йил тўланадиган кредит миқдори қуйидагича бўлади;

$$\text{Йиллик тўлов} = K_m / K_{km} + \Phi_u / 100 = 150000000 / 5 + 150000000 * 10 / 100 = 45000000 \text{ сўм} \quad (1)$$

Амалдаги қонунга мувофиқ узоқ муддатли қарзларни ва улар бўйича фоизларни корхона барча солиқларни тўлагандан кейин қолган фойда ҳисобидан тўлайди.

$$\text{Фойда миқдори} = C \cdot K_m / K_{km} + \Phi_u / 100 : (1 - \Phi_u / 100) = 150000000 / 5 + 150000000 * 10 / 100 : (1 - 45 / 100) = 81818180 \text{ сўм} \quad (2)$$

«Ўзбекистон Республикаси корхонларида маҳсулот (ишлар ва хизматлар) таннархига киритилadиган харажатлар бўйича асосий қоидалар»га асосан айрим объектларнинг ижараси учун лизинг тўлови таннархга киритилади. Лизинг шартномасида харажатларга киритилган йиллик лизинг ҳақи қуйидагича ҳисобланади.

$$\text{Лизинг ҳақи} = L_k / L_{kkm} + \Phi_{cy} = 150000000 / 5 + 150000000 * 35 / 100 = 82500000 \text{ сўм} \quad (3)$$

Бунда:

$L_k$  – лизингга берилган лизинг восита қиймати;

$L_{kkm}$  – лизинг воситасининг хизмат қилиш муддати;

$\Phi_{cy} = 45\%$  - фойдадан олинadиган солиқ устамаси;

$L_{yk} = 35\%$  - лизинг устама қиймати.



Амалиётида лизинг тўловларини ҳисоблаб чиқиш услубияти бўйича умумий миқдори 2002 йил 1сентябригача қуйидагича ҳисоблаб чиқилди:

$$ЛХ=А+Кфқ+Вх+Лхх+Ккс+Бт$$

Ҳозирги даврда лизинг ҳақи қуйидаги формула орқали топилади:

$$ЛХ=А+Кфқ+Вх+Лхх$$

Бунда:

А – амортизация ажратмалари;

Кфқ – кредит ресурсларидан фойдаланиш ҳақи;

Вх – воситачилик ҳақи;

Лхх - лизинг берувчи кўрсатган хизматларининг ҳақи;

Ккс – қўшимча қиймат солиғи;

Бт – божхона тўлови.

а) амортизация ажратмаси қуйидагича ҳисобланади:

$$А=(Лбқ * Ак/100)*Лм$$

Бунда:

Лбқ – лизинг объектининг баланс қиймати;

Ак – меъёрий амортизация коэффициенти;

Лм – лизинг шартноманинг амал қилиш муддати.

б) фойдаланадиган кредит ресурслари учун тўланадиган ҳақ миқдори:

$$Крх=(Км * Куқф)/100$$

Бунда:

Крх – фойдаланадиган кредит ресурслар ҳақи;

Км – жалб этиладиган кредит миқдори;

Куқф – кредит ресурсларидан фойдаланишнинг устама қиймати, йиллик фоизи.

в) воситачилик ҳақини ҳисоблаш қуйидагича:

$$Лвх=Луқ * Кр/100, \%$$

Бунда:

Лвх – лизинга воситачилик ҳақи;

Лук – воситачилик ҳақининг устама қиймати.

Кр – кредит ресурси.

г) лизинг берувчининг қўшимча хизматларининг миқдори қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Лбхқ} = \text{Лсх} + \text{Лххтк} + \text{Мс} + \text{Рх} + \text{Лт} \quad \text{ва бошқалар}$$

Бунда:

Лбхқ – лизинг берувчи кўрсатган хизматларининг ҳақи;

Лсх – лизинг берувчи ходимларининг хизмат сафари харажатлари;

Лххтк – кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлаш харажатлари;

Мс – «Хўл» лизинг шартномасига биноан ишлатилаётган мутахассисларининг ҳақи;

Рх – реклама харажатлари;

Лт ва бошқалар – лизинг берувчига кўрсатилаган хизматлар ҳақини тўлаш учун қилинган бошқа тўловлар.

АСМ корхонаси томонидан лизинг асосида тўланаётган миқдори билан АСМ корхонаси кредитни тўлаш учун ишлаб топиш лозим бўлган фойда миқдорини тенглаштириш зарур бўлади. Яъни,

$$\text{Лк} / \text{Лхқм} + \text{Лк} * \text{Лук} = (\text{Лу} / \text{Лхқм} + \text{Ақ} * \text{Фу} / 100) : (1 - \text{Фу} / 100) \quad (4)$$

$$8250000 \text{ сўм} = 8181818 \text{ сўм}$$

шундан агросаноат мажмуи корхонаси учун лизинг шартномаси ва қарз олиш, агар лизинг бўйича устама қуйидагига тенг бўлса, бир хилда фойда яъни,

$$\text{Лук} = ((1) \text{Лхқм} + \text{Фу} / 100) / (1 - \text{Фсу} / 100) - 1 / \text{Лхқм} \quad (5)$$

Лизинг ва кредитнинг бир хил фойдали бўлганидан лизинг ставкаси фоизи қуйидаги даражада белгиланиши мумкин.

$$(1 + 5 + 0,1) : (1 - 0,45) - 1 / 5 = 0,35$$

бу ҳисоб бўйича лизинг фоиз ставкаси 3,5 мартагача ортиқ белгилаш лизинг ва кредит олиш АСМ корхоналари учун тенг фойдалидир. Маълумки, ушбу таҳлиллар ҳисоблари бўйича лизинг устама фоизини қуйидаги 10% <Нл> 35% ҳисобланган ораликда белгилаш мумкин.

“Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг” компанияси даромади (маржоси) нинг имтиёзли ставкаси Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоиздан юқори бўлмаслиги белгилаб берилган. Бу кўрсаткич 2001 йил март ойига қайта

молиялаштириш ставкаси 24 фоиз бўлиб, юқорида кўрсатилган компаниянинг даромади 12 фоизни ташкил қилган. Ҳар қандай лизинг олувчи лизинг операциясининг иқтисодий самарадорлигидан келиб чиқиб шартнома тузиш мақсадга мувофиқдир.

### **Қисқача хулоса**

Бозор муносабатларида ривожланаётган аграр соҳага кўплаб маблағ ва воситалар зарур бўлиб, уларни таъминлаш учун катта миқдорда молиявий маблағни талаб этади. Шунинг учун жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, лизинг фаолиятидан фойдаланиш самарали йўл эканлиги ўз аксини топди. Республикада кўчмас мулк техника ва технологиялар лизинг компанияларидан ижара шартномаси бўйича олинмоқда. Лизинг ўз фаолиятига кўра 2 хил бўлиб, оператив ва молиявий лизингга бўлинади. Бу лизинг турларидан молиявий лизинг тадбиркорлар учун қулай бўлиб, давлат эҳтижини қондиришда асосий роль ўйнайди. Республикада 1994 йилдан бошлаб лизинг компаниялари фаолият юритмоқда. Улар ёрдамида кўплаб техника ва технологиялар қишлоқ хўжалик субъектларига етказиб берилди. Лизинг бўйича тузилган шартномадаги ижара ҳақи бошқа қўшимча тўлов ҳисоб-китоб механизми яратилган бўлиб, самарали фаолият юритмоқда.

### **Таянч иборалар**

Лизинг, ижара, лизинг берувчи, лизинг олувчи, шартнома, олди-сотди, кўчмас мулк, лизинг объекти, лизинг субъекти, оператив лизинг, молиявий лизинг, суғурта, акция, молиялаш, лизинг компанияси, самарадорлик кўрсаткичлари, фойда меъёри, йиллик тўлов, фойда миқдори, лизинг.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

- 1. Лизинг ва унинг вазифаси нимдан иборат?*
- 2. Лизинг нечага бўлинади?*
- 3. Луизинг берувчи ва уни олувчи ўртасидаги фаолият қандай муносабатда олиб борилади?*
- 4. Лизинг компанияси фаолиятини қайндай баҳолайсиз?*
- 5. Лизинг самарадорлигини аниқлашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади?*

### Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. “Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўкин ҳаёт манбаи”. –Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
2. Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари. – Т.: “Ижод дунёси”, 2004, -318 б.
3. Конюкин Ю.А. “Экономика ремонта сельскохозяйственной техники”. –М.: “КОЛОС”, 1983, -415 ст.
4. Коваленко Я.Н. “Экономика сельского хозяйства”. Москва: ЭКМОС, 1998.
5. Икромов У., Эргашев А., Сайликов М. “Тракторларни ишлатиш ва таъмирлаш асослари”. –Т.: “Ўқитувчи”, 1995, -224 б.
6. Хусанов Р.Ҳ., Ҳамдамов А.Н., Рафиқов И.Э. “Қишлоқ хўжалигида сервис хизмати муқобил машина-трактор паркларини ривожлантириш масалалари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2001, -124 б.

## 12-БОБ. ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИҚТИСОДИЁТИ

### 12.1. Қишлоқ хўжалигида транспорт хизматининг ташкилий тузилмаси.

Ўзбекистон Республикасида умумий фойдаланиладиган юк ва йўловчилар ташувчи транспортнинг барча темир йўл, автомобил, авиация, шаҳар электр транспорти, дарё, трубопровод транспорти, шунингдек, умумий фойдаланилмайдиган – темир йўл, автомобиль, тасмали транспорт, осма арқон транспорти ривож топган.

Транспорт асосий восита бўлиб, юк ва йўловчиларни ташишдан ибортдир. Ҳар қандай жамиятда транспортнинг ўрни турлича бўлиб, бугунги кунда республикада асосан 4 та транспорт турлари фаолият юритмоқда. Уларга темир йўл, автомобиль, қувур йўл ва ҳаво транспорти киради.

**Темир йўл транспорти.** 1944 йил ноябрида республикадаги темир йўл корхоналари негизида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди. Темир йўл транспорти йўловчилар ва юк ташишга мўлжалланган бўлиб, жорий йилда 66,2 млн.тонна юк ташилди. Ташилган юкларнинг асосий қисмини қурилиш материаллари, ташилган юк ҳажмининг (21%), пахта толаси (3%), нефть ва нефть маҳсулотлари (35%), ғалла, кимёвий воситалар, минерал ўғитлар, сабзавот ва бошқа юклар ташилди.

**Автомобил транспорти.** 1992 йил февралда “Ўзбекистон авто йўллари куриш ва ундан самарали фойдаланиш” давлат акциядорлик концерни, “Ўзавтойўл” тузилиб, унинг таркибида 532 та автомобил йўллари бошқармаси, “Ўзйўллойиха” республика йўл ва иншоотлар куриш, қайта куриш ва таъмирлаш бўйича лойиха қидирув институти, кўприк темир-бетон курилмалар ва бошқа корхоналар киради. Республикада 53,4 минг км авто йўллар бўлиб, шуларнинг 3843 халқаро, 1980 км давлат аҳамиятига, 23439 км маҳаллий йўллар ҳамда ширкат хўжаликлари, фермер ва деҳқон хўжаликларига қарашли йўллар ҳам мавжуд.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган халқ хўжалик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қўшни давлатларга чиқариш учун Собиқ Буюк Ипак Йўли тикланиб, 1997 йил 21 июнда Андижон-Ўш-Эргайтом-Кашкар автомобил йўли ишга туширилди. Ҳинд океанига чиқиш учун Термиз-Ҳирот-Карачи ва Кўнғирот-Денов автомагистраллари курилишлари олиб борилмоқда.

Республика жами йўлларнинг 95,6% қаттиқ қопламалар ётқизилган бўлиб, шундан цемент-бетон қопламали йўллар 0,8% (336 км), асфальт-бетон қопламали йўллар 49,6% (21819 км), қора шағал ва қора қопламали йўллар 40,6% (17796 км)ни ташкил этади.

**Ҳаво транспорти** – 1992 йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ташкил этилди. Компания фуқаро ва юкларни ташийди ҳамда қишлоқ хўжалик экинларини парваришда АН-2 самолётлари орақали дон экиш, ўғит ва пестицидлар сепишда фаолият юритади.

**Сув транспорти** – Орол денгизидаги сув йўллари орқали юклар ва йўловчилар кема, қайиқлар билан ташилган. 1994 йил май ойида Ўзбекистон Республикасида жойлашган дарё порти, Қорақалпоғистон дарё порти ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. Улар ишни мувофиқлаштириш бўйича “Ўзавтотранс” компанияси Бош бошқарма вазифасини олиб бормоқда. Сув йўлларининг узунлиги 1000 км бўлиб, халқ хўжалик юклари ташилмоқда.

**Трубапровод транспорти** – суюқ ва газ шаклидаги товарларни қувурлар орқали ташишдан иборат. Трубапровод транспортида газ, нефть, сув, қишлоқ хўжалигида маҳсулотни қайта ишлаш заводларидаги хом-ашёни ташиш қувурлари, чорвачилик фермаларидаги сут соғиш қувурлари ва ҳоказолар.

## 12.2. Қишлоқ хўжалигида транспорт воситаларидан фойдаланиш

Қишлоқ хўжалигининг кўп тармоқли хўжаликка айланиб, йилдан–йилга кўп маҳсулот етиштириши муносабати билан ҳар хил юкларни ташиш миқдори ҳам кўпайиб, транспорт воситаларига бўлган талаб борган сари ортмоқда.

Қишлоқ хўжалигида юк ташиш ишларида кенг тарқалган транспорт воситалари – от-улов, трактор ва автомобил транспортларидир. Кейинги йилларда ҳаво, темир йўл, сув транспортларининг ҳам роли ортиб бормоқда. От-улов транспортларида ташилган юклар тракторда ташилган юкларга қараганда 1,5 марта, автомобилларда ташилганга қараганда 3 марта қимматга тушади. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида юклар биринчи ўринда автомобил, иккинчи ўринда трактор ва учинчи ўринда от-улов транспортларида ташилиши маъқул кўрилади.

Хўжаликларда трактор транспортларининг роли ортиб бормоқда, юк ташишда ўзиюрар шоссиларнинг кенг қўлланиши транспорт харажатларини арзонлаштиришга олиб келмоқда. Юкларни хўжалик ичида ташишда от-улов ва трактор транспортларидан фойдаланиш, узоқ масофага ташишда эса автомобиль транспортларидан фойдаланиш иқтисодий томондан самарали бўлади.

Юкларнинг хилма-хиллиги ва ташиш масофасининг ўзгарувчанлиги, транспорт воситаларининг нисбатан ёмон йўлларда ишлатилиши ва йил давомида юк билан бир меъёردа таъминланмаганлиги билан қишлоқ хўжалигидаги транспорт ишлари саноатдагидан фарқ қилади. Транспорт ишлари юклаш, юкни ташиш ва юкни тушириш операцияларидан иборат. Юкларни ортиш, ташиш ва тушириш воситаларига қўйилган асосий талаб: юклар шикастланмаслиги, ўзининг ташқи кўринишини бузмаслиги лозим. Транспорт ишларини қониқарсиз ташкил қилиш ёки транспорт воситаларининг етишмаслиги, қишлоқ хўжалигини комплекс механизациялашга тўсиқ бўлиб, янги қишлоқ хўжалик машиналаридан самарасиз фойдаланишга олиб келиши мумкин.

Саноат корхоналарида транспорт воситаларидан йил давомида узлуксиз фойдаланиш мумкин, қишлоқ хўжалигида бундай эмас. Хўжаликларда транспорт воситаларига талаб кўпроқ ҳосил пишиб етилганда бўлади. Шунинг учун транспорт воситаларига бўлган талабни аниқлаш ва режалаштиришга ўтишдан олдин хўжаликда ташиладиган юкларнинг умумий миқдорини ҳамда мавсумга қараб ташиш кераклиги аниқланади. Шундан сўнг ташиладиган юклар техникаларнинг айрим турлари бўйича тақсимланади. Транспорт воситаларининг турлари бўйича уларнинг иқтисодий афзаллигини аниқлаш керак.

Қишлоқ хўжалигида транспорт ишларини ташкил қилиш ҳосилдорликка бевосита (экин майдонининг бузилиши) ёки билвосита (йиғим-теримда ҳосилнинг исроф бўлиши) таъсир қилиши мумкин.

Бажариладиган ишнинг турига кўра транспорт воситалари кўрғон доирасида, хўжалик доирасида ва хўжалиқдан ташқарида ишлатиладиган хилларга бўлинади.

Тракторлар асосан, кўрғон ва хўжалик ичидаги юкларни ташишда ишлатилади. Хўжалиқдан ташқарига чиқариладиган юклар эса асосан автомобиллар билан ташилиши керак.

Юк ташиш жараёни маълум кўрсаткичлар билан баҳоланади. Уларнинг асосийси тоннада ифодаланган юк ташиш ҳажми ёки киллометрда ифодаланган босиб ўтилган йўл, яъни тонна-киллометрда ифодаланадиган транспорт иши ҳисобланади. Вақт бирилиги ичида бажарилган транспорт иши транспорт воситасининг (тракторнинг) иш унуми дейилади. У транспорт воситасининг юк кўтарувчанлиги, ҳаракат тезлиги ва иш вақтининг давомийлигига боғлиқ.

Трактордан транспорт ишларида тортиш воситаси сифатида фойдаланилади, у транспорт ишини юкланган прицеп, ярим прицеплар ёрдамида бажаради. Трактордан транспорт воситаси сифатида дала ишларидан бўш вақтларда фойдаланиш унинг йиллик иш бажариш ҳажмини оширади. Трактор билан транспорт воситаси (прицеп) биргаликда **трактор-транспорт агрегати** (ТТА) дейилади.

Транспорт воситаларини иқтисодий баҳолашда: а) иш унумдорлиги; б) тонна-километрнинг таннарни; в) капитал сарфлар миқдори асос қилиб олинади.

Қишлоқ хўжалигида транспорт воситаларидан фойдаланишда юклар қуйидагича классификация қилинади:

1. Хўжаликнинг ўз худуди ва четдан келтириладиган ҳамда четга чиқариладиган юклар. Хўжаликнинг ўз худудида ташиладиган юкларга омбордан бўлимларга, фермаларга, фермерларга олиб бориладиган ва улардан олиб келинадиган юклар киради. Четга чиқариладиган юкларга тайёрлов корхоналарига, бозорларга юбориладиган маҳсулотлар киради. Четдан эса хўжаликларга нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари келтирилиши мумкин.

2. Кичик ва катта ҳажмли юклар. Кичик ҳажмли – юкларга дон, картошка, минерал ўғитлар, уруғликлар ва ушу кабилар кирса, катта ҳажмли юкларга – пахта, жун, пичан, сомон ва бошқалар киради.

3. Тез бузиладиган юклар. Бунга сут, гўшт, сабзавот, мева ва ҳоказолар киради.

Транспортнинг бошқа моддий ишлаб чиқариш соҳалардан фарқи шундаки, у янги маҳсулот яратмайди, балки ишлаб чиқарилган моддий бойликни истеъмолчиларга етказиб беради.

Транспорт ёрдамида соҳалар, соҳа ичидаги тармоқлар, тармоқ ичидаги корхоналар бир-бири билан боғланиб, ишлаб чиқарилган жараёни нормал кечиши учун барча шароитлар яратилади. Транспорт ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасидаги алоқани таъминлайди. Иш кучи, меҳнат куrollлари ва меҳнат буюмларини бир жойдан иккинчи жойга кўчириб, жами истеъмол кўламига бевосита таъсир этади. Транспорт воситалари ёрдамида моддий бойликлар бир жойдан иккинчи жойга кўчирилиш натижасида истеъмолчига яқинлашади. Истеъмол қийматининг ташкил топиши тезлашади.

Транспорт воситаларининг ўзига хос бу хусусиятлари ундан моддий бойлик ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларида кенг кўламда фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Транспорт воситаларидан фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш учун сарфланадиган вақтни қисқартиради, меҳнат унумдорлигини оширади, маҳсулот таннархини камайтиради.

Қишлоқ хўжалигида асосий транспорт от-улов, трактор ва автомашина бўлиб, улардан самарали фойдаланиш учун ширкат хўжаликлари негизида машина-трактор ҳовлиси фаолият юритмоқда. Фермер хўжаликларига хизмат қилувчи транспорт воситалари турли шаклдаги корхоналарда бўлиб, улардан асосийси муқобил МТПлардир. Муқобил МТП, истикболсиз ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилгандан сўнг унинг таркибидаги МТП ўрнида ташкил этилган.

Муқобил МТП юридик мақомга эга, давлат рўйхатидан ўтган, ўз ҳисоб рақамини банкларда очган мустақил хўжалик ҳисобида фаолият юритувчи субъектдир. Уларнинг таъсисчилари асосан фермер хўжаликлари раҳбарлари ва ҳомий ташкилотлар бўлиши мумкин.

Муқобил МТП ташкилий тузилмаси, МТП тузилмаси сингари фаолият юритади. Унга раҳбарликни корхонани ташкил этувчи ёки таъсисчи бўлиши мумкин. Асосий вазифаси фермер хўжаликларига техник сервис хизмат кўрсатишдан иборат бўлиб, хўжаликлардаги барча агротехник тадбирларни ер ҳайдаш ва уни экишга тайёрлаш, агротехник ишларини бажариш, юкларни ташиш ва ҳоказолардир.

Фермер хўжаликлари муқобил МТПлар билан шартнома асосида фаолият юритади. Шартнома шартлари бўйича қилинган хизмат ва ташилган юк учун ўз вақтида банклардан олинган кредит маблағларидан тўлаб боради.



Ҳозирги кунда хўжаликларга техник сервис хизмат кўрсатишда баҳо тизими тўлиқ шакллантирилмаган. Баҳолар МТП томонидан белгиланган бўлиб, барча фермерларни қониқтирмайди. Шунинг учун баъзи жойларда фермерлар бу хизматдан фойдаланилмай келмоқда. Масалан, 1 гектар буғдой даласини “Кейс” комбайнида ўриб-йиғиштирилгани учун ўртача 63 минг сўмдан ҳақ олмоқда. Бу эса фермернинг сарф харажатларини ошириб юборишига олиб келмоқда. Шунинг учун қуйидаги механизация ишларини баҳолашнинг қуйидаги усулини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

### 12.2.-жадвал. Агрокимё хизмати ишларида техника хизматига меъёрий баҳо белгилаш

Кўрсаткичлар	Органик ўғитларни ташиш, 12 км/т, масофаси 6 км	Органик ўғитларни солиш, 15 га/т	Минерал ўғитларни ташиш, 0,460 т., масофаси 4 км	Минерал ўғитларни солиш, 0,400 га/кг	Экинзорларни пестицидлар билан ишлаш, га
1.Бажариладиган иш ҳажми	150 т	150 га	1000 т	400 га	300
2.Таъриф разряди	II	IV	II	IV	VI
3.Агрегатлар таркиби:					
Трактор	МТЗ-80х	МТЗ-80	МТЗ-80х	T28x4м	T28x4м
Қишлоқ хўжалик машиналари	2ПТС-4793	РТО-4	2ПТС-4793	РУМ-5	ОВХ-14
4.Иш кунлари сони	10	15	20	10	20
5.Агрегатнинг меҳнат унумдорлиги	2,0 т	1,03 га	2,80 т	2,34 га	3,24
6.Иш сменасининг давомийлиги, соат	7	7	7	7	4
7. Агрегатларнинг сменалик меҳнат унуми (5кат.*6кат.)					
8.Жами меъёр смена (1 кат.*7кат.)					
9.Умум иш ҳажмига вақт сарфи, соат (1к.:5к.)					
10.Ёнилғи сарфи меъёри (дизель ёқилғиси – 18 сўм 1 км)					
11.Тракторнинг баланс қиймати, минг сўм	3500	3500	3500	3500	3500
12.Амортизация ажратмаси суммаси:					
а) тўлиқ тиклаш (11к.:амортизация ажрат:100)	10%	10%	10%	14,3%	14,3%
б) капитал таъмирлаш (11к.*15 аморт.аж.:100)					
в) жорий таъмирлаш (11к.*9,7 аморт.ажр.*100)					
13. тракторларнинг йил давомида юк билан юриши, соат	1570	1622	1570	1392	1392
14.Қишлоқ хўжалик машиналарининг баланс	1206	1375	1206	1980	1848

киймати, минг сўм					
15.Амортизация ажратмаси суммаси:					
а) тўлиқ тиклаш (14қ.*амор.аж.*100)	14,2	20,0	14,2	20,0	20,0
б) капитал таъмирлаш (14қ.*амор.аж.100)					
в) жорий таъмирлаш (14қ.*амор.аж.х:100)	13%	11%	13%	11,0	11,0
16.Қишлоқ хўжалик машиналарининг йиллик юриши, соат	420	150	420	120	310
17.Иш ҳажмини бажаришда тракторлар амортизацияси (12а12б):13қ.*9қ.					
18.Иш ҳажмини бажаришда қишлоқ хўжалик машиналари аморт.суммаси (15бқ.:16қ.*9қ.)					
19.Иш ҳажми учун жами амаор. Суммаси (17қ.:18қ.)					
20.Тракторларни жорий таъмирлаш харажатлари (12в:14қ.*9қ.)					
21. Қишлоқ хўжалик машиналарини жорий таъмирлаш сарфи (15в:16қ.*9қ.)					
22.Жами жорий таъмирлаш сарфи, сўм (20қ.:21қ.)					
23.Иш ҳажми учун ёқилғи сарфи, сўм (1қ.*10қ.*18)					
24.Жами иш ҳақи кўшимчалари билан (8қ.*33қ.)					
25.Таъриф бўйича иш ҳақи, сўм					
26.Кўшимча сўм					
-класслари учун (1класс-20%)					
-захарлиги учун (10%)					
-хизмат сафари учун (10%)					
27.Жами асосий иш ҳақи (25қ.*26қ.)					
28.Стаж учун (10%)					
29.Жами, сўм					
30.Таътил учун (7%)					
31.Жами, сўм					
32.Ижтимоий суғурта ва солиқ аж. 37%					
33.Жами иш ҳақи					
34.Накладной харажатлар (32%) сўм					

(19+22+23+24)*32:100					
35.Жами харажатлар, сўм (19+22+23+24+34)					
36.Режали коплама, 15% (35*15%:100)					
37.Умумий иш ҳажмининг қиймати, сўм (35+36)					
38.Иш бирлигига раценка (баҳо) (37:1қ.)					
39.Накладной харажатлар, 32% сўм (19+22+23+24)*32%:100					
40.Иш ҳажмини бажариш учун жами харажатлар, сўм (19+22+23+24+34)					
41.Умумий таннархга нисбатан режали коплама, 15% (35*15:100)					
42.Умумий иш ҳажми, сўм (35+36)					
43.Иш бирлигининг баҳоси, сўм (37:1)					

Республика Президентининг 2003 йил 24 мартдаги “Қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислохотларини чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари” Фармонида асосан “Фермер хўжаликларини 2004-2007 йилларда ривожлантириш концепцияси” ишлаб чиқилди. Унда асосан фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга эътибор берилган. Ҳозирги кунда фермер хўжаликларида агросервис хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилган.

Фермерга тўлиқ таъминот, хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилса маҳсулот етиштириш самарадорлиги юқори бўлади.

Туман МТП (ҳовлисида) сервис хизматида қишлоқ хўжалик субъектлари кенг фойдаланилмоқда. Улар асосан контрактация шартномаси асосида замонавий техникалардан (Магнум, Кейс) фойдаланилмоқда. Лекин уларнинг хизмати қимматлиги учун Муқобил МТПдан фойдаланиш фойдали бўлмоқда.

### **12.3. Қишлоқ хўжалигида транспорт воситаларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари**

Қишлоқ хўжалигига техник сервис хизмат кўрсатилганда аввало хўжалик ҳамда хизмат кўрсатувчи даромад олади. Бу даромадни янада ошириш ва сарф харажатларни камайтириш учун унга боғлиқ бўлган кўплаб иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш ва улар ёрдамида таҳлил қилишдан иборатдир. Трактор воситасига иқтисодий баҳо

беришда меҳнат унумдорлиги, бажарилган иш ҳажми тонна-километрнинг таннархи ва капитал сарфлар миқдори билан ҳам аниқланади. Фермерларга кўрсатилаётган хизматлар самарадорлиги қуйидаги иқтисодий кўрсаткичлар билан изоҳланади.

Ҳар хил маркали машиналарнинг иш ҳажмини аниқлашда: а) автомашиналарнинг йиллик ўртача сони; б) машиналарнинг бир йилдаги иш кунлари сони; в) бир машинанинг кунлик босиши (км); г) автомашинанинг юк кўтариши (тонна); д) автомашина паркидан фойдаланиш коэффиценти; е) юкларнинг ҳолати ва бошқалар.

**Автомашина паркидан фойдаланиш коэффиценти** – машиналарнинг иш кунларининг календар кунларга бўлинади:

$$M_{\phi k} = \frac{I_k}{K_k}; \alpha_{\phi}$$

Бунда:

$\alpha_{\phi}$  - машиналардан фойдаланиш коэффиценти;

$I_k$  – транспорт воситаларининг иш кунлари;

$K_k$  – календарь кунлар.

**Паркдаги транспорт машиналарининг ишга тайёргарлик коэффиценти** – транспорт воситаларининг иш кунларидан таъмирлаш ва техник қаровларда банд бўлган машина кунларини айирамиз, қолган иш кунларини транспорт воситаларинининг иш кунларига бўламыз:

$$A_{TK} = \frac{I_k - K_k}{K_k};$$

Бунда:

$A_{TK}$  - машиналарнинг ишга тайёргарлик коэффиценти;

$K_k$  – таъмир ва техник қаровларда банд бўлган кунлар.

**Машиналарнинг ўртача юриш тезлиги** – автомашина ёки прицепли тракторларнинг ўртача бир соатда босиб ўтган йўли олинади:

$$Q = \frac{Z}{t_{ю}};$$

Бунда:

$Q$  – машинанинг бир соатда ўртача босиб ўтган йўли (км);

$Z$  – маълум вақт ичида босиб ўтилган йўл (км);

$t_{ю}$  – йўл юришга сарфланган вақт (соат);

### Ҳар т/км га сарфланадиган ёнилғи миқдори

$$1\text{тт } B_m = \frac{B_m}{B_m * A_{юк} * A_{фк}} * A_{осф}$$

Бунда:

$B_m$  – бир т/км га сарфланадиган автобензин меъёри (г);

$B_m$  – ҳар 100 км га сарфланадиган автобензин меъёри (л);

$M$  – автомашинанинг юк кўтариши;

$A_{юк}$  – юк ортилган автомашинадан фойдаланиш коэффициенти;

$A_{фк}$  – автомашинадан юк ташишда фойдаланиш коэффициенти;

$A_{осф}$  – юк билан юргандаги бир т/км га ортикча сарфланадиган бензин (г).

Темир йўл транспортини техник-иқтисодий кўрсаткичларига кўра бўлинади: а) 1-вагонга тўғри келадиган статистик ва динамик оғирлик; б) вагонларнинг айланиш вақти; в) техник ва участка тизими; г) юк вагонларининг ўртача суткалик меҳнат унумдорлиги.

Транспорт воситаларидан фойдаланишни тўғри ташкил қилиш уларга сарфланадиган ёнилғи ва мойлаш материалларининг миқдорини тўғри аниқлаш, ҳайдовчи ва юкчиларнинг меҳнат унумини оширишда, юк ташишни арзонлаштиришда катта аҳамиятга эгадир.

Машиналарнинг тортадиган юки ҳажмига қараб ҳар 100 км юришга сарфланадиган ёнилғи меъёри куйида берилди: ЗИЛ-150 – 32,5 л, ЗИЛ-164 – 31 л, ЗИЛ-5 – 30 л, ГАЗ-63,63, А-27,5 л, Газ 51, 51А-19 л, ГАЗ-450 – 17 л, ЗИЛ-157 – 40 л, МОЗ – 200 Д-29,5, ГАЗ-93 – 25,5, ЗИЛ-5 (самосвал)-34 л, МАЗ-205 ЯАЗ, 210Е-222 – 57 л ва бошқалар.

### **Қисқача хулоса**

Транспорт воситалари халқ хўжалигининг барча тармоқларини бир-бири билан узвий боғлашдан иборат. Унинг таркибига темир йўл, автомобиль, ҳаво ва қувур транспортлари киради. Уларнинг фаолиятини яхшилаш тўғрисида Республика Президенти томонидан фармонлар қабул қилиниб, тармоқни комплекс ривожлантиришга қаратилган.

Қишлоқ хўжалигида транспорт воситаларини асосий вазифаси, мақсадли ишни ташкил этиш йўллари кўрсатиб ўтилган. Қишлоқ хўжалигида ички тизимида асосан от-улов ва трактор прицеплари билан озиқ-овқат маҳсулотлари, минерал ўғит, пахта,

чорвачилик ем-хашаклари ташилмоқда. Ташилаётган юкларнинг ташиш тезлигини ва унга сарф харажатларни камайтириш учун иқтисодий кўрсаткичлари кўрсатиб ўтилган.

### **Таянч иборалар**

Транспорт, темир йўл, автомобил, қувур, хаво, дарё, “Ўзавтойўл”, “Ўзийўллойиха”, юк, йўловчи, “Ўзавтотранспорт”, трубопровод, МТП, Муқобил МТП, таъсисчи, баҳо, масофа, техник сервис.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Транспортнинг халқ хўжалигида тутган ўрни?*
2. *Транспорт хизматидан фойдаланиш йўллари нимада?*
3. *Транспорт турларига нималар киради?*
4. *Хўжаликларда транспортдан қандай фойдаланилади?*
5. *Транспорт воситаларидан фойдаланишнинг иқтисодий кўрсаткичлари.*

### **Асосий адабиётлар**

1. *Каримов И.А. “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадмиз”. –Т.: “Ўқитувчи”, 2000.*
2. *Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”. –Т.: Ўзбекистон, 1995.*
3. *Хўжаев Б.А. “Автомобиль транспорти иқтисодиёти”. –Т.: “Ўқитувчи”, 1992, - 268*
4. *Кошкин Ю.А. “Экономика ремонта сельскохозяйственной техники”. –М.: “Колос”, 1983, 413*
5. *Тошбоев А.Ж. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент” фанидан босқич ишини бажариш учун услубий қўлланма. –Т.: “ТИҚХМШИ”, 1999.*
6. *Синюкова М.И. “Организация производства на сельскохозяйственных предприятиях. –М.: 1989, -511.*
7. *Тошбоев А.Ж. “Ўзбекистон миллий иқтисодиёти фанидан лекциялар курси”. – Т.: “ТИМИ”, 2006, -142 б.*

## **13-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АГРОКИМЁ ХИЗМАТИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ**

### **13.1. Қишлоқ хўжалик корхоналарига агрокимё хизмати кўрсатиш тушунчаси**

Агрокимё сервис хизмат кўрсатиш корхонаси қишлоқ хўжалик субъектларига шартнома асосида хизмат кўрсатишдан иборатдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулот ишлаб чиқаришнинг натижаси унга жуда боғлиқ.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиётига ўтишида агрокимёвий хизмат кўрсатиш даражасига эътибор берилади. Янги шаклдаги қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш бевосита ерларни режали унумдорлигини ошириш билан боғлиқ. Минерал ўғитларни истеъмолчиси бўлган ўсимликчилик тармоғининг асосий бири тури – пахтачиликдир. Пахта кўп минерал ўғит талаб этувчи ўсимликдир. Ўзбекистон Республикасида бу 1965 йилда пахта бўйича–2072,5 минг тонна физик оғирликда, 2000 йилга келиб азотли ўғитлар–303,0, фосфорли ўғитлар–88,0, каолийли ўғитлар–37,0.

Ерга ишлов беришда юқори самара берса ҳам, тўлиқ етказиб берилмайди. Ерга ишлов бериш ва пестицидларни ишлатиш хусусияти қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш йўналиш тартибини асослаб беради. Бу жараён барча кўриладиган чораларга боғлиқдир. Ривожланган давлатларнинг илмий агрокимёвий таъминоти илмий-текшириш ташкилотлари, хусусий ташкилотлар, давлат бюджети ва фермерлар молиялаштиради. Агрокимёвий ишлаб чиқариш хизматини ихтисослаштирган кимёвий компания ва ташкилотлар, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бевосита фермерларга хизмат кўрсатади.

МДХ давлатларида агрокимёвий хизмат кўрсатишни давлат ва кооператив агрокимёвий марказ ривожланишига боғлиқдир. Давлатимизнинг катта эътибори асосида кимёлаштириш, кимёвий ўғитларни ишлаб чиқариш охириги икки ўн йилликда етарли даражада ривожланди.

АҚШда ўғит ишлаб чиқариш даражаси МДХ давлатларига нисбатан 15 йил кўпроқ тажрибага эга. 1972 йилда МДХ давлатлари жаҳонда ўғит ишлаб чиқариш бўйича мутлоқ биринчи ўринга чиқиб олди. МДХ давлатларидаги кимёлаштиришнинг катта қисми қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатишни ихтисослаштириш ва бириктиришни талаб қилди. Бу давлат чиқарган қишлоқ хўжалик техника тизимининг биринчи босқичи қишлоқ хўжалик корхоналарини кимёлаштириш воситалари ва

таъминот функцияси билан шуғулланувчи унча катта бўлмаган агрокимёвий ишларни таъминлайди. Давлат қишлоқ хўжалик техника ишлари тизими агрокимёвий хизмат ходимлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш натижасига қизиқиши бор. Кимёлаштириш ишлари сифати, ишнинг энг паст сифатини, муддатларнинг бузилиши, кучи, ўғитларни ташиш имконияти, уни сақлаш ва жойлаштириш, муаммолари ҳал этилмаса ўғитни ишлатиш самарадорлиги (қайтими)га таъсир этади.

Яна битта катта мавжуд бўлган етишмовчилик бор ва бу ўғитни йуқолишига олиб келадиган омбор ҳажмининг етишмовчилигидир.

Давлат қишлоқ хўжалик техника тизими фаолиятида агрокимёвий хизмат кўрсатувчи ишчиларида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш натижасига бўлган қизиқишини шакллантира олмади. Булар агрокимёвий хизматларни паст даражага олиб келди. Муддатларнинг бузилиши, кучининг пастлиги, ўғитларни етказиб бериш, уларни сақлаш ва етказиш шароитлари давомида воситаларни қабул қилингандан кейинги қайтимининг унчалик катта эмаслиги. Ундан ташқари кимёвий воситларни етказиб бериш ҳажми ва улардан фойдаланиш учун базага етказиб бериш ўзаро мос келмади. Кимёвий ўғитларни солиш ишларини механизациялаш муаммоси секин ҳал қилинмоқда. Ўғитни аралашмасини тўлик етказиб бериш яхши йўлга қўйилмаган, ҳам маълум, у ўғитдан фойдаланиш самарасини сезиларли оширади ва материал захираларига меҳнат харажати камайтиради.

Кимёлаштиришнинг материал техникавий базасини шакллантиришдаги етишмовчиликдан ташқари, ниҳоятда ундан самарасиз ишлатилиши ҳаммаси кўпроқ ўсимчиликда агрокимёвий хизмат кўрсатишни ташкил этишни кучсизлигига боғлиқ.

Агрокимёвий хизмат кўрсатувчи тизимдаги узок бўлмаган вақтга амал килувчи узаро идоралараро алоқа бошқаришда кийинчилик тугдиради, воситаларни сотиш вазифасини бажариш ва қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни барча жараёнида охирги натижа самарасини пасайтиришга олиб келади.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар шароитида агрокимёвий хизматнинг роли пасаймади. Регионал кимёвий воситалардан фойдаланишнинг тула жавобгарлигининг барчаси Агрокимёвий таъминотга юкланди.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларини минерал ўғитлар ва бошка кимёвий воситалар билан таъминлаш қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизма кўрсатишнинг илмий-услубий таъминоти билан бирикиши асосида амалга оширилади, ишни сезиларли қисми қишлоқ хўжалик корхоналарига агрокимёвий ишлаб чиқариш хизматини амалга оширувчилар хиссасига тугри келади. Куп шаклдаги функцияни



бажарувчи усимчилик усишида бевосита иштирок этувчи технологик операцияларни бажаришида Агрокимё таъминот билан қишлоқ хўжалик корхоналари уртасидаги алоҳида ишлаб чиқариш иқтисодий алоқаси орқали амалга оширилади. Агрокимётаъминот бирлашмаси қишлоқ хўжалик корхонсига илмий ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш агрокимёвий хизматини кўрсатади.

Ишлаб чиқариш, етиштириш операциялари ичидаги энг муҳимлари куцидагилар:

- ❖ Органик ва минерал ўғитларни, ўсимликларни химоялаш воситаларини ташиш ва етказиб бериш;
- ❖ Ем ишлаб чиқаришни кимёлаштириш;
- ❖ Омборхона, фермаларни дезинфекциялаш;
- ❖ Завод етказиб берувчидан кимёвий воситаларни қабул қилиб олиш, назорат қилаш ва сақлашни таъминлаш;
- ❖ Етказиб берувчи хўжаликлардан шартнома бўйича франко шартли асосида химявий воситаларни темир йул вагонларидан узининг транспортигача етказиб бериш.

Хайдаладиган ер ва бошқа қишлоқ хўжалигига фойдали булган тупрокни экишни лойиха-смета ҳужжатларини, меъёр ва минерал ҳамда органик ишларнинг қабул қилинган меъёрлари Агрокимётаъминотнинг кимёлаштириш ва агрокимё лабораториясидаги лойиха кидирув станциясида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида кимёвий лойиха кидирув станциялари ва лабораторияларида амалга ошириладиган агрокимёвий илмий- ишлаб чиқариш хизматлари давлат бюджети ҳисобидан шаклланади.

Шунинг учун Агрокимё таъминот хўжаликлари билан майдоннинг таркибий қафолатини яхшиланиши, берилган тупрок унумдорлиги кўрсаткичига эришиш бўйича шартнома тузади. Агрокимё таъминот бирлашмаси шартномага асосан тупрок унумдорлигини ошириш бўйича комплекс чоралар амалга оширилувчи аниқ майдонга хизмат қилишга бириктирилади. мутахассислар ўсимликларни юқори аниқликдаги программалаштириш имконини берадиган ўғитли аралашманинг рационалроқ булган нормасини ҳар бир майдон бўйича агрокимёвий картага ва майдон паспортига таяниб асослаб беради.

Агрокимёвий таъминот бирлашмаси қишлоқ хўжалик корхоналарига агрокимёвий хизмат кўрсатувчи туман (туманлараро) ишлаб чиқариш бирлашмасини ва хўжалик хизмат базасидаги кимёлаштириш пунктларини тузишга жавобгарликни олади.

Агрокимёвий хизмат кўрсатувчи пастки (куйи) ишлаб чиқариш бугини бу – хўжалик кимёлаштириш пунктидир. Улар узларида қишлоқ хўжалик корхоналарида кимёвий воситаларни ишлатишда керак булган асосий ва айланма воситалар, ишчи кучи билан таъминланган ихтисослаштирилган ажратилган булимни ифодалайди. Кимёлаштириш пункти ишлаб чиқариш пункти ёки цехлари каби яратилади. У хозирги вақтда давлатнинг агрокимёвий хизмат таклифларини асосий ишлаб чиқарувчи звеносидир. Шунингдек, хозирги вақтда йирик хўжаликларда кимёлаштириш булими мавжуд, бошқалари фақат хосилдорликка ажратиш учун ташкил қилинади, асосан участка ва булимлар сонига боғлиқ бир булимнинг узи ҳар доим барча ишлаб чиқариш бригадаларида хизматни сифатли ташкил этишга қодир.

Ўзбекистондаги қишлоқ хўжалик корхоналарида тузилган кимёлаштириш пункти ишлаб чиқаришга кимёлаштириш воситаларини қуллаш харажатларини қисқартириш имконини беради. Мамлакатимизнинг бир қанча туманларида хўжаликлараро кимёлаштириш пунктларига ва уз фаолиятини тулик хўжалик ҳисоби асосида ташкил қилган Агрокимётаъминот акциянерлик жамиятининг туман (туманлараро) филиаларининг ривожланишига эга бўлди. Кимёлаштириш пунктларига асосий воситалар, омборхоналар, улчаш қурилмалари, шийпонлар, техника, қишлоқ хўжалик авиацияси учун учуш-қуниш йулакчалари, жихозлар, техник хизмат кўрсатиш учун ювиш жойи ва бошқалар бириктирилади.

Хўжаликлараро кимёлаштириш пункти таркибида бир ёки бир неча механизациялашган булимлар ташкил қилинади, улардан ҳар бири комплекслашган ва ихтисослашган булимлардир (звенолар):

- ❖ Кимёвий воситалар омборларида тайёрлаш ва ортиш-тушириш ишлари бўйича булим;
- ❖ Органик ўғитларни қуллаш булими;
- ❖ Минерал ўғитларни қуллаш булими;
- ❖ Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини қуллаш булими;
- ❖ Тракторларга, автомобил ва қишлоқ хўжалик машиналарига техник хизмат кўрсатиш пунктлари.

Агрокимётаъминот акциядорлик жамияти ишлаб чиқаришга хизмат уқрсатиш йуналишини яратади, яъни вилоят ва туман даражасидаги кимёвий воситалардан самарали фойдаланишга муҳим замин яратади.

Ягона ихтисослашган агрокимёвий хизмат кўрсатиш мақсадида бозор муносабатларига утиш шароитида қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат

кўрсатишни хўжалик ҳисобига утиши, ҳамда самара ва сифатни оширишга йуналтирилиши, юкори якуний натижага эришишга иқтисодий кизикишни ошириш кимёвий воситаларни йуколишини камайтиришни фаолиятини ташкил қилиш. Бунинг барчаси қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини кейинчалик ҳам усишини ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш махсулотлари ҳажмини оширишни таъминлаши шарт.

Агрокимёвий хизмат кўрсатиш турли шакллариининг ривожланиши унинг хўжалик билан узаро алоқасини узига хос хусусиятини, яъни ер усти ва авиация агрокимёвий ишлар ва уларни агрокимёвий воситалар билан таъминловчи томонлар билан тузилган шартномаларни бошқаришни яратди. Шартномада биргаликда бажариладиган барча турдаги ишлаб чиқариш ва кидирув ишлари, уларнинг ҳажми ва киймати, молиялаштириш манбалари кўрсатилади (оҳак билан ўғитлаш, фосфорлаш ва техникавий ишлар бюджет маблашлари ҳисобидан бажарилади).

У ёки бу хўжаликдаги ишларнинг бажарилиш муддати график бўйича амалга оширилади. Одатда ҳар бир хўжаликда булимнинг иш муддати 2-3 ҳафтадан ошмайди. Агрокимётаъминотни саклаб турган воситалар манбаи, унинг шартнома бўйича бажарган иш ва хизматларидан олинган даромад ҳисобланади. иш натижаси шартнома бўйича олинган пул воситалари ва агрокимёвий хизмат ва фаолиятни таъминлаш харажатдари фарқи сифатида акс эттирилади. Агрокимёвий ишлардан олинган даромад ва фойдани туман бирлашмаларининг асосий фондларини шакллантиришнинг ягона манбаи бўлиб хизмат килади. Шунинг учун уз вақтидаги узаро ҳисоб-китоб ҳамда бирлашма оладиган бажарилган иш ва фойда ҳажмига баҳони асослаш тизимини бошқариш асосида шартномаларнинг сифатли якунланиши мумкин.

Режали иқтисодиёт даврида қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш булимлари йирик қишлоқ хўжалик таркибижа тузилган ва кимёлаштириш хизматлари ички хўжалик тизими асосида амалга оширилган. Агрохимсервис корхоналари эса “таъминотчи” сифатида фаолият кўрсатган. Эндиликда агрохимсервис хизматлари турли мулкчиликка асосланган хўжалик шакллари талабидан келиб чикан ҳолда куйидагича таърифланади.

Агрохимсервис хизмати-қишлоқ хўжалик корхоналарига шартнома асосида орган ва минерал ўғитлар, биологик ва кимёвий воситаларни етказиб бериш, кулаш, ишлов бериш, сепиш, шунингдек агрокимё картограммалари асосида солиш ва кимёвий воситаларни куллаш бўйича илмий асосланган маслаҳатлар бериш, тупрок унумдорлигини оширишга қаратилган турли тадбирларни уз ичига олган ҳолда барча агрокимёвий хизматлар мажмуидир.

### **13.2. Минерал ўғит ишлаб чиқариш ва уни истеъмолчига етказиб бериш йўллари.**

Кимё саноат корхоналари ва ташкилотларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда улар фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ошириш тармоқ корхоналарини акциялаштириш жараёнларини чуқурлаштириш; минерал ўғитларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш; техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш мақсадида 2001 йил 13 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноатини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 27 декабрдаги Ф-1313 – сон Фармойиши билан тузилган кимё тармоғини бошқариш тизимини ва қишлоқ хўжалигини кимёвий препаратлар билан таъминлашни такомиллаштириб очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилди.

Ўзбекистон кимё саноати корхоналари уюшмаси ўрнига «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси фаолият юритади. «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг асосий вазифаси:

- кимё саноати корхоналарини чуқур ислоҳ қилиш ва хусусийлаштириш, ушбу мақсадлар учун чет эл ва мамлакатимиз инвесторларини кенг жалб этиш;
- тармоқни ривожлантиришнинг кимё саноатини барқарор ривожлантиришга, республиканинг минерал ўғитларга ҳамда кимё маҳсулоларининг бошқа турларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган ўртача ва зоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- кимё маҳсулотлари ташқи бозорининг маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш ҳамда шу асосда экспорт салоҳиятини кенгайтиришни таъминлаш, жаҳон бозорларида рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларни экспортга етказиб бериш;
- кимё саноатини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга йўналтирилган ягона техника сиёсатни ўтказиш, ресурсларини тежайдиган самарали технологияларни жойрий этиш, ишлаб чиқаришни ва бутловчи буюмлар тайёрлашни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш;

- менежментнинг замонавий усуллари эгаллаган ва бозор шароитларида самарали ишлашга қодир бўлган муҳандис-техник ва бошқарув кадрлари малакасини ошириш ҳамда уларни қайта тайёрлаш каби вазифалар юқоридаги қарорда белгилаб берилди.

Компания корхоналарини хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда босқичма-босқич очиқ акциядорлик жамиятларига айлантириш тадбирларини белгиланган тартибда амлга оширомоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси ва «Ўзкимёсаноат» ДАКга кимё саноати корхоналарини хусусийлаштириш учун хорижий консалтинг ва баҳолаш компаниялари, молиявий агентликларни жалб этишиб, бунинг учун зарур маблағлар ажратилди. «Ўзкимёсаноат» ДАКга мақсадли Кимё саноати ташкилотларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш ҳуқуқи берилди.

### **13.3. Агрохимия хизмати корхонаси ҳақида тушунча.**

Қишлоқ хўжалик корхоналарига минерал ўғит, органик ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини етказиб бериш ва сервис хизматлари кўрсатиш 2004 йилларгача «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик компанияси ва уларнинг вилоят, туман ва туманлараро бирлашмалари зиммасида эди.

Минерал ўғитлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситаларини ишлаб чиқариш ва сотилишини яхлит тузилмасини яратиш уларнинг қишлоқ хўжалигига етказиб берилганлиги учун ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш, ҳудудий агрокимё хизматларининг маъсулиятини ошириш, улар ва ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш мақсадида 2004 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кимё саноати корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишни яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Бу қарорга кўра «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАК тугатилди. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари «Ўзкимёсаноат» ДАК таркибига берилиб, «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларига айлантирилди. «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг вазифаси қилиб қуйидагилар белгилаб берилди:

- ўз туманлараро ва туман филиаллари орқали тегишли ҳудуд бўйича ҳақиқий талабни ўрганишни буюртманомаларни умумлаштириш ҳамда пировард истеъмолчилар – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларининг аниқ турларини етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш;
- ҳар йили 1 октябрдан кечиктирмай, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг буюртманомаларини умумлаштириш асосида республика вилоятлари бўйича минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларига бўлган эҳтиёж прогнозини шакллантиришни ҳамда минерал ўғитлар ва ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқарвчи корхонларида ишлаб чиқариш бўйича келгуси йил дастурини ўз вақтида тайёрлаш учун «Ўзкимёсаноат» ДАКга тақдим этади;

2004 йилдан бошлаб ишлаб чиқарвчи корхоналар томонидан минерал ўғитларнинг асосий турларини ва дефолиентларни улгуржи сотиш юзасидан ташкил этиладиган ярмарка савдоларида «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий ациядорлик жамиятлари улгуржи харидорлар сифатида иштирок этадилар.

«Ўзкимёсаноат» ДАКнинг минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналари томонидан воситачилик шартномалари бўйича ва «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг омборларида жавобгарлик остида сақлаш учун минерал ўғитлар жўнатиш таъқиқлангани учун, «Ўзкимёсаноат» ДАК таркибига кирувчи минерал ўғит ишлаб чиқарувчи корхоналарга махсус жиҳозланган омборхонлар ажратиб берилди. Шунингдек, юқоридаги қарорга биноан «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятларининг чакана савдо тармоғи орқали деҳқон ва фермер хўжаликларига сотиладиган минерал ўғитлар ва кимёвий препаратларга кўшилган қиймат солиғининг олиб ташланиши «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий асосини кучайтирди.

Корхонани бошқаришнинг асосий мақсади энг юқори фойда олиш. Бошқарув аппаратининг тузилиши деганда бошқарув аппарати ва унинг таркибидаги боғланиш тушунилади. Бошқарув аппаратининг таркиби бир-бири билан боғланган бирикмалар ва бўғинларбилан тўлдирилиши унинг ташкилий тизими дейилади. **Ташкилий тизим** бу Бошқарув тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб, бошқарувчи тизим, бошқарув субъекти ташкилий тузулиш шакли демакдир. Бошқарув тизими ташқи ва ички омилларнинг таъсири остида таркиб топади. Бошқарув бўғинлари ўртасидаги

алоқаларнинг турига қараб тизимларни 3 та асосий турга ажратиш мумкин, яъни, лавозими, вазилавий ва аралаш, яъни комбинацияли мунтазам тизимлардир.

Раҳбар ишининг асосий омилларига қуйидагилар киради: бошқарув фаолиятининг моҳияти, бошлиқнинг роли, бошқариш функциялари ва муваффақиятга қаратилган бошқарув.

Раҳбарнинг роли қуйидагилардан иборат: шахслараро информацион ва қарор қабул қилиш.

Корхонани бошқаришда қўлланиладиган усуллар:

1. иқтисодий усуллар – ходимларнинг моддий манфаатдорлиги билан боғлиқ;
2. ташкилий-маъмурий бошқарув усулига яккабошчилик муносабатлари, интизом ва маъсулиятга асосланади;
3. ижтимоий психологик усуллар;

Бошқарув тизимининг қуйидаги 3 хил системаси мавжуд бўлиб:

1. чизиқли бошқариш системасида ҳар бир ходим фақатгина битта бошлиққа бўйсунди;
2. функционал бошқариш системасида бошқариш системаси 2-3 раҳбар ўртасида ихтисосига қараб тақсимланади. Бу системада бошқариш анча ихтисослашган бўлади.
3. мураккаб бошқариш системаси – функционал ва чизиқли бошқариш системасининг йиғиндисидан ташкил топади.

Қишлоқда иқтисодий ислохатларни жадал суратлар билан амалга оширилиши, мулкдорлир синфининг шаклланиши, хўжалик юритиш шакллариининг қупайиши шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий омилларидан бири булган агрохимсервис хизматини ташкил этиш ва такомиллаштиришш тухим ахамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигига минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситаларини етказиб бериш, тупрок унумдорлигини саклаш ва ошириш, юкори хосилдорликка эришиш, махсулот сифатини яхшилаш, ўсимликларни зараркунанда, касаллик ва бегона утлардан химоя қилиш агрохимсервис хизматини ташкил этишга боғлиқ. Бугунги кунда “Узкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси ва Республика ўсимликларни химоя қилиш ва агрокимё маркази таркибига кипувчи тузилмалар ва бошка бир катор хусусий корхоналар қишлоқ хўжалигига агрохимсервис хизмати кўрсатиб ккелмоқда.

Қишлоқ хўжалик корхоналарига агрохимсервис хизмат кўрсатувчи “Узкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси ва унинг таркибидаги корхоналарнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

- Минерал ўғит ва бошка кимёвий воситаларни ишлаб чиқариш ва уни сифатини яхшилашга йуналтирилган ягона техник сиёсат утказиш, ресурсларни тежайдиган самарали технологияларни жорий этиш;
- Маркетинг тадқиқотлари олиб бориш ҳамда минерал ўғит ва кимёвий воситаларга булган талабни урганиш;
- Қишлоқ хўжалигига минерал ўғит ва кимёвий воситаларни белгиланган талаб асосида етказиб бериш учун буюртмалар кабул қилиш ва шартномалар тузиш;
- Ракобатбардошли кимё воситаларини ишлаб чиқаришни курайтиришга, экспорт салохиятини кенгайтиришга каратилган урта ва узок муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- минерал ўғит ва кимёвий воситаларни ишлаб чиқариш ва таксимлашнинг йиллик балансини ишлаб чиқиш;
- минерал ўғит ва дефолиантларни соитшда хар йилги ярмарка савдолари утказилишини ташкил этиш;
- сохада кадрлар малакасини ошириш ва кайта тайёрлаш.

“Узкимёсаноат” давлат акциядорлик компаниясининг таркибига минерал ўғит ва дефолиантлар ишлаб чиқарувчи заводлар, вилоят “Қишлоқхўжаликимё” худудий акциядорлик жамиятлари, уларнинг туман ва туманлараро филаллари ҳамда минерал ўғит ва бошка кимёвий воситалар сотувчи дукон ва шахобчалар киради.

Вилоят “Қишлоқхўжаликимё” худудий акциядорлик жамиятларининг туман ва туманлараро филиаллари оркали тегишли худуд бўйича минерал ўғит ва бошка кимёвий воситаларга булган талабни урганадилар, ҳамда буюртмаларни умумлаштирган холда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари билан шартномалар тказдилар. Тузилган шартномалар асосида умумлаштирилган буюртманомалар вилоят “Қишлоқхўжаликимё” худудий акциядорлик жамиятига, бу ердан эса “Узкимёсаноат” давлат акциядорлик компаниясига такдим этилади, компания уз еавбаида келиб тушган буюртманомаларни заводларга жойлаштиради.

Кимё заводлари ҳамда минерал ўғит ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини импорт килувчи фирмалар ва махсулотларни улгуржи-савдо ярмаркасида товар хом-ашё биржасига куяди.



### 13.4. Минерал ўғитлардан фойдаланиш ва агрохимё сервис хизмат кўрсатишнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари.

Ўсимлик учун ёруғлик, иссиқлик, ҳаво, сув ва озик моддалари талаб даражасида бўлса, унинг ривожланиши ва ҳосил тўплаши юқори бўлади. Шулардан бири минерал озик моддалари азот, фосфор, калий, магний, кальций, олтингугурт, темирмоддалари киради. Микроэлемент озик моддаларига бўр, марганец, рух, мис, молибден, кобальт ва бошқалар киради.

Ўсимликларнинг асосий озик элементи азот, фосфор ва калий бўлиб, ўсимлик илдизлари орқали минерал ўғит ҳолида, баъзан эса органик ҳолида озик моддаларини тупроқ орқали олади. Деҳқончиликда фойдаланилаётган озик моддалар минерал ва маҳаллий ўғитлардан иборат бўлиб, қаттиқ ва суюқ ҳолида ишлатилади.

**13.5.1-жадвал.** Асосий қишлоқ хўжалик экинларига бериладиган маданий ўғитларнинг илмий асосланган ўртача меъёрлари, (кг/га).

100 % соф модда ҳисобида

№	Экин турлари	Азот	Фосфор	Калий
1	Бошоқли дон экини: суғориладиган	150-200	100-120	50
	лалми	50-60	40-50	-
2	Маккажўхори (дон учун)	180-220	120-140	85-90
3	Шоли	200-220	140-145	150-180
4	Вўза, ш.ж. ўртача толали	215-240	145-165	95-100
	Ингичка толали	230-250	155-165	100-110
5	Каноп	160-180	130-140	80-90
6	Тамаки	120-150	80-100	40-45
7	Картошка	120-150	85-100	60-75
8	Сабзавот	145-200	100-110	70-75
9	Полиз	50-75	100-110	45-50
10	Озуқабоп илдизмева	220	90	60
11	Маккажўхори (силос учун)	200	90	60
12	Эски беда	100	90-100	50-60
13	Мева берувчи боғ	120-130	85-90	65
14	Мева берувчи тозор	135-140	90-95	70
15	Тутзорлар	100	60	40

Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалик экинларига маъдан ўғитларни ишлатишда ўзига хос ҳар бир экин турининг марфалогик хусусияти бўлиб, унга ер шароити, об-ҳаво, иқлим, рельеф ва атроф-муҳит ҳисобга олиниб районлаштирилади. Илмий текшириш институтларининг олиб борган илмий тадқиқот ишларининг натижаларидан келиб чиқиб ўсимлик тури бўйича ўғит меъёрлари ишлаб чиқилади. Ўғит меъёрлари ўғит турлари бўйича таъсир этиш озиқ бирлигида ишлаб чиқилиб таъминот ташкилотлари орқали ўғит билан таъминлаш фондлари белгиланади. Бу меъёр ва фонд директив ташкилотлар томонидан тасдиқланиб, дастур тузилади. Масалан: 2-жадвалада бошоқли дон учун 150-200 кг азот, 100-120 кг фосфор, 50 кг калий ўғит бериш меъёри белгиланган бўлиб, ҳар бир товар ишлаб чиқарувчи субъект мазкур кўрсаткич орқали маҳсулот етиштиришни режалаштиради. Ушбу меъёрий кўрсаткичлардан ўғит кам ёки кўп бўлса, хўжалик фаолиятига катта зарар етказиши мумкин. Шунинг учун меъёр бўйича ўғит ишлатилса, ўғит ҳисобига ҳосил шунча юқори бўлади. Маъдан ўғитларни ишлатишда ҳар бир экинга шудгорлашда, экин олдидан, экиш билан бирга ва озиқлантириш даврларига ажратиб ўғитни ишлатиш меъёрлари ҳам ишлаб чиқилган.

Органик ўғитлар таркибида азот, фосфор, калий, кальций ва ўсимликларни озиқлантириш учун керак бўлган бошқа элементлар, шунингдек тупроқнинг хоссаларига ижобий таъсир этадиган органик моддиалар бўлади. Органик ўғитлар таркибида азот, фосфор ва калий миқдори минерал ўғитлар таркибидагига қараганда камроқ бўлади, шунга кўра уларни узоққа ташиб бўлайди., тўпланган жойидан олиб фойдаланилади ва шунинг учун ҳам маҳаллий ўғитлар деб ҳам юритилади. Органик ўғитларга ҳайвонлар гўнги, турли хил компостлар, кўк ўтлар қиради.

Ўғитларнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги кўрсаткичлар билан таққосланиши лозим қопланувчанлик, рентабеллик, таннархи, соф даромад, меҳнат унумдорлиги.

Шунингдек ўғитларнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашда қўшимча маҳсулот етиштириш ва сотиш учун сарфланган қўшимча харажатни ўғитланмаган вариант билан таққосланади. Энг оптимал вариант учга бўлинади:

1. Қилинган харажатларнинг энг юқори рентабеллиги;
2. 1 гектар ердаги энг кўп соф даромад олиш;
3. 1 гектар ердан энг арзон маҳсулот олиш.

Ўғитлардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблашда ишлаб чиқариш ва бухгалтерия ҳисоби материалларидан қуйидаги

маълумотларни олиш лозим: “Қишлоқхўжаликкимё” ХАЖ нинг 1 тонна физик хажмдаги ва соф ҳолдаги минерал ўғитга қўйган нархи ва устамаси; “Қишлоқхўжаликкимё” ХАЖ га тўланмайдиган минерал ўғитларни хўжаликка ташиш бўйича қўшимча транспорт харажатлари; маҳаллий омбуотларга минерал ўғитларни тушириш харажатлари; ўғитларни сақлаш, ортиш-тушириш ишларига тайёрлаш, далагача ташиш ва солиш харажатлари; маҳсулот бирлигига қилинган териш, қайта ишлаш, сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари томонидан қопланмаган сотиш харажатлари; 1 этало гектар, тонна-километр ва от-кучи таннархи; қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш прејскурант нархи; ўғитларни оритш-тушириш тайёрлаш, ташиши ва ҳосилни йиғиш билан боғлиқ бўлган механизациялашган ва қўл меҳнатларининг бажарилиш меъёри ва баҳоланиши; хўжаликнинг деҳқончилик маҳсулотининг таннархига кирувчи иш ҳақи (ҳисобланган, қўшимча ва мукофотлар) ва накладной харажатларининг ўртача фоизи; хўжаликнинг 1 гектраига қилинган барча ишлаб чиқариш харажатлари пулда ва меҳнат сарфи киши-соатда, шунингдек 1 ц. асосий маҳсулотнинг таннархи ва иш ҳақи харажати; хўжаликнинг маҳсулот турлари бўйича ўртача ҳосилдорлиги ва ўғитларни сарфлаш меъёри. Ўғитлардан фойдаланиш ҳисобига ҳосилдорлик хажмининг ортиши қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Y_{yd} = (X_k * X_y) : 100;$$

Бу ерда:  $X_k$  – хўжаликдаги ҳақиқий ҳосилдорлик, ц/га.

$X_y$  - ўғитларнинг ҳақиқий сепилиш меъёридан келиб чиққан ҳолда ҳосилни етиштиришда тутган улуши, %.

Ўғитни жами ҳосилдаги тутган салмоғи қуйидаги ча аниқланади:

$$D_y = \frac{K_{ox}}{U_{xox}} \cdot 100 ;$$

Бу ерда:  $K_{ox}$  – тажрибадаги ўғит сарфи ҳисобига олинган қўшимча ҳосил, ц/га.

$U_{xox}$  – ўғит ҳисобига олинган ҳосил, ц/га.

Минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари қуйидагилар: ҳосилдорлик (X), ц/га – ЦСУ – 29 с.х нинг ҳисоб-китоб формуласига мувофиқ

$$X = \frac{Y_x}{Э_m};$$

формуласи бўйича аниқланади. Бу ерда  $Y_x$  – ялпи ҳосил, ц.  $Э_m$  – ҳосили йиғиштириб олинган майдон, га.

Минерал ўғитлар ишлатиш туфайли ҳосилдорликнинг ўсиши (МУитк), ц/га

$$M_{\text{уитх}} = \frac{X \cdot H_{\text{к}}}{100};$$

формула бўйича ҳисобланади. Бу ерда:  $H_{\text{к}}$  – ҳосилдорлик (ёки ялпи ҳосилдоги) нормативлар (1ғилова) бўйича белгиланган ўғитнинг қўшимча ҳиссаси.

Ҳосил ёрдамида ўғитга кетган истеъмол моллари чиқмини қоплаш (тўланадиган ҳақ) (Э), (Ц/кг) қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_{\text{к}} = \frac{M_{\text{уитк}}}{M_{\text{ум}}};$$

Бу ерда:  $M_{\text{ум}}$  – 1 гектра ерга тўғри келган минерал ўғитлар нормаси, ц (кг).

Меъёрга нисбатан ҳақиқий чиқимни қоплай олиш ( $\text{Э}_{\text{п}}$ ), процент – қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$M_{\text{х}} = \frac{C_{\text{к}}}{M_{\text{х}}} \cdot 100;$$

Бу ерда:  $M_{\text{х}}$  – меъёрий ҳақ.

Иккинчи босқичда қуйидаги қуйидаги нарх кўрсаткичларини ҳисоблаш тавсия этилади.

Минерал ўғитлардан қуйидагича ҳосил олишга кетган маблағлар  $A$ ,

$$A = A_1 + A_2$$

формула бўйича аниқланади.

Бу ерда,  $A_1$  – меъёрлар бўйича ҳисобланган сотиб олиш, транспорт воситасида ташиш, сақлаш, тайёрлаш ва ерни ўғитлашга мўлжалланган ишлаб чиқариш харажатлари.  $A_2$  – йиғиб-териб олиш, кам-кўстини тамомлаш ва қўшимча ҳосилни реализация қилиш (сотиш) билан боғлиқ бўлган ортиқча чиқимлар.

Бутун майдонда ёки 1 гектардан олинган соф даромад,  $C_{\text{ф}}$

$$C_{\text{ф}} = K_{\text{х}} - A$$

формула бўйича ҳисобланади. Бу ерда,  $K_{\text{х}}$  – ҳозирги баҳо бўйича ўғит ишлатиш натижасида олинган қўшимча ҳосил нархи.

1 сўм харажатга тўғри келган соф даромад,

$$C_{\text{ф}} = \frac{C_{\text{ф}}}{A};$$

формула билан ҳисобланади.

Туман «Ўзқишлоққимё» акциядорлик жамиятининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қуйидагилардан иборатдир:

1. хизмат қилувчи корхонага хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлиги ва меҳнат унумдорлиги;
2. ўғит ҳисобига олинган ҳосилнинг фаолиятдаги хўжаликнинг 5 йилликнинг ўрғачасига солиштирилган фарқи;
3. капитал қўйилмаларнинг қопланиши;
4. туман агрокимё хизматининг ўғит ҳисобига олинган ҳосили, ҳосилни ортиши, хизмат таннархининг пасайиши; юкни ташиш, юк оборот, сақлаш харажтларининг камайиши.

Агрохимия хизматининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари:

1. ўғит ҳисобига олинган ҳосил ц/га.

$$Уох=(Ям \times Муку):100$$

Уох – ўғит ҳисобига ўғит миқдори;

Ям – ҳақиқий ҳосилдорлик ёки ялпи маҳсулот;

Муку – ўғитнинг қатнашиш улуши, ҳосил бўйича.

2. Ўғит ҳисобига олинган ҳосилнинг пулдаги ифодаси;
3. Агрохимия хизмати ҳисобига таннархнинг пасайиши;
4. Агрохимия хизмати томонидан бажарилган ишлар қийматини (ҳажмини) режага нисбатан ўзгариши;
5. Хизмат кўрсатувчи хўжаликларга минера ўғитларни режага нисбатан етказиб бериш кўрсаткичи;
6. Капитал маблағларнинг қоплаш муддати.

Юқоридаги кўрсаткичлар орқали агрохимия хизматининг ва ўғитдан фойдаланиш самарадорлик кўрсаткичларини ҳисоблашдан иборатдир.

### **Қисқача хулоса**

Агрокимё сервис хизмат кўрсатиш – қишлоқ хўжалик корхоналарига минерал ва органик ўғит ҳамда кимёвий воситалар билан таъминлаш, етказиб бериш ҳамда агрокимё сервис хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Республика қишлоқ хўжалиги “Ўзкимёсанот” ДАК томонидан вилоят, туман ва туманлараро ҳудудий бўлинмалари ўғитларни етказиб берувчи шахобчалар орқали хизмат кўрсатади. Сервис хизматлар шартнома асосида амалга оширилади.

Ўғитлар билан таъминлаш белгиланган фонд бўйича, агрокимё сервис хизматлари эса келишув асосида амалга оширилади. Республикада ягона бўлган агрокимё сервис хизмат кўрсатиш тизимида қишлоқ хўжалик корхоналарини,

жумладан, фермер хўжаликларини ўғит билан таъминлашда олиб борилаётган ислохотлар шу тармокни ривожлантиришда катта самара бермоқда.

### **Таянч иборалар**

Агрокимё сервис хизмати, Ўзкимёсаноат, Қишлоқхўжаликкимё, шаҳобча, биржа, савдо дўконлари, минерал ўғит, органик ўғит, кимёвий воситалар, таъминот, заводлар, азот, фосфор, калий, ядохимикатлар, ўғит, кимё саноати, тупрок унумдорлиги, омборхона, самолёт, темир йўл йўлакчаси, шартнома, компост.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Агрокимё сервис хизмат кўрсатишининг зарурияти нимада?*
2. *Агрокимё сервис хизматларига нималар киради?*
3. *Ўғитлар қандай усулда хўжаликларга етказиб берилади?*
4. *Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизматининг асосий вазифаларини айтинг.*
5. *Минерал ўғит ва агрокимё сервис хизмат кўрсатишининг қандай иқтисодий кўрсаткичлари мавжуд?*

### **Асосий адабиётлар**

1. *Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоотларни чуқурлаштириши йўлида”. – Т.: Ўзбекистон, 1995.*
2. *Фармонов Г.Х. “Фермер хўжаликларини ривожлантириши истиқболлари”. – Т.: “Янги авлод” 2004. 143 б.*
3. *Тошбоев А.Ж. “Повышение эффективности агрохимического обслуживания в хлопкосеющих хозяйствах”. –Т.: “Меҳнат”, 1991, -154 ст.*
4. *Хасанжанов К.А. Эффективность средств химии в земледелии.-Ташкент.: Узбекистан, 1980 г. 204 стр.*
5. *“Кимё саноати корхоналарини бошқариши тузилмасини такомиллаштириши ва қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. 2004 йил 23 январ, №33.*
6. *«Государственное регулирование развития АПК и земельные отношения в России» под редакцией профессора Киселева С.В. –М.: «ТЕИС», 2005, -221 ст.*

## 14-БОБ. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА УНИ БАҲОЛАШ

### 14.1. Иқтисодий самарадорликнинг моҳияти ва мезони

Бозор иқтисоди шароитида фермер хўжалиги самарали ишлаши чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали юқори натижага эришишга ҳаракат қилиди. Ишлаб чиқариш самарадорлиги – жуда мураккб иқтисодий категориядир. У объектив иқтисодий қонунлар, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг асосини ифода этувчи – натижани, яъни оқибатни акс эттиради. Оқибат ёки натижа ҳар қандай фаолиятнинг мақсадидир. Самара тушунчаси билан иқтисодий самара тушунчасини фарқлаш керак.

Самара бу кенг тушунча бўлиб, ҳар қандай тадбир ёки фаолиятнинг ошишида, ем-хашак самараси, чорва маҳсулдорлиги ошишида ифодаланади. Аммо бу самара, яъни ҳосилдорликнинг ва маҳсулдорликнинг ошиши бу тадбирларнинг қанчалик фойдалилигини кўрсатмайди. Ўғит ва ем-хашаклардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларнинг қопланганлик даражаси шу харажатлар билан олинган натижа даромад билан таққослангандагина маълум бўлади. Ўғит ва ем-хашакдан фойдаланиш натижасида экинлар ҳосилдорлиги, чорва молларининг маҳсулдорлигини ошируву бу тадбирни техник самарадорлигини ифода қилса, тадбирни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар билан, бунинг натижасида олинган даромадни таққослаш иқтисодий самарадорликни ифодалайди.

*Иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни қўллаш орқали олинган фойдали натижани ёки жами ресурслар бирлигига олинган натижани ифода этади.*

Ҳар қандай фаолият ва ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги хўжаликни, шу жумладан, фермер хўжаликлари даромадини орттиради, ижтимоий харажатларни яхшилашга олиб келади. Бу жараён нафақат корхонларга манфаатли, давлатга ҳам фойдалидир. У ёки бу тадбирга баҳо беришда ёки унинг ўлчамларини аниқлашда иқтисодий самарадорлик мезонини билиш керак. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона тўла иқтисодий ва ҳуқуқий мустақилликка эга бўлганлиги учун асосий мақсади ўзига бириктирилган ресурслардан тўла ва самарали фойдаланишга қаратилган бўлиб, шу ресурслар бирлигига қанча кўп даромад ва фойда олса, рақобат курашида шунча устунликка эга бўлади. Фермер ва деҳқон хўжалиги моҳиятига кўра, улар фаолиятини баҳолашда иқтисодий самарадорликнинг асосий

мезони сифатида хўжалик ресурслари бирлигига олинган ялпи даромадни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ялпи даромад категориясининг афзаллиги шундаки, бунда ҳам маҳсулот миқдори, сифати, қандай бозорда ва қандай баҳода сотилганлиги моддий харажатлар қанчалик тежалганлиги ўз аксини топади. Корхона, фермер хўжалиги қанча кўп ялпи даромад олишга эришса, турли тўловларни (солиқ ва йиғимлар) тўлагандан кейин ўз эҳтиёжларини кўпроқ қондиришга, корхонани кенгайтиришга имкон берадиган маблағга эга бўлади.

#### **14.2. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва унинг иқтисодий кўрсаткичлари**

Қишлоқ хўжалиги – ерга деҳқончилик қилиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи ҳуқуқий мақомга эга бўлган субъектлар фаолиятидир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари инсон учун озиқ-овқат, саноат учун хом-ашё бўлиб хизмат қилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари табиий ҳолда ва ярим, тўлиқ қайта ишлаш орақали истеъмолчилар талабини қондиради.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш жарёни меҳнат предмети, меҳнат воситалари ва меҳнат курулларининг ҳаракатидан шаклланади. Ишлаб чиқариш ўз жараёнига қараб иккига: 1. оддий ишлаб чиқариш ва кенгайтирилгани такрор ишлаб чиқаришга бўлинади. Оддий ишлаб чиқаришда экин майдони, ҳосилдорлиги ва ялпи ҳосил ҳажми йиллар давомида ўзгармаган ҳажмда маҳсулот етиштириш тушунилса, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришда маҳсулот ҳажми, тури, ассортименти, саноат усулида қайта ишланиши, соф ҳолда истеъмолчиларга етказилиши билан ифодаланади.

Ерга деҳқончилик қилишдадончилик, пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик, сабзавотчилик, картошқачилик, шоличилик ва бошқа тармоқлар бўйича фаолият юритилади.

Деҳқончилик қилинадиган майдонни экин майдони деб юритилади. Бир гектардан олиннадиган ҳосил, шу экиннинг ҳосилдорлиги деб айтилади. Маълум экин майдонларидан олинган ҳосилни ялпи маҳсулот деб айтилади. Ялпи маҳсулот қанча кўп бўлса ҳосилдорлик шунча ортади. Ялпи маҳсулотни ҳисоблашда экин майдонини ҳосилдорликка кўпайтмаси билан аниқланади.

Ҳосилдорлик – ялпи ҳосилни экин майдонига нисбати билан, экин майдони эса ялпи ҳосилни ҳосилдорликка нисбати билан аниқланади.



Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни тулароқ қондириш учун маҳсулот ҳажмини янада кўпайтириш керак. Қишлоқ хўжалигида ялпи ва товар маҳсулоти миқдори ортиши қишлоқ хўжалиги билан саноат, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожланади.

**Ялпи маҳсулот** - бу (қишлоқ хўжалигида) бир йил ичида ишлаб чиқилган жами маҳсулотга айтилади. Экин турлари бўйича маълум экин майдонидан етиштирилган маҳсулот миқдори ҳам тушунилади.

Ялпи маҳсулот асосан деҳқончилик ва (ўсимликчилик) ва чорвачилик соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан ташкил топади.

**Чорвачиликда ялпи маҳсулот** эса чорвачиликдан олинадиган жами маҳсулотлар (хайвонларни етишидан ташқари), янги тугилган хайвонлар, уларнинг ўсиш ҳисобига олинган вазни ва қўшимча маҳсулотлардан ташкил топади. Ялпи маҳсулотларга хўжаликларнинг ёрдамчи корхоналари қайта ишланган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари, устахоналарда тайёрланган маҳсулотлар, хўжалик доирасидаги табиат томонидан тайёр бериладиган маҳсулотлар, ўрмон лар киради.

Қишлоқ хўжалигидаги ялпи маҳсулот натурал ва қиймат кўринишида бўлади.

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулот фойдаланиш Ҳарактерига қараб икки қисмга: бир қисми ишлаб чиқаришни кенгайтирилган тарзда ўзлуксиз давом эттириш мақсадида ва бошқа мақсадлар учун хўжалик ичида истеъмол қилинади. Қолган қисми эса олди сотди жараёнига катнашиб товар маҳсулотига айланади.

**Товар маҳсулоти** - ялпи маҳсулотнинг сотиладиган қисми товар маҳсулоти дейилади. Товар маҳсулоти ҳажми ялпи маҳсулот ҳажмига тенг ёки ундан кам бўлиши мумкин. Товар маҳсулоти ҳажми ялпи маҳсулот ҳажмидан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалигида қуйидаги экинлар пахта, тамаки, канд лавлаги, чорвачиликда пилла, корагул териси, тулда товар маҳсулоти бўлиб, бу маҳсулотлар тулик давлатга сотилади. Агар хўжаликнинг таркибида қайта ишлаш заводлари бўлса, хўжалик ўзи фойдаланиш мумкин.

Товар маҳсулотининг самараси товарлилик даражаси билан Ҳарактерланади. Товар маҳсулотининг ялпи маҳсулотга нисбати товарчилик даражасини кўрсатади. Товар маҳсулотининг ялпи маҳсулотга фоизи дейилади. Ҳар иккала кўрсаткич ялпи маҳсулотнинг қанча қисми ёки неча фоизи товар маҳсулотига айланишини кўрсатади. Мисол келтирилади. Товар айланиши қанча тез бўлса, хўжаликга пул тушуви шунча тез ва ялпи маҳсулот ҳажми ортиб боради.

$$T_d = \frac{T_M}{Y_M} \cdot 100$$

Маҳсулотнинг товарлилик даражасини оширишда маҳсулот сифатига, кадоклашишга ва стандартга жавоб беришига эътибор берилади.

**Ялпи даромад-** ялпи маҳсулот қийматидаги ишлаб чиқариш Ҳаражатлари чегирилгандаги қолган маҳсулотдир.

Маҳсулот товарлигини ошириш учун маҳсулот сифатини яхшилаш лозим. Шунинг учун маҳсулот ҳажмини ва товарлигини ошириш орқали юқори самарадорликка эришилади.

### **14.3. Иқтисодий самарадорликни аниқлаш усуллари**

Фермер хўжаликларини ривожлантиришда унинг фаолиятига баҳо бермасдан унинг иқтисодий самарадорлигини таъминлаб бўлмайди. Иқтисодий самарадорликнинг асосий мезони тўла ва аниқ жараённи ҳамда ишлаб чиқаришни ҳисоб китоб қилишдан иборат.

Фермер хўжалигининг ялпи даромади етиштирилган маҳсулотни пулдаги ифодаси бўлиб йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бу хўжалик фаолияти ижобий йўналишда бораётганлигини кўрсатади. Шунинг учун хўжалик фаолиятига таъсир этувчи ҳар бир омил ҳаракатини ифода этувчи ўзига хос кўрсаткичларни билиш керак. Фермер хўжаликлари иқтисодий самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини комплекс таҳлил қилиш ва ишончли хулосалар чиқариш, тўғри қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Фермер хўжалиги фаолияти ва ишлаб чиқариши иқтисодий самарадорлигини аниқлашда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятлари бўлиб унга биологик жараён ва турли табиий иқлим шароитлари ишлаб чиқариш натижаларига турлича таъсир этади. Фермер хўжаликлари бир хил меҳнат сарф қилинган ҳолда турли шаклларда ва турли йилларда турли натижаларга эришиши мумкин. фермер хўжаликлари фаолиятига юбаҳо беришда ҳамма кўрсаткичларни икки гуруҳга: натура кўрсаткичларига ва қиймат кўрсаткичларига бўлиш мумкин.

Натура кўрсаткичлари иқтисодий самарадорликни бевосита ифода қилмасда, бу кўрсаткичларсиз тадбирга тўла баҳо бериб бўлмайди. Чунки натура кўрсаткичлари жараённинг интенсивлигини ифодалайди. Қишлоқ хўжалигини хусусиятига кўра, ер асосий восита бўлганлиги, уни табиатдан чекланганлиги, бошқа воситлар каби инсон

уни хохлаганича кўпайтира олмаслиги қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни интенсив бўлишини зарурият қилиб кўяди. Шунинг учун 1 гектар ердан олинган маҳсулот, яъни ҳосилни, чорва маҳсулдорлигини ошириш, ҳар бир фермер хўжалигининг асосий вазифаси ҳисобланади. Фермер хўжалигида олинган маҳсулот ва даромад турли ишлаб чиқариш омилларининг ўзаро интеграл (функционал) алоқаси натижаси бўлганлиги учун қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

**Меҳнат унумдорлиги** бу кўрсаткич фермер хўжалигида меҳнатни самарадорлигини кўрсатади. Фермер хўжалигида ўртача йиллик ходим, сарфланган киши-кун, киши-соатига етиштирилган ялпи маҳсулот ва ялпи даромад миқдори билан ифодаланади.

**Маҳсулот таннархи** бу кўрсаткич ишлаб чиқаришга ва фермер хўжалиги фаолиятига иқтисодий баҳо беришда жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, бир йилда етиштирилган маҳсулотига қанча жорий харажатлар қилинганлигини ифода этади. Эркин рақобат амал қилган бозор иқтисоди шароитида ҳар бир корхона маҳсулотининг нархи бозор баҳосига катта таҳсир этолмайди. Аммо етиштираётган маҳсулотига қилинаётган харажатлар даражаси, яъни маҳсулот таннархи корхона фаолиятига бевосита боғлиқ. Шунинг учун корхона харажатларини камайтирадиган технологияларни қўллаши, экинлар ҳосилдорлигининг, чорва маҳсулдорлигининг устун даражада ўсишини таъминлаши, маҳсулт бирлигига харажатларни камайтиришга, таннарх пасайишига ва натижада ялпи даромад ҳамда фойда ошишига олиб келади.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини таҳлил этишда ишлаб чиқаришни асосий ресурслари (омиллари) бўлган асосий ва айланма фондлардан самарали фойдаланишни ифода этувчи кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш мумкин. 1 га қишлоқ хўжалигига яроқли ерга етиштирилган ялпи маҳсулот ва ялпи даромад, 1 сўмлик асосий ва айланма фондларга етиштирилган ялпи маҳсулот (фонд қайтими) ёки 1 сўмлик ялпи маҳсулотга тўғри келадиган фондлар (фонд сиғими) айланма фондларнинг айланиш коэффициенти ва хоказолар.

Мисол учун, Сурхондарё вилоятидаги фермер хўжаликлари фаолияти самарадорлигининг айрим томонларини таҳлил қиламиз.

14.2.1-жадвал. Сурхондарё вилоят фермер хўжалигининг ялпи даромад таҳлили

Кўрсаткичлар	Йиллар					2004 йил 2000 йилга нисбатан, %
	2000	2001	2002	2003	2004	
Олинган ялпи даромад	10678,3	16766,6	22570,2	32671,4	51338,1	480,1
шу жумладан						
а) пахтадан	7847,9	11734,7	14918,3	22831,2	36547,7	466,0
б) ғалладан	2830,4	5032,2	7651,9	9840,5	14790,4	522,6
Жами сарф харажат	9605,5	15033,6	18003,8	25972,4	36324,0	378,2
шу жумладан						
а) пахтадан	7452,8	11163,5	12183,2	18150,6	25464,0	341,7
б) ғалладан	2152,7	3870,1	5460,7	7821,8	10860,0	504,5
Жами олинган фойда	1072,8	1733,0	4566,4	6699,0	15014,1	1399,5
шу жумладан						
а) пахтадан	395,1	571,2	2735,1	4680,6	11083,7	2805,3
б) ғалладан	677,7	1162,1	2191,2	2018,7	3930,4	580,0
Рентабеллик даражаси	11,2	11,5	25,4	25,8	41,3	30,1 пункт
шу жумладан						
а) пахтадан	5,3	5,1	22,4	25,8	43,5	38,2
б) ғалладан	31,5	30,0	40,1	25,8	36,2	4,7

Келтирилган маълумотлар натижасидан маълумки, 2000 йилда вилоят бўйича фермер хўжалиklarининг ялпи даромади 10678,3 млн.сўм бўлган бўлса, 2004 йилга келиб бу кўрсаткич 51338,1 млн.сўм ёки 480,1 фоизга ошди. Даромад ошиши билан бир пайтда сарф харажатлар камайиб соф фойда 139,9 фоизга, пахтачиликда 280,6, ғаллачиликда 580 фоизга ошди. Бу эса ўз-ўзидан хўжаликнинг рентабеллик даражасини ошириш имкониятини беради.

Вилоят фермер хўжалиklarининг маҳсулот етиштириш рентабеллиги 2000 йилда 11,2 фоиз бўлган бўлса, 2004 йилга келиб 41,3 фоизга ёки 30,1 пунктга, ғаллачиликда 31,5-36,2 ёкт 4,7 пунктга ошди. Таҳлиллардан маълумки фермер хўжалиklари ҳар бир имкониятдан тежамли ва оқилона фойдаланганлиги сабабли юқори самарага эришган. Фермерлар мулкчилик муносабатларини тўғри йўлга қўйиб тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ амалиётга жорий этганлигини кўрсатмоқда. Фермер хўжалиklари вилоят хўжалиklarининг ўртачасига ширкат хўжалиklари фаолиятига нисбатан ҳар хил тармоқдаги фермерлар ўзининг иқтисодий кўрсаткичлари билан ажралиб турганлигини қуйидаги жадвалдан кўриб чиқамиз.

**14.2.2-жадвал. 2004 йилда Сурхондарё вилоят қишлоқ хўжалик субъектларида маҳсулот етиштириш самарадорлиги**

Кўрсаткичлар	Вилоят бўйича ўртача	Шу жумладан				
		Ширкат хўжаликлари	Фермер хўжаликлари	Илғор фермерлар		
				Бахриддин	Лочин	Қорақасмоқ
Ҳосилдорлик ц/га						
Пахтачилик	27,7	26,5	28,4	45,1	40,2	38,4
Ғаллачилик	38,0	36,3	41,1	91,0	89,7	63,0
Маҳсулот таннархи, 1 ц сўмда						
Пахта хом-ашёси	18560	19750	16450	13320	13480	14080
Дон	7200	8100	6410	5130	5148	5490
Сотиш баҳоси, 1 сўм						
Пахта хом-ашёси	21500	20300	23740	25790	2556	24006
Дон	8370	7870	8730	9830	9728	91310
1 к.ни сотишдан олинган фойда (К)	К2940	К550	К7200	К12470	К11770	К9926
Кўрилган зарар (-)	-170	-397	К2320	К4700	К4580	К3641
Рентабеллик (К) ёки зарарлик (-) даражаси (%)						
Пахтачилик	К15,8	К2,8	К43,5	К95,6	К87,3	70,5
Ғаллачилик	-2,3	-4,9	К36,2	91,6	89,0	66,3

2004 йилда Сурхонларё вилояти бўйича пахта ҳосилдорлиги 27,7 ц/га бўлган бўлса, ширкат хўжаликлари 26,5 ц/га, фермер хўжаликлари 28,4 ц/га ишлаб чиқарган бўлса, илғор фермер хўжаликларидан Денов туманидаги Бахриддин фермер хўжалиги 45,1 ц/га, Лочин 40,2 ц/га, тупроқ шароити оғир сув таъминоти паст таъминланган Қизирик туманидаги Қорақасмоқ фермер хўжалиги 38,4 ц/га ҳосил олишди. Демак, илғор хўжаликлар вилоят ўртачасидан 1,5-2 бараварга гектаридан юқори ҳосил олишга эришди. Бир центнер пахта хом-ашёсидан олинган даромад вилоят бўйича 21500 сўмни ташкил этган бўлса, фермер хўжаликлари бўйича 23740 сўмни, илғор Бахриддин фермер хўжалиги 25790 сўмни ташкил этди. Бу эса вилоят ўртачасига нисбатан 3,6 минг сўм фарқ қилмоқда. Рентабеллик кўрсаткичлари вилоят пахтачилигида 15,8 фоизни ташкил этган бўлса, фермер хўжаликларида 43,5 фоизни, Бахриддин фермер хўжалиги 95,6 фоизни ташкил этди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики ҳар бир қилинган сарф харажатлар сўм учун 15,8-95,6 тийинга фойда олинмоқда. Бу ҳолат юқоридаги кўрсаткичлардан эмас вилоятнинг ерларида ҳам ижобий натижаларга эришмоқда.

Шундай қилиб, вилоятда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик субъектларидан энг юқори самарага эришган хўжалик шакли фермер хўжалиги эканлигини амалиётда ўз тасдиғини кўрсатди.

### 14.3. Фойда ва рентабеллик

Фойда ва фойдалилик – барча корхоналар каби фермер хўжалиги корхоналари фаолиятининг энг асосий ва якуний кўрсаткичидир.

Ҳозир амалда қўлланилаётган Низомга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти молиявий натижаларини шакллантиришда фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари қўлланилади:

1. Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда. Бу маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафаввут сифатида аниқланади.

$$ЯФ=ССТ-Ит;$$

Бунда: ЯФ – ялпи фойда;

ССТ – Сотишдан олинган соф тушум;

Ит – Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

2. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда. Бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафаввут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадалар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади.

$$АФФ=ЯФ-ДХ+БД-БЗ$$

Бунда: АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

3. Умум хўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарар. Бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва минус кўрилган зарарлар сифатида аниқланади.

$$УФ=АФФ+МД-МЗ$$

Бунда: УФ – умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

МД – молиявий фаолиятдан олинган даромад;

МЗ – молиявий фаолиятдан кўрилган зарарлар.

4. Солиқ тўлангунгача олинган фойда. Бу умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда плус фавкулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарарлар сифатида аниқланади.

$$\text{СТФ}=\text{УФ}+\text{ФФ}-\text{ФЗ}$$

Бунда: СТФ – солиқ тўлангунгача бўлган фойда;

ФФ – фавкулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ – фавкулодда вазиятларда кўрилган зарар.

5. Йилнинг соф фойдаси. Бу солиқ тўлагандан кейин хўжалик юритувчи субъект, яъни корхона (фирма) ихтиёрида қоладиган ҳамма хўжалик субъекти мустақил тасарруф этадиган фойда. Уни солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойдадан, даромаддан солиқни ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда аниқланади.

$$\text{СФ}=\text{СТФ}-\text{ДС}-\text{БС}$$

Бунда: СФ – соф фойда;

ДС – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқлар;

БС – бошқа солилар ва тўловлар.

Хўжалик юритувчи субъектлар, яъни корхона (фирма)лар томонидан улар хўжалик фаолиятини амалга ошириш натижасида олинадиган даромадларнинг манбалари қуйидагилар:

а) сотишдан олинган соф тушум;

б) асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операция даромадалари);

с) молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

д) фавкулодда даромадлар.

Корхона даромадининг асосий манбаси – маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан келиб тушадиган пул тушумидир.

6. Соф пул тушум бу – умумий пул тушумидан қўшилган қиймат, акциз солиғи ва экспорт божи олиб ташлангандан қолгани.

7. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган бошқа даромадларга ундирилган ёки эътироф этилган қарзлар.ю ҳисобот йилида олинган ўтган цилги фойда, ошхоналар ва ёрдамчи хизмат даромадлари, асосий воситаларни тугатишдан келган даромадлар, давлат субсидиялари, ҳолисона моддий ёрдам ва бошқа даромадлар киради.

8. Молиявий фаолиятдан олинган даромадаларга – олинган даромад трансферти, қимматли қоғозлар бўйича даромадлар, мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан

олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш), валюта счётидаги ижобий курс тафовутлари, қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан олинган ва бошқа даромадлар киради.

9. Фавқулодда фойда – бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ҳодиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олинши кутилмаган фойдалар.

10. Сотилган маҳсулот рентабеллиги (PCM) ёки ялпи фойда бўйича рентабеллик (РЯФ)

$$PCM = \frac{ЯФ}{ССТ};$$

Бунда: PCM – сотилган маҳсулот рентабеллиги.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча ялпи фойда келтирганини кўрсатади.

11. Соф фойда бўйича рентабеллик (PCФ).

$$PCФ = \frac{СФ}{ССТ};$$

Бунда: PCФ – соф фойда бўйича рентабеллик.

Соф фойда бўйича рентабеллик ҳар бир сўм сотилган маҳсулот корхона учун қанча соф фойда келтиришини ёки сотилган маҳсулот таркибида қанча соф фойда келтиришини ёки сотилган маҳсулот таркибида қанча соф фойда борлигини ифода қилади.

Юқорида келтирилган молиявий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари корхона фаолиятини таҳлил қилиш, тадбиркорликни мақбул ва самарали йўллари белгилаш ю инвестицияларни жалб қилиш имконини беради.

#### **14.4. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришда баҳо ва баҳолаш.**

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ва унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда баҳо ва баҳолаш муҳим ўрин тутади. Қишлоқ хўжалигида ерни иқтисодий жиҳатдан баҳолашда ўртача бир гектардан олинган ялпи маҳсулот, соф даромат, фойда миқдоридан фойдалиниди. Демак, баҳо товар қийматининг пул шакли, бозор иқтисоди мавжуд жамият хўжалик механизмида амал қилувчи иқтисодий куролдир. Бозор иқтисодида баҳо улгуржи, чакана, ички, халқаро, шартнома эркин нархларда шаклланади. Бозор иқтисодида нарх уч хил вазифани бажаради.



1. Қиймат улчови - қилинган Ҳаражатлар ва олинган натижа бирон бир нарх ёрдамида ҳисоб-китоб қилинади.

2. Рақобатлаштириш омили - фойда товар нархи билан уни ишлаб чиқариш учун кетган Ҳаражатлар ўртасидаги фарқга тенг бўлади.

3. Дароматларни қайта таксимлаш воситаси бозор иқтисоди шароитида 2 хил нарх амал қилади.

1. Эркин бозор нархлари.

2. Давлат бошқариб турадиган нархлар.

Товар ишлаб чиқариш сакланиб колар экан, у билан боғлиқ бўлган қиймат ва баҳо категориялари ҳам сакланиб қолади. Қиймат товар ишлаб чиқарувчиларнинг товарда буюм шаклида гавдаланган ижтимоий меҳнатдир. Товар баҳоси уни ишлаб чиқари учун сарфланган ижтимоий зарурий меҳнатни ўз ичига олади. Баҳонинг режа асосида ташкил топиши сарфланган ижтимоий меҳнатни улчаш, ишлаб чиқаришни устиришда юксак кўрсаткичларга эришишини, моддий раҳбарлантириш, техникавий ривожлантириш, миллий дароматларни ошириш мақсадларида баҳолардан тартибли фойдаланиш имконини яратади.

Баҳолашга қуйидагилар киради:

1. Саноат ёки айрим ишлаб чиқариш корхоналаридан улгуржи баҳоси

2. Давлат сотиш баҳоси ва қўшимча (қишлоқ хўжалик маҳсулотларни сифатига қараб)

3. Келишилган (шартнома) баҳо

4. Қайта ишлаш саноатларининг улгуржи баҳоси

5. Савдо корхоналарининг улгуржи баҳоси

6. Ҳарид қилиш баҳоси

7. Ҳисоб-китоб баҳоси

8. Колхоз бозори баҳоси

Ҳозирги баҳолаш ситемаси тенг ва пропорционал ривожланишга тула жавоб бермайди. Шу сабабли корхонада қайта ишлаш ташкилотлари: баҳо бюджетга, сотиш ва улгуржи баҳоларда бўлади.

Давлат буюжетида фойданинг асосий қисми, йил охирида қолган колдикларнинг бир қисми ва амартизация ажратмаларнинг қолган колдик қисмлари утказилади. Карама - карши буюжет туловлари ва буюжет жамгармалари хўжалик тармоқлараро ривожланишига халакит беради. Баҳога алоқадор бўлган механизмларни айнан сотиш

баҳоси, улгуржи баҳо, Харид қилиш баҳо ва тарифларни қайта куриб чиқиқшни тақазо қилади.

Ягона баҳо принципини илмий асослаб ишлаб чиқариш асосий концепциялари қуйидагича аниқланади.

*1. Маҳсулотнинг соф баҳоси ёки баҳо концепцияси*

$B = T + Mx * C_{Дям}$  бунда:

B-маҳсулот бирлигига тўғри келадиган баҳо

T-маҳсулот бирлигига таннарх сарфи

Mx-маҳсулот бирлигида меҳнат хаки ҳаражатлари

C<sub>Дям</sub>-соф дароматнинг ягона меъёри буни составида баҳо кириб,

$$C_{Дям} = \frac{CД}{Иихф};$$

CД - хўжаликдаги соф даромат

Иихф - ишлаб чиқаришдаги ишловчиларининг иш хаки фонди.

3.Товар ишлаб чиқарувчи корхоналарда иқтисодий ислоҳатларни иқтисодий қўлланилиши.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳатларнинг бориши билан маҳсулот ишлаб чиқариш меҳнатчилар ўз хохиши билан мул - кул қишлоқ хўжалик маҳсулот лари ишлаб чиқармоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатни техника ва илгор тажрибаларни куллаш билан боғлиқ бўлган муаммолар олдинга сурилади. Мулк двлат тасаруфидан чиқариб ва мулкни хусусийлаштирилди, қишлоқда кўп укладли иқтисодиёт вужудга келди, меҳнат етиштириш асосан нодавлат сектори зиммасига юклатилди, маҳсулот етиштиришга кенг эркинликлар берилди, мулкчиликнинг ва хўжалик юритишнинг турли шакллари синаб курилди, улардан яхшилари синаб курилди ва қишлоқда мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Шу боис иқтисодий ислоҳатни чуқурлаштиришнинг 4 омиллари 1.Ислоҳатларни чуқурлаштириш,хуқуқий омиллари, 2.Ташкилий омиллари, 3.Иқтисодий омил, 4.Технолоик омили белгилаб олинди.

### **Қисқача хулосалар**

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш аввало унинг самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Иқтисодий самарадорлик фермер ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни қўллаш орқали олинган фойдали натижа ёки жами ресурслар билигига олинган пировард натижадир. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш

фаолиятига баҳо берганда иқтисодий кўрсаткичлар ялпи маҳсулот, ялпи даромад (фойда)ни назарда тутатимиз. Шу иқтисодий кўрсаткичлар асосида фермернинг йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш бирлигига етиштирилган ялпи даромад, ялпи маҳсулот, фойда ва рентабеллик кўрсаткичлари асосида иқтисодий самарадорлиги аниқланиб уни ошириш йўллари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

**Назорат ва муҳокама учун саволлар.**

- 1. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий самарадорлик тушунчасини айтинг.*
- 2. Иқтисодий кўрсаткичларга нималар киради?*
- 3. Иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашда қандай усулларни биласиз?*
- 4. Фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлигини оширишда қандай тартиб қўлланилади?*

### Асосий адабиётлар

1. Емельянов А.М. Экономика сельского хозяйства. Москва. 1982 550 б.
2. Коваленко Я.И. Экономика сельского хозяйства. Москва: ЭКМЭС. 1998.
3. Абдуганиев А., Абдуганиев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди”. –Т.: ТДИУ, 2004 й.
4. Салимов Б.Т. ва бошқалар. “Фермер ва деҳқон хўжалиги иқтисодиёти” –Т.: ТДИУ, 2003, -142 б.
5. Тошбоев А.Ж. “Қишлоқ хўжалиги иқтисоди ва Менежмент” фанидан амалий машғулот олиб бориш учун услубий қўлланма. –Т.: ТИҚХМШИ, 1999, -38 б.
6. Попов Н.А. Экономка отраслей АПК. Курс лекции, 2002, <http://family.taukita.ru/item22219310.htm>

## 15-БОБ. ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

### 15.1. Деҳқончилик тарқмоқлари ва унда маҳсулотлари етиштириш.

Республика қишлоқ хўжалгида деҳқончилик етаечи ўринда туради. Деҳқончиликнинг қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсуло таркибидаги хисаси 2004 йилда 30 % ни ташкил этди. Республикада агротехниканинг илгор усулларини куллаш, экинларнинг ҳосилдор навларини яратиш, навларни мустақил янгилаш ва нов алмаштириш ҳисобига деҳқончиликда юқори кўрсаткичларига эришилади. Адир зоналарда лалмикор деҳқончилик (бугдой, арпа, зигир, кунжут, нухат, озиқабоп экинлар, боғдорчилик)қилинди. Суғорма деҳқончиликда лалмикор деҳқончилкга нисбатан 3-4 марта кўпроқ ҳосил олинади. Мамлакатимизда деҳқончилик ялпи маҳсулотининг 98,5 % суғорма деҳқончиликдан олинади. Суғориладиган ерларга техника экинлари, дон экинлари, сабзавод, картошка, полиз экинлари, ем-хашак экинлари, мева, ўзум етиштирилади. Кейинги йилларда экин майдонлари таркиблари кескин ўзгарди, гўза майдонлари қисқарди, озиқ-овқат маҳсулотлар етиштириш яхшиланди.

Ўсимликчилик-қишлоқ хўжалик асосий тармоғи бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини далачилик, сабзаводчилик, мевачилик, пахтачилик ва ҳоказо фаолият кўрсатади. Инсон ўсимликчиликдан озиқ олса, саноат ҳам ашё билан таъминланади. Ўсимлик Ҳар бир инсон учун зарурият бўлиб бусиз хаёт йўқлиги

маълум. Ер юзида 500 мингдан ортиқ ўсимлик бўлиб инсон шундан 23 минг хилини, шулардан 6 минг маданий ўсимликлардир. Ўзбекистонда 400 хил ўсимлик бўлиб, шундан 120 хил далада маданийлаштирилган ўсимлик бўлиб унинг 5300 нави бор. Ўсимлик чорвачиликнинг асосий озика базаси бўлиб бўлиб, улар дагал, ширали ва кук масса ҳолатида бўлади. Қишлоқ хўжалигидаги ялпи маҳсулот ҳажмининг 45-50 % ўсимликчилик беради.

Пахта Ўзбекистонда 2,5 минг йилдан кўпроқ вақтдан бери етиштирилади. Эндиликда республика бўйича 1,5 млн. га ерга пахта экилиб унинг ҳосилдорлиги 20-30 уларга еки ялпи маҳсулот 4 млн. тоннага, тола чиқиши 1,5 млн. тоннани ташкил этмоқда. Собик совет тизими даврида 5,5-6,0 млн тонна пахта етиштирилган бўлса, унинг 10% га яқини республикада қайта ишланарди ва паст баҳода сотиларди.

1991 йилдан бошлаб гўза майдонлари қисқариб дон, сабзот ва бошқа экин майдонлари кенгайтирилди. Пахта етиштиришни кўпайтириш ҳосилдорлик ва тола чиқишини ошириш асосий вазифа клиб унда алмашлаб экиш, сара уруг ва технологияларни такомиллаштириш орқали ҳосилдорликни 30-35 ц га етказишдан иборат булмоқда.

Дончилик - деҳқончиликда муҳим ўринни эғаллаб аҳолини озик-овқат, чорвани ем-хашак билан таъминлайди. Дончилик, ғаллачилик, шолчилик асосида ривожланади. 1995 йилда мамлакат ғалла мустақиллигини таъминлаш мақсадида республика жами экин майдонининг 40 %, яъни 1300 минг гектарга етказилди. Шундан 62 % суғориладиган ерлардир. Ҳосилдорлиги 20-40 ц/га бўлиб 3 млн тоннага яқин етиштирилмоқда.

Шолчилик билан республиканинг барча вилоятлари шугилланади. 2003 йилда республика бўйича шоли экилган майдонлар 180 минг гектарга етди.

Маккажухоричилик дон силос бостириш мақсадида икки марта ҳосил олиш мумкин. 2003 йилда 181 минг гектар ерга макка дон учун экилиб ҳосилдорлиги 38,4 ц/га, силос ва кук озука учун 182 ц/га ташкил этди.

Сабзотчилик, полизчилик ва картошкачилик бўйича республиканинг суғорма деҳқончилик шароитларида юқори ҳосил олиш мумкин. 2003 йилда 72 минг га сабзот, 18 минг га полиз, 28 минг га ерга картошка экилиб юқори ҳосил олишга эришилди. Ҳозирги кунда республика иқлим шароитига мослашган истиқболли навлар устида ишлар олиб борилмоқда. Боғдорчилик ва токчилик, ем-хашак экинлари кўплаб экилмоқда.

Дехқончилик маҳсулотларининг самарадорлик кўрсаткичлари икки хил йўл билан натура ва пул кўринишида баҳоланади. Натура кўринишида тайёр маҳсулот (ялпи маҳсулот), пул кўринишида эса: ишлаб чиқариш ҳаражатлари, ялпи маҳсулот қиймати, фойда.

Дехқончиликнинг бази экинларида натурал ва пул кўринишидаги кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳосилдорлик ц/га

2. Ялпи маҳсулот т,ц

3. Ишлаб чиқариш Ҳаражатларининг 1га экин майдонига, 1 ц маҳсулотга, 1 сумлик маҳсулот қийматига тўғри келиш.

4. 1 ц сотиш баҳоси

5. 1 га, 1 ц маҳсулотга фойда

6. Рентабиллик даражаси билан аниқланади.

Амалиётда дехқончиликда маҳсулот етиштиришга комплекс баҳо-меҳнат унумдорлиги, таннарх ва рентабиллик билан аниқланади. Натурал кўрсаткичлар, кг, ц, т кўринишидаги соф маҳсулот тушунилади.

Агротехника қоидаларига риоя қилиш ва ундан самарали фойдаланганликни иқтисодий баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар билан фойдаланилади. 1га экин майдонига тўғри келадиган ялпи маҳсулот натурал ва пул кўринишида; меҳнат унумдорлиги, 1 Га га ишлаб чиқариш Ҳаражатлари сарфи, қўшимча сарфларни қоплаш, қўшимча ва соф фойда, таннарх, ялпи даромат ва рентабиллик даражаси билан аниқланади.

## **15.2. Дехқончилик маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлигининг ошириш йўллари.**

Дехқончилик маҳсулотларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун сарф Ҳаражатлар билан боғлиқ бўлган барча ташкилий ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулотни сотишга қадар бўлган барча иш жараёнларини яхшилашдан иборат бўлади. Масалан бизнес режани тўзиш йўллари; тармоқни бошқариш, шартнома тузиш, экин экишга киришини, дехқончиликдаги технологик жараёнлар, пул кредит механизми, моддий ва маънавий кизикувчанлик, сервис хизматлардан фойдаланиш, алмашлаб экиш, ишлаб чиқариш шакллари, маҳсулотни қайта ва такрор ишлаб чиқариш, социал ижтимоий ривожланиш, маркетинг фаолияти бўйича барча иқтисодий иш юритиш, ҳаражатларни танлаш йўллари тўғрисида тушунтирилади.

### **15.3. Чорвачилик тармоқлари хақида тушунча.**

Чорвачилик системасини яхшилаш подани такрор ишлаб чиқариш фнидан ташкил этиш насл. озик ветерин. Чорв. қуйидаги системалари хайвонлар йил мобайнида махалада бокиш, молхона яйлов ва яйлов фонрмаси мавжуд. Хайвонлар богланиб ва богланмай боқилади.

Корамолчилик чорвачилимгида асосий тармоқ бўлиб, кишилар учун озик-овқат (гушт, сут, ёғ, пишлок, катик, сўзма) маҳсулотлар етказиб берди. Инсон томонидан истемол қилинадиган маҳсулотлар рақамда 400 /ни корамол масулотини ташкил этади. Мева-шева нормалари ортиб одам нормал ривожланиши учун йилига 405 кег сут маҳсулотлари, шу жумладан 128 кг сут, 18 кг ёғи олинган сут 9,1 кг сўзма, 6,6 кг пишлок, 6,6 кг каймок ва 5,5 кг сартэ истемол қилиш керак. Жон бошига 82 кг гушт, 36 кг мол гушти истемол қилиниши лозим.

Бир корамолдан энг юқори маҳсулот олиш 4% ташкил этади, 5000 - 9000 кг сут олиш мумкин. Ўртача бир сигирдан суткасига 25-40 кг сут соғиб олиш мумкин. Чорвачиликдаги татрланган гуштнинг 43% корамол, сутни 98,5 корамолдан олинади.

**Чучкачилик** аҳолига гушт, ёғ, тери, берадиган корамолдан кейинги ўринни эғаллайди. Чучка сергушт 9-10 ойда семиради. Чучка икки марта болалаб 18-24 бола бериши мумкин. Чучкани 78 ой бокилганда унинг огирлиги 100-110 кг боради. Бир она чучка йил давомида 2-2,5 т тирик вазнда гушт бериши мумкин. Корамолнинг тирик вазнининг 55-65, гушт чикса, чучкада 70-80% ташкил этади.

**Республикада 120 коракулчиликка** ихтисосланган хўжаликнинг 18 таси касаллик заводлари 9 таси наслчилик хўжаликларидир. Наслчилик заводлари турли рангдаги куйларни кўпайтириш ва коракул тери етиштиришни йўлга куймоқда. куйларнинг гуштдор-сержун куй зоти ярим майин жун ва гушти учун боқилади.

**Куйчилик к/х муҳим аҳамиятга эга.** Аҳоли учун саноат учун хом ашё (жун, тери, коракул, тери) етказиб беради. Куйнинг асосий маҳсулоти жундир. Шунинг учн 98% куй чиликка тўғри келади. Тивитли ва ярим тивитли куй жуни энгил саноат учун энг кимматбаҳо хом ашёдир. Унда жунли кийим кечак олинади. Коракул терисси энг киммат ашё бўлиб, ундан пальто, пустин ва бошқалар олинади.

**Парранда** - хали кўп асос тартибда ҳисобланиб аҳоли учун фойдали озик-овқат ҳисобланади. Тухум ва гушт олинади. Паррандачилик патии ёстик ва курпа тайёрланади. пар. маҳсулоти етиштириш учун товук хуроз, гоз, урдак, индюк в.б. боқилади. Тухум энг каллорияли маҳсулот бўлиб, уни таркибида оксил витамин ва

мойлар мавжуд. Парр. тез кўпаювчи бўлиб, 6-7 ойдан сунг тухум бера бошлайди. Бир товукдан 1 йилда 300 тухум олинади.

**Пиллачилик** - Қишлоқ хўжалигининг ассосий тармоғи бўлиб, ундан кимматбаҳо ипак толаси олинади. Мустақилликдан кейин пилла етиштириш давлат буюртмасидан чиқарилиб, уни сотиш эркин келишилган нархларда олиб борилади. Ҳар йили 30 минг тонна атрофида пилла етиштирилади.

Баликчилик билан сув хавзаларида шуғулланиб келинган. Республиканинг дерб ва кулларида 62 хил балик тури яшайди. Ҳозир “Ўзбалик” корхонаси тизимида 8 бирлашма, 7 комбинат, 10 баликчилик хўжалиги ва чиноз балик аралаш ем ишлаб чиқиш корхонаси ва улгуржи савдо омборлари мавжуд.

Корпорация тизимидаги хўжаликларда 12 минг га суньи кул ва ховўзлар бўлиб, улардан йилига 104 млн. дона балик совоклари ва 22 минг т товар балик маҳсулотлари тиштириш имконияти яратилган.

**Асаларичиликда** ассосан кимматбаҳо асал, асалари муми, прополис (асалари елими) асалари сути, заҲари, асаларийизадиган гулчанлар (перча) маҳсулотлар олинади. Ўзбекистонда 48 асаларичилик хўжаш, шу жумладан “Асал” ишлаб чиқариш уюшмаси таркибида 22 асаларичилик хўжалиги (88 минг асалари иғоиласи) мавжуд. Республика бўйича 154 минг асал ари оиласи (кутиси) бор. Асаларичилик билан 20-50 90%), ёки 50-150 (10%) кути асалари бўлган хусусий асаларичиялар ҳам шуғулланади. асал 2 марта май-июн (бахори) ва август-сентябр (ёзги) олинади.

#### **15.4.Чорвачиликда маҳсулот етиштириш.**

Республикада чорвачиликни ривожлантириш учун тупроқ, иқлим шароитлари, унумдор суғориладиган ерлар, бепаён кир-адирлар, дасст-гул ва тоғ олди яйловларда мавжуддир. Суғориладиган ерларда аасосан, корамолчилик, чучкачилик, паррандачилик, куртчилик, асаларичилик, кир-адирларда ва тоғ олди яйловларда куйчилик, сув хавзаларида баликчилик ривожланган.

Чорвачилик к/х ўсимликчилигидан кейин 2 ўринни эғаллайдиган ссоҳа бўлиб, ялпи маҳсулотларнинг асосий салмогини эғаллайди. Чорвачилик аҳоли учун юқори калорияли озиқовқат (чўзий,ёг,пишлоқ, в.б) етказиб беради. Одамнинг яшаши учун зарур бўлган ссуткалик овқатнинг 30% ортиги ва овқат ресуласидаги оксилнинг 60% ортиги чорва маҳсулотлари зиммассига тўғри келади.



Чорвачилик енгил ва озиқ-овқат саноати учун ҳам ашё билан (жун, тери, гушт, сут, ёг, коракул тери, пар в.б) таълимот саноатнинг бу тармоқларини ривожлантириш бевосита чорвачилик ривожлантириш даражасига боғлиқдир..

Чорвачилик деҳқончилик билан ўзвий боғланган бўлиб, маҳсулот қонунлари (похол, сомон, картошка, сабзи, пиёз, канд лавлаги экинлари экилди поясси в.б.) алмашлаб экиладиган экин маҳсулоти (беда, маккажухори экинлар) табиий яйловлар ва пичанзорлардан олинadиган озукалар, саноат корхоналардан чиқарилади. (кўпчилик, шула, кепавк беда, нон в.б) умумий овқатлантириш корхонанинг моллари учун озука етказишда ишлатилади.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг асосий манбаи ем-хашак базасини яратишдан иборатдир. Ем хашак экинлари майдони республика жами қишлоқ хўжалик экинларининг 7,7% ташкил этади. Уларга беда, маккажухори, озиқабоб лавлаги экилади. Республика бўйича Ҳар йили 10 млн т пичан ва силос тайёрланади. Ёг-мой саноат корхоналаридан кунжара, шулха, аралаш ем, ишлаб чиқарилиб берилади. Чорвачиликда асосан дагал, ширали ва концентрат озиқалар ҳисобига чорвачилик ривожлантирилади. Ўзбекистон шароитида ушбу озиқа турлари мавжуд ва унинг туйимлилиқ протейин миқдори етарли даражада таъминланган.. Бозор иқтисодиёти шароитида чорва учун ем хашак базасини яратиш, экин майдонларида ем хашак берадиган экинлар хиссасини ошириш, Ҳар бир гектар ердан олинadиган озуқа миқдорини кўпайтириш, унинг сифатини ошириш, таннархини камайтириш, иссрофгарчиликни тежаб, етарли даражасида озиқа экинлар сифатли уругини тайёрлаш, озиқа туйимлилигини таъминлаб улар таркибидаги моддалар хиссасини ошириш кўзда тутилади. Чорва молларини озиқа бўйича 1 кг сумни биз озиқа бирлик қилиб шартли қорамоллар учун йил давомида 25-35 ц озуқа бирлиги ҳисобида боқилади. Агар озиқа етарли бўлмаса, фермерлар самарадорлигига салбий таъсир курсатади. Шунинг учун чорва моллари учун зарур экинлардан макка жухори асосий ўринни эгаллаб, унинг озиқа бирлиги 1 кг арпага нисбатан 13,5% кўп бўлиб, 1,34 озиқа бирлигига тенг. 1 кг сепак таркибида 0,35 - 0,4, лавлаги таркибида 0,26, пулат сомонида 0,23, кук беда 0,17, пичанда 0,47, кизил сатаргада 0,52 озиқа борлигига эга.

Озиқа бирлиги асосида чорвани боқиш натижасида юқори маҳсулдорликка эриши мумкин. Чорва моллари ем-хашагига Ҳар хил моддалар кушилиб ҳам маҳсулдорликни ошириш мумкин. Ем хашакга кушилган 1 тонна карбалит қўшимча 10 тонна сут, 500 кг гушт беради ва 2,5 тонна табиий оксил ўрнини коплайди.

Ўзбекистон Республикаси 1998 йил фермер хўжаликлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ чорвачилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалигига камидаа 30 шартли бош чорва моллари, Ҳар бир шартли қорамол ва отлар учун - 1,0, еш қорамоллар учун 0,6, қуй эчкилар учун 0,1, чучкалар учун 0,3, парранда учун 0,025 гектар, фермер хўжаликларига бериладиган ер участкаларининг энг кам улчами бир шартли бош чорва молига камида 0,30 - 0,45 гектар, суғорилмайдиган намликроқ ерларда камида 2 гектарни ташкил этади.

Чорвачиликни ривожлантириш учун шундай имкониятлар ва иқтисодий қонунлар қабул қилиниши, нодавлат секторини, мулкдорлар ссинфининг янада кўпайтиришга ва маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга қаратилмоқда. Чорвачилик тадбиркорларини қўллаб қувватлаш йўлида паст фоизли кредит бериш, чет эл инвестициясини киритиш, икки йилгача солиқга тортмаслик чора тадбирлари ишлаб чиқилган. Ҳар бир тадбиркор кам материал пул сарфлаб кўпроқ маҳсулот яратишга ўз имкониятларини қаратишдан иборатдир.

### **15.5. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг иқтисодий кўрсаткичлари.**

Чорвачилик маҳсулотларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳам ўсимликчилик маҳсулотларини етиштириш каби натурал ва пул кўринишидаги кўрсаткичлардан иборатдир. Чорвачилик маҳсулотлари самарадорлигини асосан пул кўринишидаги ҳисобланади.

1. Ялпи маҳсулот қиймати, ялпи даромад ва фойдани ишловчига 7 одам-соатига 1 шартли қорамолга 100 ссум, асосий ишлаб чиқариш фондларига;
2. Ишлаб чиқариш Ҳаражатларини 1 сум маҳсулот баҳосига;
3. Рентабеллик даражаси.
4. Фойда.

Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш давомида унинг самарадорлигига баҳо бериш натурал кўрсаткичлар бимлан амалга оширилади.

1. Қишлоқ хўжалигидаги хайвонларнинг маҳсулдорлиги.
2. Ялпи маҳсулот етиштириш натура ва пул кўринишида ҳисобланиб, улар ишловчига, одам-соатига ва бир бош қорамолга қараб;
3. Ишлаб чиқариш Ҳаражатлари суммасининг бир бош қорамолга, 1 у маҳсулотга, 1 сум ялпи маҳсулотга;

4.1 ц маҳсулотнинг сотиш баҳоси;

5.Фойданинг бир бош корамолга, 1у маҳсулотга тўғри келади.

6.Маҳсулот етиштириш рентабеллиги билан Ҳарактерлаанади.

Чорвачиликмаҳсулотларини етиштириш ва уни зооветеринария қоидалари ассосида бокиш жараёнидаа қуйидаги иқтисодий кўрсаткичлар билан аниқланади. (поданинг насли, таркиби, типи, нормативи, овқатлантириш, рацион ва х.к), корамол маҳсулдорлиги ҳамма меҳнат унумдорлиги, бир бошга ишлаб чиқариш Ҳаражатлари, қўшимча Ҳаражатларни қоплаш, маҳсулот таннархи, фонд ва рентабеллик кўрсаткичларидир.

### **Қисқача хулоса**

Қишлоқ хўжалигининг асосий таромғи деҳқончилик ва чорвачилик бўлиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари, саноатни хом-ашё билан таъминлаб келмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан республика ва ҳамдўстлик давлатларининг аҳолисини таъминлаб келмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳажмини оширишда ҳукумат томонидан туб ислохотлар олиб борилди. Қишлоқда мулкчиликка асосланган тизим шаклланди. Ер ва мол-мулкка бўлган муносабатлар деҳқонларда тубдан ўзгарди. Натижада хусусий мулкдорлар салмоғи ортиб, маҳсулот ассортименти ошмоқда.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришдан ташқари бозори талаби бўйича маҳсулотни саноат усулида қайта ишлаш орқали фермерлар ўз даромадларини оширишга эришди. Чорвачилик билан асосан деҳқон хўжаликлари шуғулланиб, улар учун катта банк кредит имтиёзлари берилганлиги сабабли саноат усулида чорва маҳсулотлари ҳажми ошмоқда.

Чорва маҳсулдорлигини ошириш учун ем-хашак базаси яратилиб, шартнома ва биржаларда сотилмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчиларга тўлиқ ҳукуқий ва иқтисодий асослар яратилган.

### **Таянч иборалар**

Қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, ширкат, фермер, деҳқон, экин майдони, ҳосилдорлик, чорва, маҳсулдорлик, ем-хашак, ветеринария, наслчилик, агротехника, ялпи маҳсулот, таннарх, ислохот, мулкчилик, субъект, самарадорлик.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. *Халқ хўжалигида деҳқончиликнинг ўрнини изоҳланг.*
2. *Деҳқончилик тармоғига нималар киради?*
3. *Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги қандай оширилади?*
4. *Чорвачиликни ривожлантириши зарурияти **нимада?***
5. *Чорвачилик тармоқларини айтинг.*
6. *Деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларининг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларига нималар киради.*

#### **Асосий адабиётлар**

1. *Каримов И.А. “Ўзбекистон иқтисодий ислоотларни чуқурлаштириши йўлида”. – Т.: Ўзбекистон, 1995.*
2. *Қишлоқда ижтимоий ва иқтисодий ислоотларни чуқурлаштириши асослари. – Т.: “Ижод дунёси”, 2004, -318.*
3. *Коваленко Я.Н. “Экономика сельского хозяйства”. Москва: ЭКМОС, 1998.*
4. *Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, -Т.: ТДИУ, 2004.*
5. *Салимов Б.Т. ва бошқалар. “Фермер ва деҳқон хўжалиги иқтисодиёти” –Т.: ТДИУ, 2003, 142 б.*
6. *Устойчивое развитие агропродовольственного сектора как важнейший фактор социально-экономической стабильности России. (Материалы Второго Всероссийского конгресса экономистов – аграрников (13-15 февраля 2006 г., Москва)). Часть I, II. –М.: ФГНУ «Росинформагротех», 2006.*